


М.Қ. БЕГАЛИЕВ



**ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ
ҚОРАБУЛОҚ ШЕВАСИ
ЛЕКСИКАСИ**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ
ИНСТИТУТИ

МУЛЛАТОЙ ҚҶЧҚОРТОВИЧ БЕГАЛИЕВ

**ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ
ҚОРАБУЛОҚ ШЕВАСИ
ЛЕКСИКАСИ**

ТОШКЕНТ
«ИҚТИСОД-МОЛҶА»
2007

Маъсул муҳаррир:
филология фанлари доктори, профессора Э.А. Бегматов

Тақризчилар:
филология фанлари номзодлари — Б. Юсупов, М. Сафаров

Ушбу тадқиқотда ўзбек тилининг Қорабулоқ шеvasи лексикаси ўзбек шеvasи шунослигида биринчи марта монографик тарзда таҳлил этилиб, ilk бор йирилган лисоний далиллар асосида илмий йўналишида ўрганлди. Ўз қатлам ва ўзлашган қатлам, шевадаги қўлмаъноллилик, сўзларнинг шакли ва маъно муносабати кўра турлари, адабий тилдан фарқли томонлари аниқланди. Шеванинг худуди ёндош қозоқ ва бошиқа туркий тилларга муносабати қиссий йўналишида очиб берилди.

Монография туркологлар, диалектологлар, ўзбек тили ўқитувчилари, аспирантлар, бакалаврлар, магистрлар, студентлар ва кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

Монографияни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Тил тарихи тилларни қиссий ўрганиш ва диалектология бўлими нашрга тавсия этган.

ISBN 978-9943-13-010-4

© «IQTISOD-MOLIYA» нашриёти, 2007 й.

СЎЗ БОШИ

Жамият ҳаётининг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар амалга оширилаётган ҳозирги кунда ҳамма миллат ва элатларнинг миллий қадриятлари, тили, маданияти, урф-одати ва анъаналарини ҳурмат қилиш, уларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш асосий вазифаларимиздан биридир. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов: «...Республика ҳудудида яшовчи халқларнинг миллий маданиятлари ва тилларига ўзаро ҳурмат билан муносабатда бўлиш...»¹ лозимлигини таъкидлаб ўтганлар. Зеро, тил халқ, миллат руҳининг бетакрор ва ҳеч бир замон хира тортмас кўзгусидир. Маҳаллий халқ турмуши, ҳаёт тарзи ва руҳий дунёсининг ойнаси ҳисобланган шевалар лексикаси эса неча минг йиллар давомида унинг эгалари томонидан яратилган бебаҳо маънавий лисоний бойликдир. Шунинг учун ҳам Республикаimizдаги ва бошқа ҳудудлардаги ўзбек шевалари сўз бойлигини йиғиб олиш, илмий таҳлил қилиш ўзбек шевашунослари олдидаги долзарб вазифалардан бири саналади. Айниқса, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Афғонистондаги ўзбек шевалари лексикасини, унинг хилма-хил қатламларини илмий йўсинда таҳлил қилиш ўзбек тилининг ҳудудий ёндош тилларга бўлган муносабатини ўрганишда туркологияда, хусусан, шевашунослигимизда долзарб масалалардан бири бўлиб келди.

Тўғри, бу йўналишда Ф. Абдуллаев, О. Мадраҳимов, Т. Йўлдошев, А. Ишаев, Э. Ўрозов, Э. Шералиев, Ҳ. Шарипов каби олимлар илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган. Бироқ ҳудудий нуқтаси чегараланиб олинган аниқ бир шеванинг лексик бойликла-

¹ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. — Т.: Ўзбекистон. 1992. — Б. 21.

рини тўла қамраб олган тарздаги монографик ишлар кенг йўналишларда қилинмади.¹

Хусусан, Қозоғистон Республикасидаги ўзбек шевалари Е. Д. Поливанов, К. К. Юдахин, Ф. Абдуллаев, О. Мадраҳимов, К. Назаров, С. Зуфаров, Қ. Муҳаммаджонов, А. Йўлдошев каби олимларнинг изланишларидан кейин махсус ўрганилмади. Айниқса, Қорабулоқ шевасига К. К. Юдахин ва Ф. Абдуллаевларнинг баъзи мақолаларини ҳисобга олмаса, бутунлай эътибор берилмади. Холбуки, ўзида қадимги туркий тил хусусиятларидан ташқари, ўғуз шевалари гуруҳига хос тил жараёнларини, ўзбек миллий тилига оид сўз бойлигини жамулжам қилиб келаётган Қорабулоқ шеваси сўз бойлигини тўплаш, йиғиш ва илмий истеъмолга кириштиш ўзбек диалектологияси, диалектологияси юзасидан ҳам муҳим илмий аҳамият касб этадиган долзарб нуқталардан биридир.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тили Қорабулоқ шеваси сўз бойлигини бугунги кун нуқтаи назаридан илмий таҳлил қилиш, шева лексикасини йиғиш, унинг луғавий қатламларини қиёсий-тарихий йўсинда ўрганишдан иборат. Бу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш режалаштирилди:

— Қорабулоқ шевасидаги ўз қатлам ва ўзлашган қатламга оид ўзига хос лексик бирликларни ўрганиш;

— Қорабулоқ шеваси лексикасининг ўз қатламини қадимий туркий тил манбаларига ва туркий тиллар лексикасига қиёсан ўрганиш;

¹ Бу ҳақда қаранг: Юдахин К. К. Некоторые особенности Карабулакского говора // Узбек диалектологиясидан материаллар. — Т., 1957. — Т.1. — Б.31—57. Ўша муаллиф. Тексти. Карабулакский говор // Узбек диалектологиясидан материаллар. — Т., 1961. — Т.П. — Б. 14—23. Ўша муаллиф. Қорабулоқ ва Манкент шеваларидан текст намуналари // Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти илмий ишлари. — Т., 1963. — Чик. VII. — Б. 17—25. Поливанов Е. Д. Фонетическая система говора кишлака Икан // Известия АН СССР, отд. гуманитарных наук, Сер. VII. — Л., 1929. — С. 526—537. Абдуллаев Ф. А. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси. — Т., 1978; Мадраҳимов О. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси лексикаси. — Т., 1973; Муҳаммаджонов Қ. Шимолий ўзбек шевалари лексикасидан // Ўзбек тили ва адабиёти, — 1969. № 6., Ўша муаллиф. Жанубий Қозоғистондаги ўзбек шевалари. — Т., 1981; Ўша муаллиф. Жанубий Қозоғистондаги ўзбек шевалари морфологияси. — Т., 1984; Ишаев А. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. — Т., 1977; Ўрозов Э. Жанубий Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. — Т., 1978; Йўлдошев Т. Тожикистондаги ўзбек шевалари морфологияси (февл). — Т., 1986; Шералиев Э. Шимли-шарқий Тожикистондаги ўзбек шевалари лексикаси. Филол. фанлари номзоди... дис. автореф. — Т., 1974. — 21 б. Шарипов Ҳ. Жанубий Қирғизистондаги ўзбек шевалари: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. — Т., 1967. — 20 б.

— Қорабулоқ шеваси лексикасидаги кўп маъноли сўзлар, синоним, антоним ва омонимларни йиғиш ва адабий тилга қиёсан ўрганиш;

— Қорабулоқ шеваси билан қозоқ тили орасидаги ўзаро муносабатни ўрганиш;

— Қорабулоқнинг ҳудудий харитасини тузиш;

— Қорабулоқ шеваси лексикасидан намуналар илова қилиш.

Ўзбек тили Қорабулоқ шеваси лексикаси ўзбек шевашунослигида биринчи марта монографик тарзда тадқиқ этилиб, илк бор йиғилган лисоний далиллар асосида илмий йўналишда ўрганилди, таҳлил қилинди. Ўз қатлам ва ўзлашган қатлам, шевадаги кўп маъноlilik, сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари, адабий тилдан фарқли томонлари аниқланди. Шеванинг ҳудудий ёндош қозоқ тилига муносабати қиёсий йўналишда очиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг маънавий қадриятлар, миллий тил ва миллий маданиятнинг ривожланиши ва тараққий этиш йўллари ҳақидаги фикрлари, «Давлат тили ҳақида»ги Қонун, таниқли туркологлар, тилшунос ва ўзбек олимларининг тилшуносликдаги лексик таҳлил усулларидан мазкур тадқиқотни бажаришда методологик асос этиб олинди.

Монографияда лингвистик таҳлил синхрон ва диахрон, зарур ўринларда қиёсий усуллар асосида амалга оширилди.

Мазкур монография ишига 1973 йилдан бери сўраб суриштириш орқали ва магнит тасмаларига ёзиб олинган шева материаллари асос қилиб олинди. Бундан ташқари қорабулоқлик кекса ўқитувчи Абдумавлон ота Далабоевнинг шахсан тўплаган ва ҳозир у кишининг архивида сақланаётган маълумотларидан¹, шунингдек, Жанубий Қозоғистон вилоятидаги ўзбек шевалари бўйича эълон қилинган мақолалар, диссертациялар, баъзи илмий тадқиқотлардаги материаллардан, «Ўзбек шевалари лексикаси» (1966, 1991), «Ўзбек халқ шевалари луғати» (1971) дан фойдаланилди.

Мазкур ишда илгари сурилган илмий хулосалар ўзбек тилининг, қолаверса, ўзбек шеваларининг лексикасини ўрганишда назарий аҳамият касб этади. Шунингдек, ушбу монография ўзбек тили тарихини ўрганишда, бошқа ҳудудлардаги ўзбек шеваларини тадқиқ қилишда, ўзбек халқ шевалари изоҳли луғатини янада тўлдиришда тилшуносларга ёрдам бериши мумкин.

¹ Бизга материал тўплашда ёрдам берган Абдумавлон ота ва Р. Бегалиева бунинг учун миннатдорчилик билдирамиз.

Мазкур иш Қорабулоқ ҳудудида яшовчи шева вакиллари нутқидан ёзиб олинган материаллар асосида бажарилган. Шу нуқта назардан монографияда қайд қилинган лексик бойлиқдан турли йўналишдаги диалектал лугатларни тайёрлашда, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабаларига бошқа ҳудудларда яшовчи ўзбеклар тили ва шеваларидан махсус курслар бўйича амалий машғулотлар олиб боришда қўл келади.

Монография сўз боши, Кириш ва асосий қисм, умумий ҳулосалар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Монографияга Қорабулоқ шеваси лексикасининг мавзуй гуруҳларидан намуналар, Қорабулоқнинг ҳудудий харитаси ва ахборотчилар рўйхати илова этилган.

МОНОГРАФИЯДА ҚўЛЛанилган ТРАНСКРИПЦИОН БЕЛГИЛАР

а — тил орқа умумтуркий «а» унлиси: *ата* «ота, *айақ* «оёқ», *ала* «ола» каби сўзларда ишлатилади.

ә — тил олди юмшоқ «а» унлиси: *әкәл* «олиб кел», *әңгәмә* «ҳангома», *әсрәсә* «айниқса» каби сўзларда ишлатилади.

е (э) — тил олди э(е) унлиси: *ен* (эн) «белги», *е.р* «эрталаб», *ерны* «лаб» каби сўзларда фақат биринчи бўғинда ишлатилади.

у — тил орқа «у» унлиси: *ув* «заҳар», *урвақ* «урвоқ», *ут* «ют», *у* : *з* «оғиз сути» каби сўзларда ишлатилади.

ү — тил олди юмшоқ «у» унлиси: *үркмәк* «хуркмоқ» *үтмәк* «куйдирмоқ», *үшүк* «аёз, совуқ» каби сўзларда ишлатилади.

и — тил олди тор «и» унлиси: *ийғылык* «яхшилиқ, эзгу ният», *ийин* «елка», *илгәк* «тўғноғич» каби сўзларда ишлатилади.

ы — ўрта-орқа қатор қаттық «и» унлиси: *ысқырт* «зиқна, хасис», *ышқырмақ* «хуштак чалмоқ», *қымызәк* «нордон» каби сўзларда ишлатилади.

о — тил орқа, лабланган «ў» унлиси: *оймақ* «ангишвона», *ор* «чуқурлик», *отарчы* «габиб» каби сўзларда ишлатилади.

ө — тил олди, лабланган «ў» унлиси: *өгдәмәк* «танлаб олмоқ», *өзән* «катта ариқ», *өрмәк* «баландга кўтарилмоқ» каби сўзларда ишлатилади.

ң — тил олди ва тил орқа бурун нг ундоши: *оңалмақ* «соғаймоқ», *аң* «ов», *әңгәмә* «ҳангома» каби сўзларда ишлатилади.

қ, х, ғ ундошлари Қорабулоқ шеvasида худди ўзбек адабий тилидаги каби чуқур тил орқа ундошлари ҳисобланади.

Бошқа ундош товушларнинг ишлатилиши ва қўлланишида ҳеч қандай тафовутлар йўқ. Улар ҳозирги ўзбек адабий тилидаги кўринишларда қўлланилади.

ДИАКРИТИК БЕЛГИЛАР

: — икки нуқта унли товушдан кейин ишлатилади ва ўша унли товушнинг чўзиқроқ талаффуз этилишини билдиради: а:ды «номи», та:ды «нарса», ە:к «оҳак», қу:шмақ «бирлашмоқ».

// — тадқиқотда ишлатилган мазкур параллеллик белгиси на:ларда тутилган лексик бирликнинг бошқачароқ шаклда ишлатилишини англатади: ерны//ёрны «лаби», эмгәк//әмгәк «меҳнат», спкын//әпкын «шамол, шабада» каби.

(), «» — қавс ва кўштирноқ Қорабулоқ шеvasида ишлатилган лексик бирликнинг адабий тилдаги шакли ёки маъносидан кейин қўлланган белгини билдиради.

Туркий ёзма ёдгорликлар ва бошқа туркий тиллардан олинган мисоллар монографияда ўзгаришсиз ишлатилди. Араб, форс-тожик ва рус тили ҳамда у орқали бошқа тиллардан қабул қилинган сўзлар шевада қандай ишлатилса, ўшандай ҳолда ўзгаришсиз берилди.

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР: ЁЗМА ОБИДАЛАР, ЛУҒАТЛАР

Аттуҳфа — Изысканный дар тюркскому языку. Ташкент, 1978.

Батманов. Язык ЕПДП — Батманов И. А. Язык енисейских памятников древнетюркской письменности. Фрунзе, 1959.

МК — Махмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталибов. Тошкент, I том — 1960; II том 1961; III том — 1963.

ДТС — Древнетюркский словарь Л., 1969.

Индекс — Девону луғотит турк. Индекс-луғат. Ф. Абдурахмонов ва С. Муталибовлар иштироки ва таҳрири остида тузилган. Тошкент, 1967.

Азрсл — Азербайджанско-русский словарь. Баку, 1965.

Рустуркмрсл — Русско-туркменский словарь. М., 1956.

- Рустурсл — Русско-турецкий словарь. М., 1972.
 Рустажсл — Русско-таджикский словарь. М., 1985.
 ЖҚЎШ — Ҷрозов Э. Жанубий Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. Тошкент, 1978.
 Муҳаммаджонов — Муҳаммаджонов Қ. Жанубий Қозогистондаги ўзбек шевалари. Тошкент, 1981.
 О. Мад. — Мадраҳимов О. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси. Тошкент, 1973.
 НАЛ — Навоий асарлари луғати. Тошкент, 1973.
 Тдгдс — Түркмен дилиниң гысгача диалектологик сөзлүги. Ашгабат, 1977
 ТДС — Түркмен дилиниң сөзлүги. Ашгабат, 1962.
 Трсл — Турецко-русский словарь. М., 1978.
 Туркмрсл — Туркменско-русский словарь. М., 1968.
 Хш — Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари. Тошкент, 1961.
 Ўшл — Ўзбек шевалари лексикаси. Тошкент, 1966.
 Ўзхшл — Ўзбек халқ шевалари луғати. Тошкент, 1971.
 Ўтил — Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-2-том. М., 1981.
 Севортян — Севортян Э. В. Этимологический словарь тюркских языков. М., 1974.

ТИЛЛАР, ДИАЛЕКТЛАР ВА ЛАҲЖАЛАР НОМЛАРИ ҲАМДА БОШҚА ҚИСҚАРТМАЛАР

- араб — араб тилида
 озар. — озарбайжон тилида
 турк — турк тилида
 туркм. — туркман тилида
 қозоқ — қозоқ тилида
 ққ — қорақалпоқ тилида
 форс-тожик — форс-тожик тилларида
 Андижон — Андижон шеvasида
 Беруний — Беруний шеvasида
 Бухоро — Бухоро шеvasида
 Гурлан — Гурлан шеvasида
 Иқон — Иқон шеvasида
 Манғит — Манғит шеvasида
 Наманган — Наманган шеvasида
 Сайрам — Сайрам шеvasида

Ставрополь — Ставрополдаги туркман шеваларида
Тошкент — Тошкент шевасида
Тулкибош — Тулкибош шевасида
Туркистон — Туркистон шевасида
Урганч — Урганч шевасида
Хева — Хева шевасида
Хонқа — Хонқа шевасида
Шимкент — Шимкент шевасида
Шўраҳон — Шўраҳон шевасида
Янгибозор — Янгибозор шевасида
Қораб. — Қорабулоқ шевасида
Қорамурт — Қорамурт шевасида
Қорноқ — Қорноқ шевасида
Хоразм ўғуз — Ўзбек тилининг Хоразм ўғуз лахжасида
ўзб. ад.тил. — Ҳозирги ўзбек адабий тилида
ДДА — Докторлик диссертацияси автореферати
НД — Номзодлик диссертацияси
НДА — Номзодлик диссертацияси автореферати
ЎТА — Ўзбек тили ва адабиёти журнали
ЎДМ — Ўзбек диалектологиясидан материаллар.

КИРИШ

Қорабулоқ — Шимкент шаҳридан 32 км шарқи-шимолда Орис дарёсининг чап қирғоғида жойлашган йирик аҳоли истиқомат қиладиган қишлоқ. У Оқсув-Манкентдан 12 км шимолда. Бу қишлоқнинг аҳолиси, асосан, ўғуз ўзбекларидан ташкил топган. Ҳозирги маъмурий географик бўлинишга кўра Қорабулоқ Жанубий Қозоғистон вилоятининг Сайрам туманига қарашли ҳудуд. У туман маркази билан деярли қўшилиб кетган. Қозоғистон (олдинги Турксиб) темир йўли, Тошкент-Олмаота автомагистрали каби йўллар Қорабулоқни марказий шаҳарлар билан боғлайди. Ҳозир бу ерда 50 мингга яқин аҳоли истиқомат қилмоқда. Маҳаллий қарияларнинг айтишларича, бу ердаги ўғуз ўзбекларнинг асосий кўпчилиги Туркистон атрофидаги Ўтрор, Иқон, Чаға аҳоли ҳудудларидан кўчиб келиб ўрнашганлар. Шу сабабли, қорабулоқликлар баъзан ўзаро бир-бирларини улар асли ўтрорлик, булар асли иқонлик, ана улар матлик ва чағалик (Мат ва Чаға Иқон атрофидаги майдароқ аҳоли истиқомат қиладиган жойлардир) деб ҳам айтишади. Буни кўпроқ тарихдан хабардор қорабулоқликларгина билишади. Академик К. К. Юдахиннинг берган маълумотига қараганда, Қорабулоқда Тошкент томонлардан кўчиб келиб, шу ерда қолиб кетган ўзбеклар ва қозоқларнинг ўчоқли уруғига мансуб вакиллари ҳам яшайдилар. Тошкентликларнинг кексаларигина Тошкент лаҳжасида сўзлаша олади. Ёшларида Тошкент лаҳжаси сезилмайди. Қозоқларнинг ўчоқли уруғи ҳам қорабулоқлик ўзбеклар билан аралшиб кетганлиги сабабли қозоқ тилига хос хусусиятларни йўқотишган¹. К. К. Юдахин 1920 йилларда ушбу хусусиятларни кузатган бўлса, ундан қарийб 50 йил кейин Қорабулоққа борган шевашунос, проф. Ф. Абдуллаев шева вакиллари нутқини кузатиб

¹Юдахин К. К. Некоторые особенности карабулакского говора. -Б. 31.

шундай ёзган: «Қорабулоқлик ўзбекларнинг тилида Тошкент диалектининг бирор муҳим белгисини қайд қилолмадик. Уларнинг кўчиб келган вақти 250-300 йил тахмин қилинади»¹.

Бугунги кунда қозоқлар Қорабулоқ ҳудудида истиқомат қилишди. Улар, асосан, ғуж-ғуж ҳолда Манкент дам олиш уйи, Янги турмуш (Жаңа тўрмыс), Эшонбозор, Сифноқ, Сирғали, Жамбул жамоа хўжаликлари атрофларида яшашади.

Қорабулоқликлар шеvasини тилшунослар ўзбек тилининг ўғуз лаҳжасига мансуб шева гуруҳига киритишган².

Қорабулоқлик ўзбекларнинг фарзандлари ҳам уйда ўғуз лаҳжасида гаплашишади. Улар Қорабулоқ ҳудудида мавжуд бўлган 16 та ўрта ва тўлиқсиз ўрта мактабда ўзбек адабий тилида таълим олишади.

Қорабулоқлик ўзбеклар ўзларининг уруғлари номларини яхши билишади. Мазкур ҳудуддаги ўғуз ўзбекларининг *арыс, ташқын, қорсай, қурман, шараф, ақсулув, сығнақ, чығатай, йўлдўзхан, қутлығ, тортбай, қайнар, ақбота* каби уруғлари вакиллари яхлит ўзбек миллати атамаси остида истиқомат қилишмоқда.

Қорабулоқнинг тарихи ҳақида аниқ бир ҳужжат ҳозирча топилганича йўқ. Бироқ Қорабулоқ ҳудуди тарихи узоқ ўтмишга бориб боғланади. Бунга ушбу заминдаги тарихий ёдгорликлар, турли-туман азиз авлиёлар номлари билан боғлиқ қабристонун мазорлар далолат бериб турибди.

Қорабулоқда *Казба терак авлиё, Кул авлиё, Аламас авлиё, Имомар она, Қўлкат авлиё, Қайнар ота, Оқтан ота, Кўктан ота, Бектан ота, Бекажа она* каби қадамжолар мавжуд.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» (Туркий сўзлар девони)³ асарида қайд қилинган *Испижоб* (ҳозирги Шимкент) (МК, 1, 66), *Сайрам* (МК, 1, 111) // *Сарйам*⁴ (МК, III, 399), *Ақсай* (МК, 1, 110) каби жой номларининг Қорабулоқ атрофида бугунги кунда ҳам мавжудлиги, XI асрда ҳам улар туркий халқларнинг энг обод

¹ Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси. — Б.51.

² Юдахин К. К. Кўрсатилган мақола. — Б.31—57. Абдуллаев Ф. Кўрсатилган асар. — Б. 34, 50—51.

³ Кошғарий Маҳмуд. Туркий сўзлар девони (Девону луғотит турк). Уч томлик Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталлибов. — Т., 1960—1963 й.

⁴ Сайрам номи XI асрда «Оқ шаҳар» ҳам деб атаган. У «Испижоб» деб ҳам ном олган. Бундан ташқари *Сарйам* кўринишида ҳам ўша даврда қайд қилинган. Бу ҳақда «Девону луғотит турк» асарининг III том, 191-саҳифасида маълумот берилган.

шахарлари бўлганлиги, бу жойлардаги маданий ҳаёт ўчоқларининг энг узоқ мозийга бориб тақалишини кўрсатади.

Жанубий Қозоғистондаги жой номлари махсус тадқиқ қилинган ишларда ҳам бу нарса таъкидланган¹. Шунингдек, Жанубий Қозоғистон вилояти Мухтор Авезов номидаги давлат университетининг катта ўқитувчиси Раҳимтой Бегалиевнинг маълумотига кўра, Қорабулоқнинг Орис дарёси бўйидаги «Қозоқ мазор» деб аталган жойидан топилган қабр-лавҳа тошда вафот этган муллага мадҳиялар ёзилган йил аниқ кўрсатилган. Шунга нисбат олинадиган бўлса, Қорабулоқда одамлар IX-X асрдан бошлаб яшай бошлаган.

Қорабулоқ заминда яшаган халқ қадимдан ўтроқлашган бўлиб, улар, асосан, деҳқончилик, кўнчилик ва косибчилик, тўқувчи-тикувчилик, нонвойчилик, сартарошлик, чорвачилик каби соҳалар билан шуғулланишган. Айниқса, деҳқончилик, хусусан, сурорма деҳқончилик, зироатчилик, боғдорчилик ривожланган. Бунга Қорабулоқ худудидаги сув тармоқлари номлари ҳам гувоҳлик беради. Қорабулоқда *Машат, Қайнар, Кўрсай, Ҳра ариқ, Анор, Тошариқ, Ҳрта ариқ, Чуқур ариқ, Қир ариқ, Кент ариқ, Ош булоқ, Тошбой, Қорасув, Оқсув, Зикр ариқ, Абдуллабой, Норариқ, Бекажа она, Кўлкат, Бўз ариқ, Анор (А:ҳор), Орис* сингари сув тармоқлари мавжуд.

Қорабулоқликларнинг урф-одатлари, турмуш тарзи, кийинишлари, иморат қуришлари марказий Ўзбекистон аҳолисиники сингаридир. Улар томонидан экиладиган мевали-мевасиз дарахтлар, маданий ўсимликлар, истеъмом қилинадиган таомлари тўғрисида ҳам шундай фикр юритиш мумкин.

Қорабулоқ жой номи тўғрисида ҳам ҳар хил фаразлар мавжуд. Аввало шуни айтиш керакки, булоқ номи билан боғлиқ бўлган жой номлари Қорабулоқда, Сайрамда, умуман Жанубий Қозоғистон вилоятида кўплаб учрайди: *Оқбулоқ, Қизилбулоқ, Қсрабулоқ, Сарибулоқ, Кўкбулоқ, Совуқбулоқ, Илиқбулоқ, Шўрбулоқ, Узунбулоқ, Кенгбулоқ, Қашқабулоқ, Қўтирбулоқ, Қўшбулоқ, Сассиқбулоқ, Қуртлибулоқ//Қурттибулоқ, Уч//Ушбулақ, Мингбулоқ, Берсинбулоқ, Бергинбулоқ, Кумбулоқ, Тошбулоқ, Мойбулоқ, Жиренбойбулоқ, Ҳрмонбулоқ, Қайнарбулоқ, Чашмабулоқ, Товоқбулоқ, Алавастибулоқ, Отбулоқ, Матбулоқ* кабилар шулар жумласидандир².

¹ Каримова Л. Ўзбек тилида топонимларнинг ўрганилиши (Шимолий ўзбек шевалари материаллари асосида) — Т., 1982. — Б. 65—92.

² Каримова Л. Ўзбек тилида топонимларнинг ўрганилиши. — Б. 38—39.

Қорабулоқ жой номининг келиб чиқиши тўғрисидаги биринчи фаразда куйидагича қарашлар мавжуд:

Қорабулоқ қишлоғидаги энг катта серсув каналлардан бири Қорасув ҳисобланади. Олдинлари у тўлиб-тошиб оққан. Сувни у, асосан, ён-атрофидаги булоқлардан олган. Ариқ (канал)нинг туби тош, атрофини ўт-ўлан қоплаб олган. Оқиб турган сув теладан қараган одамнинг кўзига қоп-қора бўлиб кўринади. Бу қоп-қоралик сувнинг тиниқлигидан. Сув ниҳоятда тоза, унда на лойқа ва на бошқа аралашма бор. *Қорабулоқ* ва *Қорасув*даги *қора* сўзининг маъноси ана шу сифат билан боғлиқ. *Булоқ*нинг маъноси «табиий чашма» эканлиги маълум.

Иккинчи фикрга кўра, гўё олдинлари Қорабулоқ худудидаги Учқўрғон (Ичқўрғон) деган жойда ранги тип-тиниқ, қорамтир кўринишдаги булоқ мавжуд бўлган. Қора сўзи ҳам сувнинг рангига кўра олинган. Бу булоқ суви ниҳоятда тоза, ширин бўлган. Шу сабабли, бу ерга келиб сув ичганлар ушбу булоқнинг суви ниҳоятда тоза, ширин, тиниқ ва қорамтир кўринганлигидан «бу қора булоқ ширин, бошқа булоқларники унингдай эмас» деб овоза қилишган. Ана шу ривоят асосида Қорабулоқ номи келиб чиққан.

Бироқ ҳозир қишлоқда бундай жуда ширин, суви тип-тиниқ, қорамтирроқ ва машҳур Қорабулоқни ҳеч ким кўрсата олмайди.

Булардан ташқари *қора* сўзининг «шимол, шимолдаги жой» каби маъноларни ифодалашини ҳам маълум¹. Қорабулоқ сўзининг иккинчи қисми асли «бўлак» бўлган. Қорабулоқ Сайрам (эски номи Испижоб)нинг шимолидаги энг йирик қишлоқ, карвон йўлидаги шаҳарча ҳам ҳисобланган. Шунга кўра, эҳтимол, *Қорабулоқ* номи «Сайрам» (Испижоб) шимолидаги бўлак (қисм) деган маънони билдирган бўлиши ҳам мумкин. Бу учинчи фикр асосида юзага келган қарашдир.

ҚОРАБУЛОҚ ШЕВАСИНИ ЎРГАНИШ ТАРИХИДАН

Қорабулоқ шеваси тўғрисидаги дастлабки маълумотлар 1920 йилларда нашр қилинган тадқиқотлардан маълум.

Қорабулоқ шеваси тўғрисидаги эълон қилинган дастлабки ва асосий илмий мақолалар ва матнлар тилшунос К.К. Юдахиннинг

¹ Кононов А. Н. Семантика цветообозначений в тюркских языках // Тюркологический сборник 1975. — М., 1978, — С. 159—179. Аракин В. Д. Сложные существительные с первым компонентом-прилагательным цвета в турецком языке // TURGOLOGICA. — Л., 1976, — С. 20—26.

номи билан чамбарчас боғлиқдир. К. К. Юдахин 1925 йилда Ўрта Осиё давлат университети Шарқ факультетининг туркий ва эрон тил бўлимларини «Қорабулоқ шевасининг баъзи бир хусусиятлари» номли диплом иши билан битиради. Уни қайта ишлаб, 1927 йилда нашр қилдиради¹. Бу тадқиқот 1957 йилда ҳам қайта чоп қилинади². К. К. Юдахиннинг ушбу иши Қорабулоқ шевасининг фонетик-морфологик хусусиятларини очиб беришга бағишланган. Олим шеванинг таркибини унли ва ундошларга ажратиб таҳлил қилади. Шевадаги товуш ўзгаришларини ҳамда бирламчи чўзи унлиларнинг мавжудлигини аниқлайди: а:т(а:д) «ном, исм», а:д «унинг исми». Чўзиқлик отларни от туркумидаги сўзлардан, кенг роқ ҳолатда феъллардан ҳам ўзаро фарқ этишини кўрсатиб беради: ат «от» (ҳайвон), аты «унинг оти» (ҳайвони); ат «ташла, улоқ тир, от» (ўқ отмоқ); Дэдэмынг а: ды Ташмат «Отамнинг номи Тошмат», дэдэмынг йахши аты бар (// ба:) «Дадамнинг яхши оти бор»; а: ч (/а: дж, а: ш, а: ж) «оч» (қорни оч), ач «оч» (эшикни очмоқ); о: т (о: д) «олов» о: ды «унинг олови», от «ўт», (майса) оты «ўти» (майсаси); о: дун, қы:з, қы:н (ўтин, қиз, қин) каби сўзларнинг ҳам чўзиқ талаффуз этилишини мисоллар билан кўрсатиб беради³.

Булардан ташқари, К. К. Юдахин Қорабулоқ шевасида *товуқ совуқ* кўринишидаги сўзларнинг таркибидаги *ов* товуш бирикмасининг дифтонгсимон чўзиқ о:,у: тарзида *то:қ//тауқ*: *Тауғын кәттәлиги өрдәгдәк* «Товуқнинг катталиги ўрдақдек», *со:қ* «совуқнинг ишлатилишини ҳам аниқ кўрсатган. Бундан ташқари *то:қ* «товуқ»га нисбатан шевадаги *тоқ* нинг «қорни тўқ» маъносига *со:қ* «совуқ»га нисбатан *соқ*нинг «урмоқ, босмоқ» маънолариди кўлланишлари ҳам яхши кўрсатилган⁴. Булар билан бирга адабий тилдаги *топиб*, *қопиб* сўзларининг *қо:п* <*қауп*><*қабып*> «тишламоқ» дан; *то:п* <*тауп*> <*табып*> «топмоқ» дан келиб чиққанини ҳам олиг атрофлича изоҳлайдики, улар бугунги кунда ҳам Қорабулоқ шева сида ўзгаришсиз ишлатилади⁵.

¹ Юдахин К. К. Некоторые особенности Карабулакского говора // Сборник «В. В. Бартольд». — Т., 1927.

² Юдахин К. К. Некоторые особенности Карабулакского говора // Ўзбек диалектологиясидан материаллар. — Т., 1957, — Т. 1. — Б. 31—57.

³ Келтирилган мисоллар К. К. Юдахин матнларида берилгани сингари ўзгаришсиз ишлатилди.

⁴ Ҳозирги насл нутқида *со:қ*, *то:қ* сўзлари *со:уқ*, *то:уқ* қа мойилроқ талаффуз этилади.

⁵ Юдахин К. К. Некоторые особенности Карабулакского говора. — Б. 32—33

Морфология бўйича К. К. Юдахиннинг Қорабулоқ шевасидан келтирилган лисоний далиллари ҳам диққатни ўзига жалб қилади. Унинг даражадалиги билан фарқланиб туради. Жумладан, қаратқич келишиги кўшимчасининг ундошдан сўнг *-ынг// -инг* «атынг» (ат «от» (ҳайвон), *итинг* (ит «ҳайвон») эканлиги; унлидан сўнг эса *-нынг// -нинг* «атанынг (*ата* «ота»), *тепәнинг* (тепә «тепа») тарзидалиги, жўналиш (*мән// мен, сән// сен, ул* кишилик олмошларига кўшилганда кишилик олмошларининг *маңга* (маңа), *санга* (сана), *анга* (ана) кўриниши олиши), чиқиш (*-дын// -тын// -дин// -тин*) кўшимчалари шаклида мавжудлиги, уларнинг сўзга *тағдын* «тоғдан», *аттын* «отдан», *тепәдин* «тепадан», *иттин* «итдан» шаклида кўшилиши ҳамда бу шаклнинг эски ўзбек тили ёзма ёдгорликларида сақланганлиги) келишикларининг ўзига хос кўрсаткичларга эгалиги ишончли берилган.

Бироқ К. К. Юдахин шевадаги жўналиш келишигининг *-қа* (*Қарабулаққа*), *-кә* (*терәккә*), *-ға* (*буларға, дарға*), *-а* (*қолума*) кўринишлари ҳақида маълумот бермайди. Аммо улар К. К. Юдахин қилган матнлар ичида мавжуд. Шунингдек, шевадаги бош келишик, тушум, ўрин-пайт келишиклари кўшимчалари ва уларнинг ишлатилишига ҳам диққат қилинмаган.

К. К. Юдахин кўрсатиш олмошлари бул «бу», ул «у» нинг кўплик кўшимчасини қабул қилганида, охириги «л» нинг сақланиши ва икки «л» орасига «а» унлисининг орттирилишини кўрсатади: *булалар* (бул+а+лар) «булар», *улалар* (ул+а+лар) «улар».

Қорабулоқ шевасига хос хусусиятлардан яна бири адабий тилдаги эгалик кўшимчаси *-ники* нинг *баланынгки* «боланики», *атамынгки* «отамники», *итингки* «итники», *менингки* «меники», *сенингки* «сеники» каби ишлатилишидир. Бундай қўллаш бугунги Қорабулоқ шевасида ҳам бор.

К. К. Юдахин булардан ташқари, Қорабулоқ шевасида ишлатилаётган ўтган замон, ҳозирги-келаси замон феълларига хос тусланишларнинг бетақрор мисолларини ҳам келтириб ўтадики, улар бугунги Қорабулоқ қишлоғи аҳолиси нутқида ҳам олим бундан 87 йил олдин кўрсатгандай кўринишда ишлатилмоқда¹. Олимнинг жиддий кузатишларидан яна бири қорабулоқликлар нутқидаги *олмақ* ва *болмақ* «бўлмоқ» феълларининг ишлатилиши тўғрисидаги фикридир. Улар қўлланишда ўзаро фарқ қилади. Ҳеч қачон

¹ Юдахин К. К. Кўрсатилган асар. — Б. 35—36.

бири ўрнида иккинчиси ишлатилмайди. *болмақ* фақат буйруқ-и так маъноларини¹ бергандагина қўлланади:

болды! — «бас! етарли! жим бўл!

йол босу! — «оқ йўл» маъносида. Бошқа ҳолатларда *олмақ* ишлатилишини олим қатор мисолларда кўрсатиб ўтади².

Олим ўзи йиққан лисоний далиллар асосида ихчам хулосала беради. Қорабулоқ шевасининг ўғузларга хос тил хусусиятларини сақлаганини (1. қаратқич келишигининг кўрсаткичи-ынг/-и эканлиги; эски туркий чўзиқ унлиларнинг мавжудлиги; ўтган эмон феъли (*олмақ* нинг (озарбайжон тилида, Хоразм ўғузларида *сағ ўл* «соғ бўл» маъносида ҳозир ҳам бор — М.Б.) нинг ишлатилишини аниқлаб, Қорабулоқ шевасидан матнлар илова қилади. Бу матнлар ҳозирги Қорабулоқ қишлоғи аҳолисининг нутқида жуда жуда яқин, уларни айнан деса ҳам бўлади.

К. К. Юдахин томонидан Қорабулоқ қишлоғи шеваси вакиллари нутқидан 1920—30 йилларда ёзиб олинган ва нашр этилган кейинги матнлар ҳам лаҳжага доир лисоний хусусиятларни ўзидан яхши акс эттирганлиги билан аҳамиятлидир. Эълон қилинган ушб матнларда Қорабулоқ шеваси лексикасига алоқадор бўлган жуда бой лисоний далиллар мавжуд. Қуйида улардан айрим намуналар келтирилди: *қонлақ* «унаштирмақ». Паланчининг қызынь оғлу ма *қондым*, *путурмак* «битирмоқ». Ташкэндин брәу кәгән экә йумушыны *пүтүрүп* қайтып кәтти; *ба:на?* «борми! «Адам *ба:на*; ет *гүшт*» «Ет йегәндә нан былән йейсәнә, қуруқ йейсәнә?»; өкү *хүкиз*. Мәнә бу *өкүзинг* кәтгәлиги аттақ (отдай, от каби — М. Б.) *жүмәлик* «гап, гаштак», *жиқламақ* «норинга шўрва (бульон) қуйиш»; *шылынтақ* «сувга қайнатилган хамир», *тартув* «совға», *күллә* «барча», *чоқалақ* «чуқур», *еши* «дугона», *өртәмәк* «ёқмоқ» ва ш.к.

Қисқача қилиб айтганда, К. К. Юдахиннинг³ Қорабулоқ шеваси тўғрисида эълон қилган асарлари ўзининг илмий аҳамиятини бугунги кунда ҳам йўқотган эмас. Олимнинг бу ишлари ўзбек шевашунослигида ўз салмоғи ва бетакрор илмий далилларга бойлиги билан тадқиқотчилар диққатини бундан кейин ҳам ўзига жалб этаверади.

¹ Ўша муаллиф. Кўрсатилган мақола. — Б. 37.

² *йол босу!* ҳозирда *йол осу!* шаклида кенгроқ қўлланиб, «йўл бўлсин, қаерга борясан?» маъноларида ишлатилмоқда.

³ Юдахин К. К. Тексты. Карабулакский говор // Ўзбек диалектологиясидаги материаллар. — Т., 1961. — Т. II. — Б. 14—23. Ўша муаллиф. Қорабулоқ ва Манкент шеваларидан текст намуналари // Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтининг илмий ишлари. VII. — Т., 1963. — Чик. VII. — Б. 17—25.

Профессор Е. Д. Поливановнинг «Иқон қишлоғи шевасининг товуш тизими» номли мақоласи¹ бевосита Қорабулоқ шевасига тааллуқли бўлмаса-да, унда билдирилган фикрларнинг кўпчилиги Қорабулоқ аҳолиси нутқидаги хусусиятларни қамраб олади. Чунки қорабулоқликлар қадим-қадимда асли Иқон қишлоғидан бориб қолган ўғуз ўзбеклари ҳисобланишади. Шунинг учун ҳам Е. Д. Поливанов Иқон шевасини ўрганар экан, бу шева жуда тор ҳудудга тарқалганини айтади ва менга маълум бўлишича Иқон ва Ибота (Янги Иқон) қишлоқларидан ташқари бу шева вакиллари Қорабулоқ қишлоғида ҳам яшайдилар» дейди (527-саҳифа).

Е. Д. Поливановнинг кейинги бир иши «Туркистон шаҳар шеваси» га бағишланган². Олим бу ишида ўзбек шеваларини «эронлашган ўзбек шевалари», «эронлашмаган ўзбек шевалари», «туркманлашмаган ўзбек шевалари», «туркманлашган ўзбек шевалари» каби тасниф қилиб, Иқон ва Қорабулоқ шевалари, шунингдек, Хива ва Хоразмнинг баъзи шеваларини у туркманлашган шевалар гуруҳига киритади. Бу гуруҳ шевалар жануби-ғарбий туркий тиллар, яъни ўғуз гуруҳига мансуб туркий тилларга хос бўлган бир қатор лисоний белгиларга эга. У хусусиятлардан энг муҳими чўзиқ ва қисқа унлиларнинг мавжудлигидир, деб таъкидлаб ўтади.

Е. Д. Поливановнинг ўзбек шеваларини юқоридаги тарзда тасниф қилиши туркологлар томонидан жиддий танқидга учради³. Шу сабабли биз маълум танқидий фикрларни қайта такрорламадик.

Қорабулоқ шеваси ўзбек шеваларини тасниф қилган А. К. Боровков, В. В. Решетов, Ф. А. Абдуллаев, К. Назаров каби олимларнинг ишларида⁴, ўғуз лаҳжаси лексикасини тадқиқ этган О. Мадраҳимов тадқиқотида⁵ эътиборга олинган.

¹ Поливанов Е. Д. Фонетическая система говора кишлака Икан // Известия АН СССР. Сер. VII. отд. гуманитар. наук. — Л., 1929. — С. 526—537.

² Поливанов Е. Д. Говор города Туркестана. Известия АН СССР. Отд. гуманитар. наук. Сер. VII. — Л., 1927. — С. 528—535.

³ Боровков А. К. Вопросы классификации узбекских говоров // Известия АН УзССР. Сер. общ. наук. — 1953. — №5. — С. 72—73; Багманов И. А. Вопросы классификации узбекских говоров // Проблемы языка. 1934. — Том I, — С. 29—30; Фоиз Олим. Ўзбек лаҳжаларини таснифда бир тажриба. — Т. 1935. — Б. 12; Абдуллаев Ф. А. Хоразм шевалари. — Т., 1961. — Б. 257; Решетов В., Шоабдураҳмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. — Т., 1962. — Б. 30—31.

⁴ Боровков А. К. Кўрсатилган мақола. — Б. 72—73; Решетов В. Узбекский язык. Часть 1. Фонетика. — Т., 1959. — С. 59—68. Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси. — Б. 34, 50—62; Назаров К. Шимолий ўзбек шевалари таснифига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. — 1969. — №5. — Б. 40—45.

⁵ Мадраҳимов О. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси. — Т., 1973. — Б. 11—12.

Қорабулоқ ҳудуди атрофидаги Манкент¹, Сайрам² шевалари ҳам махсус ўрганилган. Қ. Муҳаммаджонов Жанубий Қозоғистондаги ўзбек шеваларини қорлуқ ва қипчоқ тип шева материаллари асосида тадқиқ қилган³. Муаллиф бу асарларида қиёс учун Қорабулоқ шевасидан ҳам лексик, фонетик-морфологик лисоний далиллар келтириб ўтган. Бу бу ишлардан Қорабулоқ шеваси лексикасини таҳлил қилаётганда назарий манба сифатида фойдаландик. Айниқса, проф. Ф. А. Абдуллиннинг «Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси лексикаси» (1978) номли монографияси, Ш. Шоабдурахмоновнинг «Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари» (1962), «Ўзбек тилининг қарлуқ лаҳжаси» (1983) асарлари бизнинг ишимизга, тадқиқот йўналишимизни белгилаб олишимизга ҳам назарий ва ҳам амалий манба бўлиб хизмат қилди.

Қорабулоқ шеваси лексикасини ўрганиш ишида ўзбек тилшунослигида лексикология бўйича⁴, ўзбек шевалари лексикаси бўйича⁵, ўзбек адабий тили асосчиси Алишер Навоий асарлари бўйича⁶, халқ оғзаки ижоди лексикаси юзасидан⁷ қилинган тадқиқотлардан унумли фойдаланилди.

¹ Йўлдошев А. Манкент шевасида феълларнинг замон формалари // Ўзбек филологияси масалалари тўплами. — Т., 1968. — Б. 16—25.

² Зуфаров С. Сайрам шеваси // Тил проблемалари. — Т., 1935. — Т. II. — Б. 80—112. Ўша муаллиф. Сайрам шевасининг баъзи бир фонетик хусусиятлари // Тилшунослик ва адабиётшуносликка оид тадқиқотлар. — Т., 1965. — Б. 223—227. Ўша муаллиф. Сайрам шевасининг лексик хусусиятлари // Тилшунослик ва адабиётшуносликка оид тадқиқотлар. — Т., 1965. — Б. 195—205. Ўша муаллиф. Ўзбек тилининг Сайрам шеваси: Филол. фанлари номзоди ... дис. — Т., 1966. — 167 б.

³ Муҳаммаджонов Қ. Туркистон шеваси (Қарлуқ группа шевалари асосида): Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. — Т., 1970. — 196. Ўша муаллиф. Жанубий Қозоғистондаги ўзбек шевалари морфологияси. — Т., 1984. Ўша муаллиф. Жанубий Қозоғистондаги ўзбек шевалари. — Т., 1981.

⁴ Камол Ф. Лексикология // Ҳозирги замон ўзбек тили. — Т., 1957. — Б. 49—182; Ўзбек тили лексикологияси. — Т., 1981; Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. — Т., 1975; Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. — Т., 1985; Нетьматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. — Т., 1995 ва бошқа ишлар.

⁵ Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари. I луғат. II. Хоразм шеваларининг таснифи. — Т., 1961; Ўша муаллиф. Хоразм шевалари лексикаси // Ўзбек шевалари лексикаси, — Т., — Б. 18—220; Абдуллаев Н. Афғонистондаги ўзбек шевалари лексикаси // Ўзб. тили ва адабиёти, — 1976, — №4. — Б. 68—72; Шералиев Э. Шимоли-шарқий Тожикистондаги ўзбек шевалари лексикаси: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. — Т., 1974. — 20 б. Ўзбек шевалари лексикаси. — Т., 1966; Ўзбек халқ шевалари луғати. — Т., 1972. Ўзбек шевалари лексикаси. — Т., 1991 йил ва шу каби ишлар.

⁶ Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. — Т., 1983.

⁷ Абдуллаев Ж. Х. Ўзбек халқ топанимоқларининг лексик-семантик хусусиятлари. Филол. фанлари номзоди ... дис. — Т., 1994. — 168 б. Жуманиёзова М. Хоразм халқ кўшиқлари лексикаси: Филол. фанлари номзоди ... дис. — автореф. — Т., 1999. — 21 б. ва шу каби ишлар.

Юқорида қайд қилинган ва Жанубий Қозоғистондаги ўзбек шевалари гаҳил қилинган тадқиқотларда Қорабулоқ шеваси лексикаси махсус ўрганилмади. Унинг сўз бойлигига эътибор берилмади.

Қорабулоқ шевасининг сўз бойлигида ўзбек адабий тили ва бошқа ўзбек шеваларида учрамайдиган хилма-хил лексик бирликлар мавжудки, уларни йиғиш, изоҳлаш, луғат қилиб илмий истеъмолга киритиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Шева лексикасидаги ўзига хос ранг-баранглик сўзларнинг мавжудлиги гуруҳларида яққол кўзга ташланади. Бунга мисол қилиб қуйидагиларни келтириш мумкин: *Ўт-ўлан*, *бутасимон ўсимлик номлари: чириш* «сироч ўсимлиги», *апалоқ от* «томири совун ўрнида ишлатиладиган ўсимлик», *чуғайна* «тикани бор ўсимлик», *чошқа тыкан // тугмә тыкан* «ер бағирлаб ўсадиган ўсимлик тури», *тугмә от* «тугмадек донли ўт», *олан от* «тўқайда ўсадиган ўт», *сутлән от* «сутли ўт»; *бойлық от* «пичан боғлашга қулай ўсимлик» ва ш.к.

Чорвачилик билан боғлиқ бўлган номлар: *малақ* «тезак», *чалма* «қуритилган тезак», *халап* «молга бериладиган емиш», *тапми* «чорва моллари гўнгидан йиғилиб, махсус шаклда ясаб қуритилган таппи (ёқилғи)», *чешмә* «тезакнинг майда ҳолда қуригани», *чопхана* «хашак турадиган махсус жой» ва ш.к.

Уй-рўзгор буюмлари номлари: *чот* «кичик теша», *дәмәрдә* «ёғоч чўқмор, соплик», *чығырық* «ип йиғирадиган асбоб», *тәнгыз* «кичик галвир», *орын мераб // орын тек* «пойандоз (кўрпача)лар йиғиладиган тоқча», *көшәнгә* «ўрин устига ёпадиган ёпқич»¹, *қашбақ* «кичкина рўмол», *баштаңды* «бошни ўрайдиган мато», *қоқыбаи* «эски, қийшиқ қалпоқ» ва ш.к.

Тана аъзолари номлари: *чурмалтәк* «энг кичик бармоқ», *барамурәк* «иккинчи панжа бармоқ», *ортатерәк* «учинчи бармоқ», *ҳажымулуқ* «тўртинчи бармоқ» ва ш.к.

Косибчилилик билан боғлиқ бўлган номлар: *гәзәп* «этиқдўз асбоби», *коба* «этиқдўз асбоби», *шан* «этиқ, маҳси қолипи» ва ш.к.

Шунингдек, ишда шева лексикаси лексемаларнинг тарихий ва замонийлиги жиҳатидан ҳам кузатиладиган бўлиб, унда *йоқсул*, *тылмач* // *тылшы* «тилмоч», *мәжәллә* «журнал», *мәҳзын* «ғамгин», *мусанпырхана* «меҳмонхона», *авахта* «қамоқхона», *отарва* «поезд», *мудәррыс* «домла, ўқитувчи», *айрапалан* «аэроплан, самолёт» дек

¹ Тошкентда *көшәнгә*, Тулкибошда *гәшәнгә* (Ўхшл, 68), Жанубий Хоразмда *көшәйәнә // көшәгәнә*, Манғитда *көшәгәнә* (Ўзшл, 149) «чимилдик».

архаизмлар; *мыршап, қазы, кәнизәк, батман, мысқал, миңбашы, мазым, пашша, бай, әллыкбашы, кәпсән, зындан, батрақ, үшүр, блыс, датха, вақыт, онбашы, қадақ, нут, танап, гәз, бырмыры, чқырым сингари тарихий сўзлар; космос, касманавыт, кампит «компьютер», маркатиң «маркетинг», пырынтыр «принтр», дызаын, дызайнырга ўхшаш неологизмлар; баҳар-көкләм, чөлөк-пақыр, әсәбал, байқуш-байоғлы, мысычә-қумры // кукумәллә-мычә, қарға-экаби дублетлар ҳам мавжудлиги аниқланди.*

Қорабулоқ шевасида булардан ташқари артынғыш «ювинганд артинадиган сочик», *осғуш «шипдаги илмоқ қозик», отыйғуш «бөкеи махсус асбоб», отачғуш «кетмон ёки махсус асбоб», кантықуш «мўри оғзига тикиладиган мослама», йарғуш «нона; ёриб чикувчи», йанағуш «озгина, ярим қисмча»; көзчыл «билафон тажрибақор», сөзчыл «сўзга уста, сўзагон», расчыл «ростгўй», намысчыл «ор-номусли», ырымчыл «ирим-сиримчи (одам)», мегачыл «ўйнаши бор аёл», хәмиятчыл «ҳимоя ва ёрдам берувчи одам», күзләк «куз бўйи», қышлай «қиши бўйи», йазлай «ёзи билан, ёз бўйи» сингари бир хил қолипдаги ўзига хос лексик бирликлар ҳам мавжуд.*

Қорабулоқ шевасида ўзбек адабий тилидаги лексик бирлик ёки сўз бирикмаси билан шаклан ўхшаш, бироқ маънода тафовут қилдиган ўринлар ҳам хилма-хилдир.

Қорабулоқ шевасида	Ўзбек адабий тилида
миңбашы «ипак курги пилла ўрайдиган ўсимлик» түгмәк «окламок». Гүрүшы көльдә түгәды «гуручни ўғирда оқлайди»	миңбашы «эски даврдаги мансаб» түгмәк 1. тугун солмоқ. 2. четларини ёпиштириб ясамоқ, тайёрламоқ (манги түгмөк). 3. мева солмоқ.
мақал «лакаб» салт мал «вояга етмаган мол» тамағы ағарды «оғиз сут-қатикқа тегмоқ» сойлақ «новча, баланд бўйли, узун (одам)»	мақол — «ҳикмати ибора». салт ат «юксиз от». томоғи оқармоқ «касаллик» сўйлоқ «ташқарига туртиб чиққан, узун тишли одам».

Тадқиқотнинг тегишли бобларида Қорабулоқ шевасининг лексик қатламлари, лексик бирликларнинг шакли ва маъно турлари кўп маъноли сўзлар, қозоқ тилига муносабати борасида фикрлар билдирилган.

ҚОРАБУЛОҚ ШЕВАСИНИНГ ЛЕКСИК ҚАТЛАМЛАРИ

Қорабулоқ шеваси лексикасининг асосий қисмини, ҳеч шубҳасиз туркий тиллар луғавий тизимига, яъни бу шеванинг ўзига хос бўлган қатлам ташкил қилади¹. Шеванинг луғат таркиби жамиятнинг тараққиёти билан узвий боғлиқ ҳолда ўзгариб, ривожланиб борадиган таъсирчан қатлам ҳисобланади. Ривожланиб бораётган жамиятда сифат ва миқдор ўзгаришлари содир бўлса, у ўз навбатида тилининг луғат фондида ҳам ўз ифодасини топади. Пайдо бўлган ўзгаришлар, тушунчалар янги лексик бирлик ва атамаларни талаб қилади. Айниқса, турли-туман халқларнинг аралаш ва қўшни яшашлари натижасида у тилдан бу тилга ёки аксинча янги тушунчалар билан бирга янги лексик бирликларнинг бир-бирига ўтишига олиб келади. Жумладан, ўзбек ва қозоқ тилларига умумий бўлган лексик қатламларда кўпгина халқларнинг тилларига хос лисоний бирликларни топиш мумкин. Ушбу ҳолат яна ўзбек ва қозоқ халқлари тилларининг ҳамда улар таркибидаги шеваларнинг ўзаро фарқ қилишига ҳам олиб келган.

Қорабулоқ шеваси тарихан ўғуз лаҳжасига мансуб бўлганлиги сабабли қорабулоқликлар нутқида ўғуз гуруҳига мансуб тилларга ҳамоҳанг лисоний ўринларнинг бўлиши табиий. Шу билан бир қаторда, қорабулоқликлар нутқида туркий тилларнинг қипчоқ гуруҳига мансуб бўлган қозоқ тилига ҳамоҳанг лисоний бирликлар ҳам салмоқли қисми эгаллайди. Чунки Қорабулоқ Қозоғистон Республикасида жойлашган. Қорабулоқлик ўзбеклар ва қозоқлар

¹ Лексик бойликларни қатламларга ажратиб ўрганиш бўйича тилшуносликда бир қанча ишлар қилинган. Бу ҳақда қаранг: Мадраҳимов О. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси лексикаси. — Т., 1973. — Б. 18—70. Ҳрозов Э. Жанубий Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. — Т., 1978. — Б. 63—78; Бегматов Э. Ўзбек тили лексикасининг ижтимоий-тарихий асослари // Ўзбек тили лексикологияси. — Т., 1981. — Б. 42—157; Ҳша муаллиф. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. — Т., 1985.

ҳар куни турли йўналишларда ўзаро муносабатда бўлишади. Ҳади шунингдек, Ўзбекистон Республикасидаги қозоқ тили ва унинг шевалари лексик таркибида ҳам ўзбек тили лаҳжаларидагига муносабатдан лисоний далилларни учратиш мумкин. Хусусан, қозоқ тилининг Тошкент вилоятида яшовчи шеваларига ўзбек тили қорлу чигил-уйғур ва қипчоқ лаҳжаларининг таъсири сезиларлидир¹.

Булардан ташқари, Турон заминда яшовчи халқлар қадимдан араблар, форс-тожик халқлари ва нисбатан кейинги асрлардан рус халқи орқали Европа халқлари билан маданий, иқтисодий ва сиёсий заруриятлар сабабли ўзаро алоқа ва муносабатларда бўлганлар. Ушбу лисоний жараёнларнинг барчаси Турон заминда яшовчи халқларнинг тилларида ўз ифодасини топган. Шу нуқтаи назардан Қорабулоқ шеvasининг луғат бойлиги лексик қатламлар ажратиб таҳлил қилинганда бошқа тил ва шеваларда учрагани сизгари унинг ҳам лексик бирликлари таркибини ўз қатлам ва ўзлашган қатлам ташкил этишини кузатиш мумкин.

ЎЗ ҚАТЛАМ

Шевалар лексикасини, ўзбек тили лексик бирликлари бойлигини, қолаверса, туркий тиллар лексикасини ҳар томонлама ўрганиш, чуқур таҳлил қилиш ишларига тилнинг бошқа соҳаларини нисбатан (морфология, синтаксис, фонетика) кейинроқ эътибор берилган бошланди².

Қорабулоқликлар нутқида ҳар куни истифода қилинаётган лексик бирликларнинг салмоқли ва асосий бўлагини умум ўзбек тилида узоқ мозийдан мавжуд бўлган ва келиб чиқиши нуқтаи назардан Қорабулоқ халқининг, қолаверса, ўзбек халқининг ўзиники бўлган асл туркий ҳамда шу асосда ясалган сўзлар ташкил қилади.

Ўз қатламга хос лисоний бирликларнинг асосий қисми кўпчилик туркий тиллар лексикаси учун муштаракдир. Ана шунга кўра ўз қатламдаги лексик бирликлар асл туркий сўзлар, умумтуркий сўзлар, умумтуркий лексика, умумтуркий қатлам, туркий лексика

¹ Айдаров Т. Қазақ тілінің лексикалық ерекшеліктері. (Ўзбекистандағы қазақ тилининг лексикасына қараганда). — Алматы, 1975.

² Историческое развитие лексики тюркских языков. — М., 1961, — С. 3. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. — Т., 1962. — Б. 202. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. — Т., 1985. — Б. 48—56.

қатлам сингари атамалар билан тилшунос олимлар асарларида учрайдилар¹.

Лексиканинг ушбу гуруҳини биз ўз қатламга хос лисоний бирликлар деб аташни лозим топдик.

Қорабулоқликлар нутқида қўлланилаётган лексик бирликлар ораси адабий тилимизда мавжуд бўлган лисоний далиллар билан таққосланса, ўз қатламга хос лексик бирликлар, товуш жиҳатдан шаклий ўзгаришларни ҳисобга олмаганда, мазмун жиҳатдан ўзаро фарқ қилмайди. Улар қорабулоқликлар нутқида ҳам, ўзбек адабий тилида ҳам кенг қўлланаверади.

Шева лексикасидаги ўз қатламга оид лексик бирликлар рўйхатида тубандаги товуш ўзгаришларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. Қорабулоқ шеvasи ўғуз лаҳжалари гуруҳига мансублиги сабабли унинг лексик бирликлари таркибида маънога таъсир қилмайдиган чўзиқликлар учраб туради: *дә : дә* «дада», *хи : на* «хина», *сү : т* «сут», *ба : ла* «бола», *кү : з* «куз», *и : рык* «йирик», *му : з* «муз», *у : л* «ўғил», *қы : з*, «қиз», *о : дун* «ўтин», *қы : н* «қин», *а : ғ* «иштон», *оқи* шимнинг икки почаси қўшиладиган кенг жойи, *чови*» (Ўтил, 1, 560). Қиёс: қадим. *а : ғ* «икки сон орасидаги бўшлиқ, чов, чот» (МК, Индекс, 35); *а : ға* «ака, оға», «ўзидан ёши катта кишига мурожаат». Қиёс: турк *aga* // *agaveu*, озар. *aga*, туркм. *а : га* 1. ака, ўзидан катта эркак қариндош. 2. амаки. 3. жаноб. 4. эркакларнинг атоқли номи (Туркмрсл, 19; Азрсл, 16)²; *а : ғайни* «ака-ука», «яқин ошна, оғайни» (Ўтил, 1, 560); Қиёс. туркм. *aga-ини* «ака-ука» (Туркмрсл, 19); *а : дым* «қадам, одим». Қиёс: турк *adim*, озар *ад-дым*, туркм. *өдим* «қадам, одим»; *а : зғын* «қовуннинг бир тури». Қиёс: туркм. *а : зғын* «қовуннинг тезпишар нави»; *а : т* // *а : д* «исм, ном, от». Қиёс: турк *ad*, озар. *ад*, туркм. *а : т* «ном», *и : з* «из, оёқ изи»; Қиёс: турк *iz*, озар. *из*, туркм. *ы : з* «из», *и : ш* «иш», турк. *iş*, озар. *иш*, туркм. *и : ш*; *о : д* // *ө : т* «ўт» (анатом), турк *öd*, озар. *өд*, туркм. *ө : т*, «ўт»; *ө : ч* «ўч» (қасос), турк *öç*, озар. *өч*, туркм. *ө : ч* «ўч», «қасос».

Булардан ташқари, Қорабулоқ шеvasида ўзига хос чўзиқликлар мавжудки, уларнинг асосий қисми маъно фарқлаш учун хиз-

¹ Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. — Б. 207.

² Турк тилига оид мисоллар «Турецко-русский словарь». — М., 1978 йилги нашрдан олинди, озабайжон тилига оид мисоллар «Азербайджанско-русский словарь», Боку, 1965 йилги нашрдан олинди, туркман тилига оид мисоллар «Туркменско-русский словарь», М., 1968 йилги нашрдан олинди.

мат қилишини ҳам кузатиш мумкин¹: чўзиқлик отларни от турф мидаги сўзлардан, кенгроқ ҳолатда феъллардан ҳам ўзаро феъл этиади: *ат (от)* «хайвон», *аты* «унинг оти» (хайвони), *а : т // а* «ном, исм», *ат (от)* «ташла, улоқтир, от (ўқ от)». *Дә : дәмьң йах* *аты ба:* (бар) «Дадамнинг яхши оти бор»; *а : ч «оч»* (қорни оч), «оч» (эшикни оч); *о : т // о : д «олов», о : ты / о : ды* «унинг олови», *от «ўт»* (майса), *оты* «унинг ўти» (майсаси)².

2. Сўзнинг биринчи бўғинида ишлатиладиган *е (э)* товуши шевадаги айрим лексик бирликлар таркибида *э* унлиси тарзида тинчлаффуз қилинади: *тәң «тенг», тәпә «тепа», кәсәк «кесак», тәлтәк «телпак», кәкырдәк «кекирдак», кәл «кел», әләк «элак», әгәр «эгар» әрк «эрк», әкын «экин», тәзәк «тезак», кәннәйи «кеннойи», тәмәк «темир», тәмьртәк «ўтмас пичоқ», тәгьрман «тегирмон», тәрс «тәрскәй «тескари», тәшүк «тешик», өшылмәк «эшилмоқ», сәмьзәк «семиз ўт», әкмәк «экмоқ», кәпты «келибди» (Қиёс: Хоразм ўғуз-түрк тилида *дәң, дәпә, кәсәк, тәлтәк, гәкырдәк, гәл, әләк, әйәр, әрк, әкин, тәзәк, дәмьр, тәрс, өшылмәк, әкмәк, гәлыпты*) ва ш.к.*

Сўзнинг биринчи бўғинида «*е*» (*э*) унлиси қўлланиладиган лексик бирликлар таркибида «*р*», «*л*» ва «*й*» ундошлари кўпроқ ишлатилади. Яъни *е (э)* асосан *р, л* ва *й* ундошлари билан ёндош бўлиб келганда фаол қўлланади³: *ел (эл), йел, йезнә, мейлыс, йеккә бер (моқ), ер (эрта), йетты, йем*. Таркибида *ж, ч, ш* каби ундошлар қатнашган лексик бирликлар доирасида ҳам *е(э)* унлиси учрайди: *межбур, кеч, кечә, беш, теиш-*(моқ), *ечкы (ечки «эчки» баъзан өшкы // өшкү* тарзида ҳам учрайди).

3. Ўзбек тилидаги *ип, ипак, илон* лексик бирликлари шевада *йып, йыпәк, йылан* тарзида «*й*» товуши қўшиб ишлатилади.

4. Айрим лексик бирликларнинг иккинчи бўғинида қўлланиладиган «*и*» товуши шевада «*у*» тарзида ишлатилади. Проф. Ф. А. Абдуллаев бу ҳақда шундай фикр билдирган: «Сўз тузилишида унлиларнинг келиш тартибида ҳам айрим хусусиятлар мавжуд. Шулардан *а-у* тарзида қўллаш умуман Чимкент вилоятига

¹ Жанубий Хоразм шеваларидаги бу хил чўзиқликлар табиати тўғрисида қаранг Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари. — Т., 1961. — Б. 131; Ўша муаллиф. Фонетика хорезмских говоров. — Т., 1967. — С. 49—51.

² К. К. Юдахин. Некоторые особенности Карабулакского говора // Ўзбек диалектологиясидан материаллар. — Т. 1957. — Т. I. — Б. 31—57.

³ Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси. — Т., 1978. — Б. 54.

тарқалган ўғуз шевалари учун хосдир¹: *ха : тун, салқун, тартуқ, армуқ, йастуқ, қа : гун, қашуқ, ашуқ* (анатом) ва ш.к.

5. Айрим лексик бирликларнинг биринчи ва иккинчи бўғинларидаги жарангсиз «т» товуши шевада жарангли «д» ҳолида ишлатилади. Проф. Ф. А. Абдуллаев бу ҳақда қуйидагича фикр айтган: «Хоразм ўғуз шевалари учун хос бўлган бу ҳодиса — (т) ва (к) ундошларининг сўз бошида жаранглилашуви бу группа (Жанубий Қозоғистон — М. Б.) ўғуз шеваларида қайд қилинмади. Бу ҳодиса бирда-ярим мисоллардагина учради *допты*². Булардан ташқари, Қорабулоқ шевасида *дарбыз* «тарвуз», *а : д* «ном», *ходук* «хўтик», *дон* «тўп», *та : дымақ* «татимоқ», *дор* «тўр», *доллама қа : гун* «тўрлама қовун» каби мисолларда жарангли «д» товуши қўлланади.

Қорабулоқ шевасида «т»нинг жаранглилашуви кўпроқ позиция-он ҳолатларда ҳам учрайди: *ет* «қил», *е : дөбер* «қилавер», *е : дәмә сайтаман», е : дып кө* «айтиб кел» ва ш.к.

6. Лексик бирликлар таркибидаги «ғ» товуши айрим ҳолларда «в» товушига ўзгаради: *тав* «тоғ», *бав* «боғ» (*туғди, соғди* сўзлари ҳам *туғды, савды* тарзида талаффуз этилади).

7. Адабий тилдаги *бит, биткўз, битикўп* сўзларидаги «б» товуши «п» га ўзгариб, *пыт, пыткөз, пытләс* тарзида ишлатилади.

8. Ўзбек адабий тилидаги *товоқ, қовоқ* сингари сўзлар таркибидаги «в» ундоши шевада «б» тарзида қўлланилади: *қабак, табак, тўнук // тўнкөтабак* ва ш.к.

9. Қорабулоқ шевасидаги лексик бирликлар таркибида яна *т > ч* — *чүшмәк* «тушмоқ», *ш > й* — *йишмәк* «шишмоқ» (йишди «шишди»), *ч > ш* — *ушмақ* «учмоқ», *гуруш* «гуруч», *и > а* — *кәйык* «кийик», *қ > в* — *бузав* «бузоқ», *а > ө* — *ләвлөв* «лавләги», *л > н* — *көйнәк* «кўйлак», *г > й* — *сийир* «сигир» тарзидаги товуш ўзгаришлари учрайди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ўзбек адабий тили ва ўзбек шевалари лексикасининг асосини барча туркий тиллар учун муштарак бўлган сўзлар ташкил қилади.

¹ Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси. — Т., 1978. — Б. 54.

² Ҷша муаллиф. Кўрсатилган асар. Ҷша бет. (Ф. Абдуллаев яна *дамба* (тамба), *гүндө* (кунда, занжир) каби мисолларни келтириб ўтади. Аммо бу лексик бирликлар Қорабулоқ ше: асида қайта жарангсизлашган «к» товуши билан ишлатилмоқда. Баъзан бунинг аксича адабий тилдаги *дўлли, бошмалдоқ* лексик бирликлари ҳозирги кунда *топ иы, бошмалтақ* тарзида ҳам қўлланмоқда. Форс-тожик тилига хос (*дорба* «тўрва», *дапт* «тафт») айрим лексик бирликлар таркибидаги «т» ҳам жаранглилашган.

Академик Ш. Шоабдурахмонов туркий лексик қатлам ҳақида шундай ёзади: «Ўзбек тили туркий тиллар оиласига мансуб бўлгани учун ўзбек тилига ва унинг шеваларига хос бўлган кўпгина сўзлар (туб ўзбек сўзлари) бошқа туркий тиллар луғат составидаги кўп сўзлар билан этимологик бирликка (ўхшашликка) эга¹».

Бу фикрнинг тўғрилигига яна бир бор ишонч ҳосил қилиш учун Қорабулоқ шеvasидан бир нечта мисол келтириб, уни ўзбек адабий тили, Тошкент, Фарғона шевалари ва туркий тиллар лексик бирликларига қиёс қилиб ўтамыз:

Қорабулоқ шеvasи	баш	йүрөк	қара	мән	быр	бар
Тошкент шеvasи	бош	йүрәй	қорә	мән	быр	бор
Фарғона шеvasи	бош	йүрөк	қора	мен	быр	бор
Ўзбек	бош	юрәк	қора	мен	бир	бор
Туркман	баш	йүрөк	гара	мен	бир	бар
Қозоқ	бас	жүрөк	қара	мен	бір	бар
Қарақалпоқ	бас	жүрөк	қара	мен	бир	бар
Қирғиз	бас	жүрөк	кара	мен	бир	бар
Озарбайжон	баш	үрөк	гара	мән	бир	вар
Турк	baş	yürek	kağa	ben	bir	var
Татар	баш	йөрөк	кара	мин	бер	бар
Бошқирд	баш	йөрөк	кара	мин	бер	бар
Чуваш	пуç	чере	хура	эп	пер	пур

Куйида келтириб ўтилган лексик бирликлар ҳам юқорида қайд қилинган фикрларни тасдиқлайди:

Қорабулоқ	Энасой (Енисей)	Ад. тилда
башламақ	башламақ	бошламоқ
быргә	бирлә	бирга
бәры	бәри	бари

¹Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. —Б. 207.

йыгырмә	йигирме	йигирма (20)
йалғыз	йанус	ёлғиз
йаш	йаш	ёш
йер	йер	ер
йоқ	йоқ	йўқ
йыл	йыл	йил
қал	қал	қол
кәлын	келин	келин
күшлы	күчлиг	кучли
ешыт	эсит ¹	эшит

Қорабулоқ шеvasи сўз бойлигидаги ўз қатламга оид лексик бирликлар бўлимида қизиқарли ва ўзига хос лисоний далиллар учраши кузатилди. Ушбу сўзларнинг ўз қатламга мансублигини тилшуносликка оид асарлар орқалигига аниқлаб олиш мумкин. Бу ўринда шевадаги ўз қатламга хос сўзларни қадимги туркий ёзма манбаларда учровчи муштарақ лексик бирликлар билан таққослаш, қиёс этиш ишончли илмий хулосалар чиқаришга ёрдам беради.

Ўз қатламга оид сўзларни белгилашда туркий тилларга оид энг мукамал филологик асар деб тан олинган Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк»² асари асосий манба сифатида олинди.

Туркий тилларнинг «Девону луғотит турк»да қайд қилинган ўз қатламга оид лексик бирликлари Қорабулоқ шеvasида яхши сақланган. Бу хил луғавий бирликлар ўзбек адабий тилида учрамади. Бунга мисол қилиб куйидагиларни келтириб ўтиш мумкин.

ақру «секин», **ақру-ақру** «секин-секин» (МК, Индекс, 31)³. Бу лексик бирлик шевада **ақырын** кўринишида мавжуд бўлиб, «секин-аста» маъносини билдиради.

аңыз «дон экинлари ўриб олинган ер» (МК, Индекс, 20). Қорабулоқ шеvasида ҳам **аңыз** худди шу маънода. Бу сўзнинг маънолари бошқа шева ва тилларда турли-тумандир. Қиёс: Хоразм ўғуз

¹И. А. Батман в., З. Б. Арагачы, Г. Ф. Бабушкин. Современная и древняя Енисейка. — Фрунзе, 1962. — С. 213—215.

²Кошгарий Ма. муд. Девону луғотит турк (Туркий сўзлар девони). I—III том. — Т., 1960—1963.

³Девону луғотит турк. Индекс-луғат. — Т., 1967 (Қавс ичидаги мисоллар индекс-луғатдаги саҳифани билдиради).

аңыз. 1. экин олингандан кейин бұш қолган ер. 2. экилмай қолган яроқли ер (ХШ, 19); Ұш шеваси *анғыз* «яйлов ер» (ҰДМ, II, 421) туркм. аңыз «дон экиладиган ер», ққ. *аңыз* «хайдалган ер», турк. аңыз «донли ўсимликларнинг ерда қолган илдиизи», гагауз *аңыз* «дони ўриб олинган дала».

эка «опа» (МК, Индекс, 40). Қорабулоқда бу лексик бирлигін *экажы* шаклида намоён бўлиб «опа, эгачи» маъноларини билдиради. Қиёс: *эка* «хола, опа» (И. А. Батманов. Язык ЕПДП, 20), *эка* «опа» (ДТС, 167), туркман тилининг *емрали*, *ата*, *арсари* шеваларида *эка* «опа», *кирач*, *нохур*, *човдур* шеваларида *эка* // *эка* «ака» (стар. брат), «амаки» (Тдгдс, 210) маъноларида ишлатилади. *балдыз* «хотиннинг синглицси» (МК, Индекс, 54). Қорабулоқ *балдыз* «қайинсингил». Қиёс: қоз., қирғ., туркм., озар. *балдыз* «қайинсингил». *бағыр* «жигар» (МК, Индекс, 61), Қорабулоқ *бағыр* // *бавур* «жигар». Қиёс: Хоразм ўғуз *бағыр*, *бавыр* (қипчоқ, Қорноқ) «жигар» (Ұзхшл, 40), қоз. *бауыр*, ққ. *баўыр*, туркм. *багыр*, озар. *бағыр*, турк *karaciger* «жигар», турк тилида *bagir* «кўкрак». *эмгак* «меҳнат қийинчилик». (МК, Индекс, 43), Қорабулоқ *эмгак* «меҳнат, қийинчилик», Қиёс: Хоразм ўғуз *эмгак* // *эмйак* «меҳнат, қийинчилик» (О. Мад. 115). Қоз., ққ. *еңбек* «меҳнат», туркм. *эмгек* «азоб, «қийинчилик», турк *етек*, озар. *эмек* «меҳнат». *эрин* «лаб» (МК, Индекс, 47) Қорабулоқ *ерны* «лаб»; Қиёс: Хоразм ўғуз *эрын*, туркм. *эрин* *лабларнинг туташган жойи*», қоз., ққ. *ерин* «лаб». Мазкур сўз эски ўзбек тилида ҳам «лаб» маъносида ишлатилган. Бугунги кунда қабардин-болқор, қирғиз, нўғой, олтой, тува тилларида ҳам «лаб» маъносида қўлланади (Севортян, 1, 292). *жарғиш* «пойга» (МК, Индекс, 115), Қорабулоқ *йарыш* «пойга, мусобақа». Қиёс: озар *жарыш*, турк *yarişma*, туркм. *ярыш*, қоз., ққ. *жарыс* «мусобақа, турнир». *житми* «йўқолди» (МК, Индекс, 134), Қорабулоқ *йытмақ* «йўқолмоқ». Қиёс: Хоразм ўғуз *йытмақ* // *йитирмәк*, Бухоро *йытмоқ* // *йытырмоқ* // *йитмәк*, Андижон *йетмәк* «йўқолмоқ, йўқотмоқ» (ҰзХШЛ, 133; О. Мад. 143); туркм. *йитмек*, турк *yitmek*, озар. *итмәк* «йўқолмоқ». *жүлүн* «бўйин суяги ичидаги оқ илик» (МК, Индекс, 139), Қорабулоқ *йулун* // *йүлүн* «ҳаром мағиз». Қиёс: ққ *жулын*, қоз. *жұлын*, туркм. *йулук* «ҳаром мағиз» (спинной мозг); *жумуртға* «тухум» (МК, Индекс, 140) Қорабулоқ *йумуртқа* // *жумуртқа* «тухум». Қиёс: Хоразм ўғуз *йумурта* // *йымырта* // *йымыртқа* «тухум» (Ұзхшл, 134; О. Мад. 144); Қиёс: туркм. *юмуртга*, турк *yumurtā*, озар. *јумурта*, қоз. *жұмыртқа*, ққ. *жумуртқа* «тухум». *кезік* «ишда навбат», МК, Индекс, 150); Қорабулоқ *кэзык* // *кезек* «гал, навбат»,

навбатма-навбат сут алишмоқ». Қиёс: Хоразм ўғуз *гэзык* «гал, навбат» (ХШ, 31), туркм. *гезек*, қоз. *кезек* «навбат». *кэкрә* «сўз ейдиган ўт» (МК, Индекс, 152), Қорабулоқ *кекрә* // *кэхрә* «сўздой экилган, сувсиз ерда ўсадиган аччиқ ўт». *кэрпич* «ғишт, тўр. кирпич» (МК, Индекс, 156), Қорабулоқ *кэрпыш* «ғишт»; Қиёс: Хоразм ўғуз *кэрвыш*, туркм. *керпич*, турк. *кегріс*, озар. *карпич*, гаг. *керпич*, ққ. *кербиш*, қоз. *кірпіш*, эск. ўзб. *кирпич* (НАЛ, 313) «ғишт». *кэладди* «яширди» (МК, Индекс, 160), Қорабулоқ *кызылады* «яширди». Бу сўз асосида *кызылмачақ* // *кызылмычақ* «бекинмачоқ» бола-чақ ўйини номи ясалган. Қиёс: туркм. *гизлемек*, озар.: *гизләмәк*, турк. *gizlemek* «яширмоқ». *көпүк* «юк ортиш мумкин бўлган ҳайвон орқаси» (МК, Индекс, 167), Қорабулоқ *көлүк* «иш ҳайвонлари», Қиёс: Хоразм ўғуз *көлык* «от-улов, транспорт», қоз. *калік* «от-улов, транспорт», ққ. *калик* «иш ва юк моли»; *көпчүк* «эгарнинг устига қийиладиган ёпқич» (МК, Индекс, 169), Қорабулоқ *көпчык* «пар ётиқ», *көпчик* (Қорноқ) «эгар устига қуйиладиган ёстиқ» (Ұзхшл, 147), Жан. Қорақалпоғистон. ўзб. шев. *көпчик* «ёстиқ» (Урозов, 99); Қиёс: қоз. *көпшик*, ққ. *көпшык* «ёстиқ»; *отачи* «табиб». (МК, Индекс, 187), Қорабулоқ *отачи* «табиб». Қиёс. Тулкибош *отарчы* «табиб» (Муҳаммаджонов, 135). Хоразмлик шоир Аваз Ҳтар ўғлининг отаси *Отар* (Ҳтар) бобо ҳам табиблик, сартарошлик қилган. *отарчы* «табиб, синган жойни тузатадиган киши» (О. Мад. 162). *Ортиди* «ёқди» (МК, Индекс, 198), Қорабулоқ *өртэды* «ёқди». Бу лексик бирликнинг ўзаги *өрт* «олов, ёнғин» (МК, Индекс, 198). Қорабулоқда *от* тарзида «р» товушсиз ишлатилади. Қиёс: Тулкибош *өрт* «ёнғин, ўт» (Муҳаммаджонов, 138), *ört* (С. Е. Малов, ПДП, 407), *ört* (ДТС, 389), қоз., ққ *өрт* «ёнғин». *Отрук* «Ҳийлагар, алдамчи, айёр, ёлғончи (ўғуз)» (МК, Индекс, 200). Қорабулоқда бу лексик бирлик *өтүрүк* // *өтүрык* тарзида ишлатилиб «ёлғон» маъносида қўлланилади. Ёлғончи маъноси *өтүрыкчы* лексик бирлиги орқали ифодаланади. Қиёс: Манғит *өтирикчи* // *өтрикчи* «ёлғончи (Ишаев, 143), *өтүрүк* // *өтүрүк* // *өтүрик* (қирқ, қипчоқ), *өтрик* (Кўнғирот) (Ұзхшл, 205). Қоз. *өтірік*, ққ., *өтирик*, «ёлғон», қоз., *өтірікші*, ққ. *өтирикши* «ёлғончи». *Сақ*: *сақтэр* «хушёр одам» (МК, Индекс, 215), Қорабулоқда *сақ* «хушёр, сезгир». Қорабулоқда бу сўз ҳайвонларга нисбатан ҳам ишлатилади: *сақ ит*, *сақ ат* «хушёр ит, хушёр от». Қиёс: ққ *сақ* «эҳтиёткор», *сақ бол!* «эҳтиёт бўл», қоз. *сақ* «эҳтиёткор», *сақ болу* «эҳтиёткор бўлмоқ». *Сыңар* «бир нарсанинг ёни, томони, тарафи» (МК, Индекс, 220). Қорабулоқда *сыңар* «бири, жуфти, якка, битта» маъноларида ишлатилади. Шимкент,

Тулкибош *сыңар* «бири, якка» (Муҳаммаджонов, 146). *Тавар* «ли, жонсиз мол, товар» (Ўғуз) (МК, Индекс, 240), Қорабулоқ ҳам *тавар* худди шундай маъноларда ишлатилади. Қиёс: турк *довар* «майда моллар», *доварчы* «қўйчивон», турк *davar* // *küçük hayvan* «майда шохли моллар», озар. давар «майда шохли моллар», турк *1*. «анчайин, шунчайин», 2. жим (Ўғуз) (МК, Индекс, 240) Қорабулоқда ҳам *тек* «токча» маъносидан ташқари қадимги «чайин», шунчайин», «жим» маънолари яхши сақланган. Шунингдек *тек* «фақат, бутунлай, тамомила» каби маъноларда ҳам ишлатилади. Қиёс: ққ, қоз. *тек* «фақат, анчайин». *үшик* «қаттиқ совуқ» (МК, Индекс, 317), Қорабулоқ *үшүк* «аёз, қаттиқ совуқ». Қорноқ *үшүк* // Шимкент *үшик* «совуқ», Иқон, Сайрам, Қорабулоқ *үшүк* «совуқ» (Муҳаммаджонов, 165). *чанақ* «ёғочдан ишланган идишлар (Ўғуз) (МК, Индекс, 321). Қорабулоқда бу сўзнинг маъноси ўзгарган, у шевада *чанақ* шаклида учраб, «бурун катаклар» «тегирмонда буғдой тушишини меъёрда тутиб турадиган ёғоч қулақ»ни билдиради. Қиёс: Гурлан, Манғит, Янгибозор *чанақ* «ёғочдан ясалган коса, ёғоч товоқ», «уруғ экадиган уя» (Хш, 96); ушад. тилидаги *чаноқ* «кўсакнинг ҳар бир хонаси», «Бош косаси, косаси ва умуман косачасимон суяклар» (Ўтил, 2, 354) маънолари ҳам Маҳмуд Кошғарийнинг «Девон»ида қайд қилинган «ёғоч идиш» маъносидан урчиган деган фикрдамиз. Чунки улар шаклан бир-бирларига жуда ўхшаш; *чулак* «бир хил қуш» (МК, Индекс, 335) Қорабулоқда бу сўз ҳозир *чрәк* шаклида қайд қилиниб, 1. ўрдақнинг бир тури ва 2. кўчма маънода «калта, пакана киши» маъноларини билдиради.

Булардан ташқари, Қорабулоқ шеvasида тарихан барқарор, келтирилган ўзгаришга учраган ўз қатламга мансуб хилма-хил лексик бирликлар мавжудки, уларнинг ўзлари ва маъноларининг «Девону луғоти» туркдаги сингари ўзгаришсиз сақланиб, шевада қўлланиб келган ёттанлигини атрофлича қайд қилиш ҳамда кўрсатиш учун бу хил лексик бирликларни мавзуй гуруҳларга бўлиб, туркий тилларни қиёс этилса, умуммуштарак лисоний далиллар янада кўзга яққо ташланади.

1. Шахс ва нарса-ҳодисаларнинг белгисини, хусусиятини билдирувчи сўзлар:

аз//а : з (Индекс, 12, 35) «оз», Қораб. *а : з* «оз». Қиёс: турк *аз* озар. қоз., ққ. *аз*, туркм. *а : з*, ўзб. *оз* «оз, кам»;

арік // *аруқ* «орик, заиф» (Индекс, 22, 24). Қораб. арық «орик». Қиёс: турк *агик*, озар. арыг, туркм. аррык, қоз., ққ. арық, ўзб. орик «орик, нимжон».

артуқ «ортиқ, зиёда» (Индекс, 24), Қораб. *артуқ* «ортиқ». Қиёс: турк *artık*, озар *артыг*, туркм. *артык*, қоз., ққ. артық, ўзб. «ортиқ, зиёда»; *ач//а : ч* «оч» (Индекс, 28; 35) «оч», (қорни оч) Қораб. *а : ч* «оч». Қиёс: турк. *ач*, озар. *ач* (аж), туркм. *а : ч*, қоз., ққ. *аш*, ўзб. *оч* «қорни оч»;

ачиқ «аччиқ» (Индекс, 29), Қораб. ажиқ «аччиқ». Қиёс: турк *açık* «ачиқ», озар. *ачы* (ажы), туркм. *а : жы*, қоз. *ащы*, ққ. *ашышы* «аччиқ»; *ағир* «оғир, ҳар нарсаинг оғири» (Индекс, 32), Қораб. *ағыр* «оғир» катта бўлган, тош босадиган». Қиёс: турк *agir*, озар. *ағыр*, туркм. *ағыр*, қоз. *ауыр*, ққ. *ауыр*, ўзб. *оғир* «оғир, вазни тош босадиган».

эгри «эгри, қийшиқ» (Индекс, 38), Қораб. эгры «қийшиқ, эгри». Қиёс: турк *egri* // *igri*, озар. егри, туркм., ўзб.; *эгри* «букилган, қийшиқ»;

бош «юмшоқ, озод, холи қилинган» (Индекс, 72), Қораб. *бо : ш* «холи қилинган, озод, юмшоқ, қаттиқ эмас». Қиёс: турк *boş*, озар., туркм., қоз., ққ. *бош*, ўзб. *бўш* «ичида ҳеч нарсаи йўқ, қуруқ», «юмшоқ, кучсиз»;

илиқ «илиқ» (Индекс, 92, 129), турк. *ilik* // *sicak*, озар. *илыг*, туркм. *илы*, қоз., ққ. жылы, ўзб. *илиқ* «бироз иссиқ, илиқ-милик»;

иссиқ «иссиқ» (Индекс, 100), Қорабулоқ *исик* «иссиқ»; Қиёс: турк *isi*, қоз. *ыстық* // *ыссы*, туркм., ққ. *ыссы*, ўзб. иссиқ «ёниш, химий реакция натижасида юзага келган ҳарорат, иссиқлик»;

ялған «ёлғон, ёлғонлаш» (Индекс, 109), Қораб. йалған // өтүрүк «ёлғон». Қиёс: турк *yalan*, озар. *јалан*, туркм. *јалан*, ўзб. *ёлғон*, қоз. *өтірік*, ққ. *өтирик* «ҳақиқатга зид, нотўғри»;

јаман «ёмон» (Индекс, 110), Қораб. *јаман* «ёмон». Қиёс: озар. *јаман*, туркм. *јаман*, қоз., ққ. *јаман* ўзб. ёмон «сифати, нави паст, яхши эмас; ахлоқи, феъл-атвори бузуқ; ярамас».

јанғи «янги» (Индекс, 112), Қораб. *јаңы* «янги». Қиёс: турк *yeni*, озар. *јени*, қоз., ққ. *јаңа*, ўзб. *янги* «янги, илгари бўлмаган, яқинда қурилган».

јасси «ясси» (Индекс, 117); Қораб. *јасы* «ясси». Қиёс: турк *yassi*, озар. *јасты*, туркм. *јасы*, ўзб. *јасси* «ўнқир-чўнқирсиз, текис».

јат «ёт, бегона» (Индекс, 118). Қораб. *ја:т* «ёт, бегона». Қиёс: туркм. *ј : т*, қоз., ққ. *јат*, ўзб. *ёт* «қариндошлиги йўқ, бегона».

јахши «яхши» (Индекс, 120). Қораб. *јахшы* «яхши». Қиёс: озар. *јахшы*, туркм. *јаши*, қоз., ққ. *јақсы*, ўзб. *яхши*, «ижобий сифатга эга бўлган, маъкул бўладиган».

jaŕi «душман» (Индекс, 122). Қораб. *йағы* // *йағый* «душман». Қиёс: турк *yađi*, озар. *јағы*, туркм. *ягы*, қоз. *жау*, ққ. *жаў*, ўзб. *ёғ* (китобий) «душман».

jaŕi «ёш», «кўз ёши», «янги, соф» (Индекс, 120). Қораб. *йа* «ёш» (катта эмас), «кўз ёши». Қиёс: турк *yaŕ*, озар. *јаш*, туркм. *яш*, қоз. *жас*, ққ. *жас*, ўзб. *ёш* «умр узоқлиги; кўз безларидан чиқадиган суюқлик».

jaŕin «яқин» (Индекс, 121), Қораб. *йақын* «яқин». Қиёс: турк *yađin*, озар. *јахын*, туркм. *якы* : *н*, қоз. *жакын*, ққ. *жақын*, ўзб. *яқин* «узак эмас, яқин».

jaŕaq «йироқ, узоқ» (Индекс, 129). Қораб. *йырақ* «йироқ, узоқ». Қиёс: қоз. *жырақ*, ққ. *жырақ*, ўзб. *йироқ* «узоқ, яқин эмас».

juwŕa // *juwŕa* // *juwŕa* «юпқа, майин» (Индекс, 138, 142, 143). Қораб. *йупқа* «юпқа, майин». Қиёс: озар. *јуха*, туркм. *юка*, қоз. *жуқа*, ққ. *жуқа*, ўзб. *юпқа* «қалин эмас, нозик».

juwŕaŕaq «юмшоқ» (Индекс, 141). Қораб. *йумшақ* «юмшоқ». Қиёс: озар. *јумшақ*, турк *yumuŕaq*, туркм. *юмшак*, қоз. *жумсақ*, ққ. *жумсақ*, ўзб. *юмшоқ* «майин, бўш, майин».

keŕ «кенг» (Индекс, 154). Қораб. *кең* // *кең* «кенг». Қиёс: турк *geniŕ*, туркм. *ги* : *н*, қоз. *кең*, ққ. *кең*, ўзб. *кенг* «тор эмас, кенг».

kiŕiŕik «кичик» (Индекс, 162). Қораб. *кичик* «кичик». Қиёс: турк *küŕüŕik*, озар. *кичик*, туркм. *кичи*, қоз. *кишкене*, ққ. *киши* «ёшиқатдан паст; ёш».

keŕ «кўп» (Индекс, 168), Қораб. *көп* «кўп». Қиёс: туркм. *көп*, қоз. *көп*; ўзб. *кўп* «сон ёки миқдор жиҳатдан катта; узоқ вақт».

semiz «семиз» (Индекс, 217). Қораб. *сəмыз* «семиз». Қиёс: турк *semiz*, озар. *сəмиз* // *тосгун*, туркм. *семиз*, қоз. *семиз*, ққ. *семиз* «сўз кўйиб тўлишган, тўладан келган, тўла».

tatliŕ «тотли, ширин» (Индекс, 253). Қораб. *татлық* // *татлық*, турк *tatli*, қоз. *тəтті*, ққ. *татлы*, ўзб. *тотли* «таъми, мазаси яхши; мазали».

tərs «терс, қийин» (Индекс, 261). Қораб. *тəрс* «терс». Қиёс: турк *ters*, озар. *тəрс*, туркм. *терс*. қоз. *терис*, ўзб. *терс* «тескариқ; чашпа; акс; зид».

tiŕiŕ «тирик» (Индекс, 271). Қораб. *тырық* «тирик». Қиёс: турк *diri*, озар. *дири*, туркм. *дири*, қоз. *тири*, ққ. *тири*, ўзб. *тирик* «ўлмаган ҳаёт, барҳаёт».

öŕ «ўлик» (Индекс, 195), Қораб. *өлүк* «ўлик». Қиёс: турк. *öl*, озар. *өлү*, туркм. *өли*, қоз. *өлік*, ўзб. *ўлик* «ҳаёти тугаган, ўлган жонсиз».

toŕ «тўқ» (Индекс, 276). Қораб. *тоқ* «тўқ». Қиёс: турк *tok*, туркм. *тоқ*, озар. *док*, қоз. *тоқ*, ққ. *тоқ*, ўзб. *тўқ* «тўйиб овқатланган, овқат еб олган».

uzaq «узоқ» (Индекс, 299). Қораб. *узақ* «узоқ». Қиёс: турк *uzak*, озар. *узаг*, туркм. *узак*, қоз. *ўзақ*, ққ. *узақ*, ўзб. *узоқ* «йироқ, олис».

uzun «узун» (Индекс, 299), Қораб. *узун* «узун». Қиёс: турк. *uzun*, озар. *узун*, қоз. *ўзын*, ққ. *узын*, туркм. *узы* : *н* «бўйига қараб чўзилган, чўзиқ».

kiŕga «қисқа» (Индекс, 367). Қораб. *қысқа* «қисқа». Қиёс: турк *kısa*, озар. *гыса*, туркм. *гысга*, қоз. *қысқа*, ққ. *қысқа*, ўзб. *қисқа* «узунлиги унча катта бўлмаган, калта».

kuŕuŕ «қуруқ» (Индекс, 379). Қораб. *қуруқ* // *қуруғ* «қуруқ». Қиёс: турк *kuru*, озар. *гуру*, туркм. *гуры*, қоз. *қурғак*, ққ. *қуры*, ўзб. *қуруқ* «суви, нами батамом ёки қисман қочган; суви, нами йўқ».

2. Миқдор тушунчасини англатувчи сўзлар:

bir // **bi** : **p** «бир» (Индекс, 69). Қораб. *быр* «бир». Қиёс: турк *bir*, озар. *бир*, туркм. *бир*, қоз. *бир* «1 ва шу рақам билан ифодаланган, сон, миқдор».

iki «икки» (Индекс, 96). Қораб. *икки* «икки». Қиёс: турк *iki*, озар. *ику*, туркм. *ику*, қоз. *еки*, ққ. *еки*, ўзб. *икки* «2 ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор».

uŕ «уч» (сон) (Индекс, 316). Қораб. *уш* «уч». Қиёс: турк *uŕ*, озар. *уш*, туркм. *уш*, қоз. *уш*, ққ. *уш*, ўзб. *уч* «3 ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор».

töŕt «тўрт» (Индекс, 279). Қораб. *тəрт* «тўрт». Қиёс: турк *dört*, озар. *дəрд*, туркм. *дə* : *рт*, қоз. *тəрт*, ққ. *тəрт*, ўзб. *тўрт* «4 ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор».

bəŕ «беш» (Индекс, 66). Қораб. *бəш* // *беш* «беш». Қиёс: турк *beŕ*, озар. *беш*, ўзб. *беш*, қоз. *бес*, туркм. *бə* : *ш* «5 ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор».

alti «олти»¹. Қораб. *алты* «олти». Қиёс: турк. *alti*, озар. *алты*, қоз. *алты*, туркм. *алты*, ўзб. *олти* «6 ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор».

jetti «етти» (Индекс, 128). Қораб. *йетти* // *йетти* «етти». Қиёс: турк *yedi*, озар. *јетти*, туркм. *еди*, қоз. *жеті*, ққ. *жетти*, ўзб. *етти* «7 ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор».

¹ олти (6) сони кўрсатилган саҳифа «Индекс-луғат»да йўқ. Бу рақамни XV—XIX асрлар ўзбек тили морфологияси» (Т.: Фан, 1990 йил) нинг 92-саҳифасидан олишга тўғри келди.

сәкіз «саккиз» (Индекс, 216), Қораб. *сәкыз* «саккиз». Қиёс: турк *sekiz*, озар. *сәккиз*, туркм. *секиз*, қоз. *сегіз*, ққ. *сегиз*, ўзб. *саккиз* «ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор».

тоқуз «тўққиз» (Индекс, 277). Қораб. *тоқуз* // *тоққыз* «тўққиз». Қиёс: турк *dokuz*, озар. *доғгуз*, туркм. *докуз*, қоз., ққ. *тоғыз*, ўзб. *тўққиз* «9 ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор».

он «ўн» (Индекс, 185). Қораб. *он* «ўн». Қиёс: турк. *он*, озар. қоз., ққ., туркм. *он*, ўзб. *ўн* «10 ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор».

йигирма // *йигирми* «йигирма» (Индекс, 132). Қораб. *йығирмә* «йигирма». Қиёс: турк *yirmi*, озар. *йирмы*, туркм. *йигрими*, қоз. *жыйырма*, ққ. *жигирмә*, ўзб. йигирма «20 ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор».

оттуз «ўттиз» (Индекс, 188). Қораб. *оттыс* «ўттиз». Қиёс: турк *otuz*, озар., туркм., *отуз*, қоз., ққ. *отыз*, ўзб. *ўттиз* «30 ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор».

қирқ «қирқ» (Индекс, 365). Қораб. *қырық* «қирқ». Қиёс: турк *kirk*, озар, туркм. *кырк*, қоз. *қырық*, ққ. *қырқ*, ўзб. *қирқ* «40 ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор».

элик // *элик* «элик». Қораб. *элык* // *элик* «элик». Қиёс: турк. *elli*, озар. *элли*, туркм. *элли*, қоз. *елу*, ққ. *елли*, ўзб. *элик* «50 ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор».

олтмыш «олтмиш», Қораб. *атмыш* // *алтмыш* «олтмиш». Қиёс: турк. *altmış*, озар., туркм. *алтмыш* қоз., ққ. *алпыс*, ўзб. *олтмиш* «60 ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор».

жетмиш «етмиш»¹, Қораб. *йетмыш* «етмиш». Қиёс: турк *yetmiş*, озар. *жетмиш*, туркм., ўзб. *етмиш*, қоз. *жетпис*, ққ. *жетпис* «70 ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор».

сәксон «саксон» (Индекс, 217), қораб. *сәксән* «саксон». Қиёс: турк. *sekse*n, озар. *сәксән*, туркм. *сегсен*, қоз., ққ. *сексен*, ўзб. *саксон* «80 ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор».

тоқсон // *тоқуз он* «тўқсон» (Индекс, 277). Қораб. *тоқсан* «тўқсон». Қиёс: турк *doksan*, озар. *дохсан*, туркм. *тогсан*, қоз., ққ. *тоқсан*, ўзб. *тўқсон* «90 ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор».

юз «юз» (индекс, 138), Қораб. *йүз* «юз». Қиёс: турк *yüz*, озар. *йүз*, қоз., ққ. *жүз*, узб. *юз* «100 ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор».

¹ элик (50), олтмиш (60), етмиш (70) сонлари «Индекс-лугат»да учрамади. Бу рақамлар «XV—XIX асрлар ўзбек тили морфологияси», — Т., 1990. — Б. 92.

миң «минг» (Индекс, 180), Қораб. *миң* «минг». Қиёс: турк *bin*, озар. *лин*, туркм. *мүн*, қоз., ққ. *мың*, ўзб. *миң* «1000 ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор».

сан «сон» (Индекс, 206), Қораб. *сан* «сон». Қиёс: турк *sayı*, озар. *сај*, туркм., қоз., ққ. *сан*, ўзб. *сон* «нарсаларнинг қанчалигини, саногини, ададини ҳисоблаш учун хизмат қиладиган тушунча».

3. Олмош туркумига оид лексик бирликлар: *мән* «мен» (Индекс, 179), Қораб. *мен* // *мән* «мен». Қиёс: турк *ben*, озар *мән*, туркм., қоз., ққ., ўзб. *мен* «олмош, 1-ш. бирл. Сўзловчининг ўзини билдириши» (Ўтил, 1, 459).

сән // *сән* «сен» (Индекс, 215, 217). Қораб. *сән* // *сен* «сен». Қиёс: турк *sen*, озар *сән*, туркм., қоз., ққ., ўзб. *сен* «олмош, 2-ш. бирл. Ўзидан кичик, яқин кишига мурожаатда ишлатилади» (Ўтил, 2, 36).

ол «у» (Индекс, 184), Қораб. *ул* // *у* «у». Қиёс: турк *o* // *kendisi*, озар. *о*, туркм., қоз., ққ. *ол*, ўзб. *у* «олмош, 3-ш. бирл. «Кимса ёки нарса ўрнида ишлатиладиган сўз».

биз «биз» (Индекс, 68), Қораб. *быз* // *бызәр* // *бызәр* «биз, бизлар». Қиёс: *biz*, озар, туркм., ққ., ўзб. *биз*, қоз. *биз* «олмош», 1-ш. кўпл. «Сўзловчи ва у кўзда тутган ёки у билан бирга бўлган бир ёки бир неча кишини билдирадиган сўз» (Ўтил, 1, 111).

сиз «сиз» (Индекс, 224), Қораб. *сыләр* // *сыләр* // *сылә* «сиз, сизлар». Қиёс: *siz* // *sizler*, озар., туркм., ққ., ўзб. *сиз*, қоз. *сиз* «олмош, 2-ш. кўпл. Кўпчиликка мурожаатда ишлатиладиган сўз» (Ўтил, 2, 44).

анлар // *алар*, *улар* (унлар, уллар) «улар»¹, Қораб. *уллар* // *улар* // *улалар* «улар». Қиёс: турк *onlar*, озар. *онлар*, туркм. қоз., ққ. *алар*, ўзб. *улар* «олмош, 3-ш. кўпл. Кимсалар ёки нарсалар номлари ўрнида ишлатиладиган сўз» (Ўтил, 2, 262).

өз // *кәндү* (Индекс, 193, 154) «ўз», Қорб. *өз* «ўз». Қиёс: турк *kendi*, озар., туркм., қоз., ққ. *өз*, ўзб. *ўз* «эғалик қўшимчасини олган от олдидан келиб, кимса ёки нарсанинг эғалик қўшимчасидан англашилган шахсга қарашли, унга хос ёки унинг шахсий мулки эғалигини таъкидлаш учун қўлланадиган сўз» (Ўтил, 2, 494).

бу «бу» (Индекс, 76), Қораб. *бу* // *бул* «бу». Қиёс: турк. *bu* // *bu*, озар *бу*, туркм. *бу*; *шол*, қоз. *бул*, *осы*, ққ. *бул*, *ол*, ўзб. *бу*, *шу* «кўрсатиш олмошлари».

¹ *улар* «Индекс-лугат»да учрамади. Бу олмош «XIII—XIV асрлар туркий адабий ёдгорликлар тили: Морфология». — Т., 1986. — Б. 101 дан олинди.

ким «ким» (Индекс, 160), Қораб. *кым* «ким». Қиёс: турк *kim* озар., туркм., ўзб., ққ. *ким*, қоз. *ким*. «Шахс ҳақида сўроқни билдирадиган сўз» (Ўтил, 1, 385);

нэ «нима» (Индекс, 182), Қораб. *нымэ* // *ни* // *ниду* «нима». Қиёс: турк *ne*, озар *нэ*, туркм. *нэме*, қоз. *не* // *немене*, ққ. *не неме*, ўзб. *нима* // *не* «нарс-предмет ҳақида сўроқни ифодалайдиган сўз» (Ўтил, 1, 500).

нэчэ «неча» (индекс, 183), Қораб. *нэчэ* // *нечэ*, *ничэ*, «неча». Қиёс: турк. *каш*, озар. *нечэ*, туркм. *нэче*, қоз., ққ. *неше*, ўзб. *неча* «сомиқдор ҳақида сўроқни билдирадиган сўз» (Ўтил, 1, 501).

нэчүк «нега, нима учун» (Индекс, 183), Қораб. *нэчүк* «қанда қанақа». Қиёс: турк. *нишп*, *педеп*, туркм. *ничик* // *ненең*, қоз. *қандай*, *қалай*, ўзб. *нечук* // *нечик* «белги ҳақида сўроқни билдирадиган сўз» (Ўтил, 1, 501, 502).

қайда? // **қайуда?** «қаерда» (Индекс, 345, 347), Қораб. *қайда* «қайерда». Қиёс: турк *perede?*, туркм. *ниреде?*, қоз., ққ. *қайда қай жерде?*, ўзб. *қайда?* // *қаерда?* «қаерда? қайси ерда? қайси жойда? қайси томонда? маъноларини ифодаловчи сўз» (Ўтил, 1, 536).

Қайу «қайси» (Индекс, 345), Қораб. *қайсы* // *қайбыры* «қайси бири». Қиёс: турк. *hangı* «қайси», туркм. *хайсы* // *хайсы бири*, қоз. *қай* // *қайсысы*, ққ. *қайсы* // *қайсысы*, ўзб. *қайси* «бир неча киши билдирадиган биттасини аниқлаш учун бериладиган сўроқни ифодалайдиган сўз» (Ўтил, 2, 540).

Қани «қаерда» (Индекс, 348), Қораб. *қани* «қаерда» туркм. *хани* ўзб. *қани* «кўздан ғойиб бўлган ёки номаълум ерда қолган кимсаннинг, нарсанинг қаердалиги ҳақидаги сўроқни билдириб келадиган сўз» (Ўтил, 2, 549).

қанча «қанча» (Индекс, 348), Қораб. *қанча* // *қанша* «қанча». Қиёс: турк *каш*, қоз., ққ. *қанша*, ўзб. *қанча* «қай миқдорда? қанча меъерда? каби маъноларни билдирадиган сўроқ» (Ўтил, 2, 551).

қачан «қачон» (Индекс, 357), Қораб. *қачан* «қачон». Қиёс: турк. *ne vakit*, озар. *нэ заман* // *нэ вахт*, туркм. *хачан*, қоз., ққ. *қашан* ўзб. *қачон* «қай(си) вақтда? маъносини билдириб келадиган сўроқ сўзи» (Ўтил, 2, 555).

4. Ранг-тус маъноларини билдирувчи сўзлар:

ала «ола» (Индекс, 16), Қораб. *а* : *ла* «ола». Қиёс: турк. *alacalı* озар., туркм., қоз., ққ. *ала*, ўзб. *ола* «оқ-қора, оқ-малла ва ш.к. қоришиқ тусли (хайвонлар туси ҳақида)» (Ўтил, 1, 528).

ақ // **а** : **қ** «оқ» (Индекс, 31, 35), Қораб. *ақ* // *а* : *қ* «оқ». Қиёс: турк *ak*//*beuaz*, озар *ағ*, туркм. *а* : *к*, қоз., ққ. *ақ*, ўзб. *оқ* «қор, сут, пахта рангидаги кўриниш» (Ўтил, 1, 357);

боз «кулранг, бўз ранг» (Индекс, 71), Қораб. *бо* : *з* «кулранг, бўз ранг». Қиёс: турк *külrengi* // *boz*, озар. туркм., қоз., ққ. *боз*, ўзб. *бўз оқуқка* мойил *оқ* ранг (асосан от туси ҳақида)» (Ўтил, 1, 157).

Јашил «яшил» (Индекс, 120), Қораб. *јашыл* «яшил». Қиёс: турк *yasil*, озар. *јашыл*, туркм. *гөк* // *јашыл* қоз., ққ. *жасыл* // *көк*, ўзб. *ашил* // *кўк* «сариқ билан кўк ранг ўрталигидаги, барг ёки майса рангидаги; сабза ранг» (Ўтил, 2, 490).

көк «кўк» (рус. синий, голубой) (Индекс, 165). Қораб. *көк* «кўк». Қиёс: турк. *mavi*, туркм. *гөк*, қоз., ққ. *көк*, ўзб. *кўк* «тиниқ осмон рангидаги; мовий, зангори» (Ўтил, 1, 412).

сарғ «сариқ» (Индекс, 208), Қораб. *сарық* «сариқ». Қиёс: турк *sergi*, озар., қоз., ққ. *сары*, туркм. *са* : *ры*, ўзб. *сариқ* «сомон, зарчун», олтин каби нарсаларнинг рангидаги» (Ўтил, 2, 23).

қара «қора» (Индекс, 349), Қораб. *қара* «қора». Қиёс: турк *kara*, озар., туркм. *гара*, қоз., ққ. *қара*, ўзб. *қора* «ранг-туси мавжуд рангларнинг барчасидан тўқ; қозон куя, кўмир тусидаги» (Ўтил, 2, 599).

қизил «қизил» (Индекс, 361). Қораб. *қызыл* «қизил». Қиёс: турк *kizil*, озар., туркм. *гызыл*, қоз., ққ. *қызыл*, ўзб. *қизил* «қон рангидаги; қирмизи, алвон» (Ўтил, 2, 570).

қонур «қўнғир ранг» (Индекс, 371), Қораб. *қонғыр* «қўнғир». Қиёс: туркм. *гоңур*: *гонур* айы «қўнғир айиқ», турк. *kahve rengi* // *boz* : *boz ayı* «қўнғир айиқ» қоз. *қоңыр*: *қоңыр аю* «қўнғир айиқ», ққ. *қоңыр*, ўзб. *қўнғир* «қора-сариқ рангли, тўқ малла» (Ўтил, 2, 638).

5. Уй ҳайвонлари номи:

айғир // **ауғир** «айғир» (Индекс, 14, 17). Қораб. *айғыр* «айғир». Қиёс: турк *aygir*, озар *ајғыр*, туркм *айғыр*, қоз., ққ. *айғыр*, ўзб. *айғыр* «уч-тўрт ёш ўртасидаги эркак от, умуман эркак от» (Ўтил, 1, 35).

ат «от» (Индекс, 26), Қораб. *ат* «от». Қиёс: турк *at*, озар., туркм., қоз., ққ. *ат*, ўзб. *от* «якка туёқлиларга мансуб сутэмизувчи йирик иш-улов ҳайвони» (Ўтил, 1, 547).

эчки «эчки» (Индекс, 52), Қораб. *эчки* // *өшкү* «эчки». Қиёс: турк. *keçi*, туркм. *гечи*, қоз. *ешки*, ққ. *ешки*, ўзб. *эчки* «қувур шохлилар оиласига мансуб, кавш қайтарувчи жуфт туёқли сутэмизувчи ҳайвон» (Ўтил, 1, 456).

бузағу «бузоқ» (Индекс, 76), Қораб. *бузақ* // *бузав* «бузоқ». Қиёс: турк. *buzağı*, туркм. шев. *бозов* // *бызов* (Ставрополь), қоз. *буза* ққ. *бузаў*, ўзб. *бузоқ* «сигирнинг боласи» (Ўтил, 1, 146).

буқа «буқа» (Индекс, 82), Қораб. *буқа* // *бықа* «буқа». Қиёс: турк. *boga* // *öküz*, озар., туркм. *өкүз*, қоз. *өгіз*, ққ. *өгиз*, ўзб. *бу* «бичилмаган ёш эркак қорамол»;

бўғиз «хўкиз» (Индекс, 195), Қораб. *өкүз*, «хўкиз», ўзб. *хўкиз* «икки ёшдан ошиб, қўшга ярайдиган қолга келган, бичилган эркак қорамол» (Ўтил, 2, 715).

ит «ит, кучук» (Индекс, 93), Қораб. *ит* «ит». Қиёс: турк. *it köpek*, озар., туркм., қоз., ўзб. *ит*, ққ. *ийт* «Уй-рўзгорни қўриқлаш, ов овлаш ва ш.к. мақсадлар учун сақланадиган тўрт оёқли сутэмизувчи уй ҳайвони» (Ўтил, 2, 338).

йорға: **йорға ат** «йўрға от», Қораб. *йорға* (*ат, эшак*). Қиёс: турк. *gahvan*, озар. *йорға* (*ат*), туркм. *ёрға*, қоз., ққ. *жорға*, ўзб. *йўрға* «майда қадам ташлаб тез юрадиган от, эшак» (Ўтил, 1, 354).

тай «той, тойча» (Индекс, 242), Қораб. *тай* «той, тойча». Қиёс: турк. *tau*, туркм. *тай* // *тайчанақ* // *гунан*, қоз., ққ. *тай* // *қулы* (қоз.), *қулын* (ққ.), ўзб. *той* «отнинг икки яшардан кичик боласи» (Ўтил, 2, 197).

така «така» (Индекс, 256), Қораб. *тәкә* «така». Қиёс: *teke* «эркакнинг эчки» (Ўтил, 2, 108).

торғат «тўриқ от» (Индекс, 275), Қораб. *торық ат* «тўриқ от». Қиёс: ўзб. *тўриқ* «қора қизил, тўқ жийрон» (от туси ҳақида) (Ўтил, 2, 253).

қашқа ат «қашқа от» (Индекс, 359), Қораб. *қашқа ат* «қашқа от». Қиёс: озар. *гашга*, қоз., ққ. *қасқа*: *қара қасқа ат* (қоз., ққ.), туркм. *сакар*: *маңлайы сакар ат*, ўзб. *қашқа* «от ёки мол пешонасидаги оқ жой, оқ нишона» (Ўтил, 2, 566).

қашқа қой «қашқа қой» (Индекс, 359), Қораб. *қашқа қой* «қашқа қой», ўзб. *қашқа қўй* «пешанаси оқ қўй» (Ўтил, 2, 566).

тоқли «тўқли, олти ойлик қўчқор, қўзи» (Индекс, 277), Қораб. *тоқлы* «тўқли». Қиёс: турк. *toklu*, озар. *тоғлу*, туркм. *тоқлы*, қоз. *тоқты*, ққ. *тоқлы*, ўзб. *тўқли* «қўзи, урғочи қўзи» (Ўтил, 2, 258).

қози «қўзи, қўзичоқ» (Индекс, 369), Қораб. *қози* «қўзи». Қиёс: турк. *kuzi*, туркм. *гузы*, қоз., ққ. *қозы*, ўзб. *қўзи* «қўйнинг ёшигача етмаган боласи; умуман қўйнинг боласи» (Ўтил, 2, 630).

қой «қўй» (Индекс, 369), Қораб. *қой* «қўй». Қиёс: турк. *koyn*, озар. *гоюн*, туркм. *гоюн*, қоз., ққ. *қой*, ўзб. *қўй* «гўшт, жун, сут ва

қўй олиш учун боқиладиган, жуфт туёқли сутэмизувчи уй ҳайвони» (Ўтил, 2, 631);

қоч // **қочинар** // **қочнар** «қўчқор» (Индекс, 371), Қораб. *қочнар* // *қошқар* «қўчқор». Қиёс: турк. *koç*, озар., туркм. *гоч*, қоз., ққ. *қошқар*, ўзб. *қўчқор* «бичилмаган эркак қўй» (Ўтил, 2, 642);

қулун «айғир тойча» (Индекс, 376), **қулун** «қулун». Қиёс: озар., туркм. *гулун*, қоз. *қулын*, ққ. *қулын*, ўзб. *қулун*. «бир ёшга тўлмаган тойча, тойчоқ» (Ўтил, 2, 618);

боту «бўталоқ» (Индекс, 72), Қораб. *боту* // *боталақ* «бўталоқ». Қиёс: турк. *kösek*; *taylak*, туркм. *көшек*, қоз., ққ. *бота* // *боталақ*, ўзб. *бўталоқ* // *бўта* «туянинг боласи, бўталоқ, бўта» (Ўтил, 1, 165).

қанжик «урғочи ит, қанжиқ» (Индекс, 347), Қораб. *қанжық*, «урғочи ит». Қиёс: турк. *kancik köpek*, туркм. *ганжық*, қоз., ққ. *қанжық*, ўзб. *қанжиқ* «итнинг модаси, урғочи ит» (Ўтил, 2, 549);

б. Ёввойи ҳайвонлар номи:
айғ «айғ» (Индекс, 15), Қораб. *айық* // *айығ* «айиқ». Қиёс: турк. *ayı*, озар. *ајы*, туркм. *айы*, қоз. *аю*, ққ. *аюў*, ўзб. *айиқ* «пахмоқ юнгли, бесўнақай, катта, сутэмизувчи йиртқич ҳайвон» (Ўтил, 1, 12);

арслан «арслан» (Индекс, 23), Қораб. *арыслан* «арслон». Қиёс: турк. *aslan*, озар. *аслан*, туркм. *арслан*, қоз. *арыстан*, ққ. *арыслан*, ўзб. *арслон*. «мушуксимонлар оиласига мансуб баҳайбат йиртқич сутэмизувчи ҳайвон; шер» (Ўтил, 1, 53).

арқар «урғочи тоғ эчкиси» (Индекс, 24). Қораб. *архар* «урғочи тоғ эчкиси». Қиёс: турк. *dag keçisi*, туркм. *даг текеси*, қоз. *таутеке*, ўзб. *архар* // *алқор* «ёввойи тоғ қўйи» (Ўтил, 1, 43).

барс «барс, қоплон» (Индекс, 56), Қораб. *барс* «йўлбарс», турк. *bars*, туркм. *барс*, қоз., ққ. *барыс*, ўзб. *барс* // *илвирс* «ёввойи мушукларнинг бир тури, баланд тоғларда яшайди» (Ўтил, 1, 320);

борсуқ «бўрсиқ» (Индекс, 72), Қораб. *борсуқ* «бўрсиқ». Қиёс: турк. *orsuk*, озар. *порсуг*, туркм. *торсуқ*, қоз., *борсық*, ққ. *торсық*, ўзб. *бўрсиқ* «сувсарлар оиласига мансуб йиртқич ҳайвон» (Ўтил, 1, 165);

бўри // **қурт** «бўри» (Индекс, 76, 378), Қораб. *бөры* «бўри». Қиёс: турк. *kurt*, туркм. *гурт* // *мөжсек*, қоз. *қасқыр* // *бөрі*, ўзб. *бўри* // *қашқир* «итсимонлар оиласига мансуб йиртқич ҳайвон» (Ўтил, 1, 164; Ўтил, 2, 566).

қэйик «қийик» (Индекс, 152), Қораб. *қәйик* // *қийик* «қийик». Қиёс: турк. *geyik*, туркм. *кейик* ққ., ўзб. *қийик* «қувур шоҳли сутэ-

мизувчилар оиласининг оху, буғу ва ҳоказолар каби катта бир гру- пасининг умумий номи» (Ўтил, 1, 385).

milky «тулки» (Индекс, 270). Қораб. *түлкі* «тулки». Қиёс: турк *tilki*, озар. *түлкү*, туркм. *тилки*, қоз. *түлкі*, ққ. *түлки*, ўзб. *тул* «итлар туркумига мансуб, тумшуғи узун, думи майин узун жун йиртқич сутэмизувчи ҳайвон» (Ўтил, 2, 222);

қулан «қулон» (Индекс, 375), Қораб. *қулан* «қулон», туркм. *қулан*, қоз. *қулан*, ққ. *қулан*, ўзб. *қулон* «отдан кичикроқ, эшакд каттароқ, отдан кўра кўпроқ эшакка ўхшаш ёввойи ҳайвон, ё ввойи хачир» (Ўтил, 2, 616).

їлан «илон» (Индекс, 128), Қораб. *йылан* «илон». Қиёс: турк *yılan*, озар. *илон*, туркм. *йыла* : *н*, қоз., ққ. *жылан*, ўзб. *илон* «судра либ юрувчи, оёқсиз, кўзларида қовоқлари бўлмайдиган жониво» (Ўтил, 1, 325).

оқ їлан «ўқ илон» (Индекс, 189), Қораб. *оқ йылан* «ўқ илон». Қиёс: турк. *ok yılan*, туркм. *ок йыла* : *н*, қоз., ққ. *оқ жылан*, ўзб. *илон* «илоннинг бир тури».

тәвә «туя» (Индекс, 257), Қораб. *тевә* // *тәвә* «туя». Қиёс: турк *deve*, озар. *дәвә*, туркм. *дүе*, қоз., ққ. *түйе*, ўзб. *туя*. «бир ёл икки ўрқачли, йирик сутэмизувчи иш ҳайвони» (Ўтил, 2, 240).

тоғуз «тўнғиз» (Индекс, 275), Қораб. *тоғуз* «тўнғиз». Қиёс: турк *domuz*, озар. *доғуз*, туркм. *доғуз*, қоз., ққ. *шошқа*, ўзб. *тўнғиз* «ё ввойи чўчқа, қобон» (Ўтил, 2, 251).

7. Қурт-қумирсқалар, ҳашаротлар номи:

арі «ари, асал ари» (Индекс, 21), Қораб. *ары* «ари, асал ари». Қиёс: турк *jabanarisi*, *eşek arisi* «ари», *arı* «асал ари», озар. *ары* «асал ари», туркм. *бал арысы* «асал ари», *ары* «ари», қоз. *бал ара*, *ары* «асал ари», *сона* «ари», ққ. *ҳәрре* «асал ари», *ешек ҳәрре* «ари», ўз. *ары*: *асал ари* // *бол ари* «асал ари» (Ўтил, 1, 57, 128) *ары*, *қовоқ ари*, *сарик ари*, *тукли ари*, *қизил ари*, «оддий ари» (Ўтил, 1, 53, 57, 128).

біт 1. бит, мита. 2. буғдойга тушадиган қурт (Индекс, 70), Қораб. *быт* «бит». Қиёс: турк *bit* // *böcek*, озар., қоз., ққ., туркм., ўз. *бит* «одам ёки ҳайвон танасида унинг қонини сўриб яшовчи паразит ҳашарот» (Ўтил, 1, 121).

бурғә «бурга» (Индекс, 84), Қораб. *бурғә* «бурга». Қиёс: турк *pire* туркм. *бүре*, қоз., ққ. *бүрге*, ўзб. *бурга* «сакраб юрадиган қор сўрувчи, қанотсиз паразит» (Ўтил, 1, 150).

күјә «куя» (Индекс, 172), Қораб. *күйә* «куя». Қиёс: турк *güv* озар. *күвә*, туркм. *гүе*, қоз., ққ. *күйе*, ўзб. *куя* «қурти юнгли мато

нар, дон ёки ўсимликларни нобуд қилувчи кичкина капалак» (Ўтил, 1, 410).

чазан «чаён» (Индекс, 319), Қораб. *чайан* «чаён». Қиёс: турк *kuyruklu* // *çayan*, озар. *чапан*, туркм. *ичян*, қоз., ққ. *шаян*, ўзб. *чаён* «ўргимчаксимонлар синфига мансуб, танаси бўгин-бўгин умуртқасиз заҳарли жонивор» (Ўтил, 2, 349).

қоғуз «қўнғиз» (ўсроқ қўнғиз) (Индекс, 371), Қораб. *қоғғыз* «қўнғиз». Қиёс: турк *böcek*, туркм. *томзак*, қоз., ққ. *қоғыз*, ўзб. *қўнғиз* «қаттиқ ҳимоя қобиғи билан қопланган ҳашаротларнинг умумий номи» (Ўтил, 2, 638).

8. Балиқ-қурбақа ва бошқа хил жониворлар номи:

баліқ (Индекс, 55) «балиқ», Қораб. *балық* «балиқ». Қиёс: турк *ballık*, озар. *балыг*, туркм. *балык*, қоз., ққ. *балық*, ўзб. *балиқ* «суз- гичлари бўлган, ой қулоқлари орқали нафас оладиган сув жонивори» (Ўтил, 1, 75).

бақа «қурбақа» (Индекс, 60), Қораб. *бақа* «қурбақа». Қиёс: турк *kurbaga*, озар. *гурбаға*, туркм. *гурбага*, қоз. *бақа* // *қурбақа*, ққ. ўзб. *бақа* // *қурбақа* «сувда ва қуруқликда яшовчи думсиз жониворлар туркумининг бир тури; оёқлари сакраб юриш учун мосланган» (Ўтил, 1, 85; Ўтил, 2, 621).

кірпі «кирпи, типратикон, кирпитикон» (Индекс, 162), Қораб. *кырпы* «кирпи, типратикон». Қиёс: турк *kirpi*, озар., туркм., ўзб., ққ., *кирпи*, қоз. *кірпі* «усти ва ёнлари игнасимон тиканлар билан қопланган сутэмизувчи кичкина ҳайвон» (Ўтил, 1, 388; Ўтил, 2, 183).

9. Қушлар ва паррандалар номи:

кәклик «каклик» (Индекс, 152), Қораб. *кәклык* «каклык». Қиёс: турк *keklik*, озар. *кәклик*, туркм. *кәкилик*, қоз. *қур*, ққ. *кекилик*, ўзб. *каклик* «товуқсимонлар оиласига мансуб сайроқи тоғ қуши» (Ўтил, 1, 359).

лачин «лочин» (Индекс, 177), Қораб. *лачын* «лочин». Қиёс: турк *doğan* // *şahin*, озар., туркм. *лачын*, қоз., ққ. *лашын*, ўзб. *лочин* «йиртқич қушлар туркумининг бир тури; овчилар уни қўлга ўргатиб қуш ов қиладилар» (Ўтил, 1, 435);

турна «турна» (Индекс, 284), Қораб. *турна* // *тынна* «турна». Қиёс: турк *turna*, озар., туркм. *дурна*, қоз., ққ. *тырна*, ўзб. *турна* «ботқоқлик ва қўлларда яшайдиган, оёғи, бўйни, тумшуғи узун қўчманчи қуш» (Ўтил, 2, 228);

үкі «укки, бойқуш» (Индекс, 313), Қораб. *үкы* «укки, бойқуш». Қиёс: турк *baykuş*, озар. *байгуш*, туркм. *байгуш*, қоз. *үкі*, ққ. *үкі*,

ўзб. *бойқуш* // *бойўғли* «япалоққушлар туркумига мансуб бўлган турли йиртқич қуш» (Ўтил, 1, 127); ўзб. *укки* «бойўғлилар туркумига мансуб, йиртқич тун қуши» (Ўтил, 2, 270);

қаз «ғоз» (Индекс, 341). Қораб. *қаз* // *ғаз* «ғоз». Қиёс: турк *kaz* «ғоз», озар. *газ*, туркм. *газ*, қоз. *қаз*, ққ. *ғаз*, ўзб. *ғоз* «ёввойи ёки хонакўш лаштирилган, бўйни узун, сувда сузувчи йирик қуш» (Ўтил, 2, 662).

қарға «қарға» (Индекс, 354), Қораб. *қарға* «қарға». Қиёс: турк *karga*, озар. *гарға*, туркм. *гарға*, қоз., ққ., ўзб. *қарға* «патлари тўқ қора (қора қарға) ёки қора билан кул ранг аралаш (ола қарға) кўчманчи қуш» (Ўтил, 2, 558).

қузғун «қузғун, қора қарға» (Индекс, 374), Қораб. *қузғун* «қузғун». Қиёс: турк *aladogan* // *ekin kargası*, озар. *гузгун*, туркм. *гыра*, қоз. *қузғын*, ққ. *қузғын*, ўзб. *қузғун* «чумчуқсимонлар туркумини қарғасимонлар оиласига мансуб, ҳар қандай нарсани ҳам еявердиган, ўлимтиксўр ўтроқ қуш» (Ўтил, 2, 613).

қуш «қуш» (Индекс, 382), Қораб. *қуш* «қуш». Қиёс: турк *kuş*, озар. *куш*, туркм. *гуш*, қоз., ққ. *қус*, ўзб. *қуш* «умуртқалиларнинг танаси пар ва патлар билан қопланган учишга лаёқатланган бўлган синфи; парранда» (Ўтил, 2, 629);

қундуз «қундуз: сув ити» (Индекс, 377), Қораб. *қундуз* «қундуз». Қиёс: турк *kunduz*, озар. *гундуз*, туркм. *гундуз*, қоз. *қундыз*, ққ. *қундуз*, ўзб. *қундуз* «қуруқдан ташқари сувда яшашга ҳам яхши мослашган, юқори сифатли мўйнали йиртқич сутэмизувчи ҳайвон» (Ўтил, 2, 620);

10. Озиқ-овқат номлари:

азық «озық-овқат» (Индекс, 12), Қораб. *азық* «озық-овқат». Қиёс: турк *уиесек*, озар. *jejəжəк*, туркм. *азык*, қоз., ққ. *азық*, ўзб. *озық* «овқат бўладиган маҳсулот, овқатли дон-дун; емиш» (Ўтил, 1, 524);

айран «айрон» (Индекс, 16), Қораб. *айран* «айрон». Қиёс: турк *ayran*, озар. *айран*, туркм. *айран*, қоз., ққ. *айран*, ўзб. *айрон* «қатикқа сулалган, кўшиб шопириб тайёрланадиган ичимлик» (Ўтил, 1, 34).

аш // **а** : **ш** «ош, таом, овқат» (Индекс, 29, 35). Қораб. *аш* // *етек*, туркм. *аш*, қоз., ққ. *ас*, ўзб. *ош* «қозонда пиширилган иссиқ овқат» (Ўтил, 2, 554);

эт «эт, гўшт» (Индекс, 50), Қораб. *э* : *т* // *ө* : *т* «гўшт». Қиёс: турк *et*, озар. *эт*, туркм. *эт*, қоз., ққ. *ет*, ўзб. *эт* // *гўшт* «тириқ организмнинг мушак тўқималари; эт; сўйилган жонивор танасининг овқат сифатида истеъмол қилинадиган қисми; эт» (Ўтил, 1, 20; Ўтил, 2, 455);

жир «жир, ёғ» (Индекс, 90), Қораб. *жыр* «жир, ёғ». Қиёс: ўзб. *жир* «мой, ёғ» (Ўтил, 1, 282)¹;

жавған : **жавған аш** «ёвғон ош» (Индекс, 104), Қораб. *йавған* «ёвғон ош». Қиёс: ўзб. *ёвғон* «гўштсиз, ёғсиз тайёрланган суюқ овқат» (Ўтил, 1, 253).

јағ «ёғ» (Индекс, 122), Қораб. *йағ* «ёғ». Қиёс: турк *yağ*, озар. *јағ*, туркм. *јағ*, қоз., ққ. *май*, ўзб. *ёғ* // *мой* «чорва молларидан, баъзи жониворлардан, айрим экин ва ўсимликларнинг уруғ, гул ва меваларидан ёки минераллардан олинадиган, сувда эримайдиган модда» (Ўтил, 1, 266, 470);

јумуртға «тухум» (Индекс, 140), Қораб. *йумуртқа* «тухум». Қиёс: турк *yumurta*, озар. *јумурта*, туркм. *юмуртга*, қоз. *жұмыртқа*, ққ. *жұмыртқа*, ўзб. диал. *йумурта* «урғочи парранда, тошбақа ва бошқа баъзи ҳайвонларнинг бола очиш учун қўядиган, қобик билан ўралган жинсий юмуртқаси» (Ўтил, 2, 236).

кэпәк «кепак» (Индекс, 155), Қораб. *кәпәк* «кепак», Қиёс: турк *kerək*, озар. *кәпәк*, туркм. *кәпәк*, қоз. *кебек*, ўзб. *кепак* «буғдой, жўхори каби донларнинг тортганда (ун қилинганда) чиқадиган пўсти ва ун бўлмаган дон чиқитлари» (Ўтил, 1, 380).

кёмәч «кўмач» (индекс, 167), Қораб. *көмөч* «кўмач» турк *kömeç*, туркм. *көмеч*, қоз., ққ. *көмеш*, ўзб. *кўмач* «иссиқ кулга кўмиб пиширилган нон» (Ўтил, 1, 415).

күйүк : **күйүк нәң** «куйган нарса» (Индекс, 173), Қораб. *күйүк* «күйүк». Қиёс: турк *yanik*, озар. *јаныг*, туркм. *көйүк*, қоз. *күйүк*, ққ. *күйүк*, ўзб. *куюк* «пиширилган, қовурилган нарсанинг куйган жойи, куйган қисми» (Ўтил, 1, 410);

мурч «мурч» (Индекс, 181), Қораб. *мурч* «мурч». Қиёс: турк *biber*, туркм. *бурч*, қоз. *бұрыш*, ққ. *бұрыш*, ўзб. *мурч* «тропик ўсимлик ва унинг зиравор сифатида ишлатиладиган думалоқ аччиқ меваси ва уруғи» (Ўтил, 1, 482);

сармусақ «саримсоқ» (Индекс, 209), Қораб. *сарымсақ* «саримсоқ». Қиёс: турк *sarimsak*, озар. *сарымсаг*, туркм. *сарымсақ*, қоз., ққ. *сарымсақ*, ўзб. *саримсоқ* «пиёзсимон кўп йиллик ўсимлик ва унинг овқатга ишлатиладиган ўткир ҳидли, аччиқ пиёзи» (Ўтил, 2, 23).

¹ «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (1 том, М., 1981) да *жир* рус тилидан ўтган сўз деб берилган. Бизнингча, бу тўғри эмас. Маҳмуд Кошғарий яшаган замонда рус тилидан туркий тилларга сўз ўтганлиги ҳақидаги маълумотни ҳозирча учратмадик. *Жир* асли туркий сўз бўлиши керак, у аксинча туркий тилдан рус тилига ўтган деган фикрдамик.

сүзмә «сузма» (Индекс, 236), Қораб. *süzme* «сузма». Қиёс: турк *süzme*, озар. *süzme*, туркм. *süzme*, ўзб. *сузма* «халтага солиб остирилган сузилган қатикдан ҳосил бўлган маҳсулот» (Ўтил, 2, 82).

сүт «сут» (Индекс, 238), Қораб. *süt* «сут». Қиёс: турк *süt*, озар. *сүд*, туркм. *сүйт*, қоз., ққ. *сүт*, ўзб. *сут* «эмизикли онанинг кўкрәк безларидан ёки эмизувчи она ҳайвоннинг эмчак безларидан ариштирилган суюқлик» (Ўтил, 2, 89).

талқан «талқон» (Индекс, 244), Қораб. *талқан* «талқон». Қиёс: туркм. *талхан*, қоз. *талқан*, ққ. *тақан* // *талқан*, ўзб. *толқон* «қозғалган дон, қуритилган нон, сухари ва ш.к. дан туйиб тайёрланган емиш» (Ўтил, 2, 199).

туз «туз» (Индекс, 292), Қораб. *tuz* «туз». Қиёс: турк *tuz*, озар. туркм., ққ. *дуз*, қоз. *туз*, ўзб. *туз* «кислота таркибидаги водороднинг ўрнини бирор металл эгаллаши натижасида ҳосил бўладиган химиявий бирикмаларнинг умумий номи» (Ўтил, 2, 219);

ун «уни» (Индекс, 304), Қораб. *ун* «ун». Қиёс: турк *un*, озар. туркм., ққ., ўзб. *ун*, қоз. *ун* «донни тегиримондан тортиш йўли билан олинадиган қуқунсимон озуқа» (Ўтил, 2, 276).

угра «угра оци» (Индекс, 310), Қораб. *угра* «угра». Қиёс: турк *унаш*, ққ. *унашы*, қоз. *кеспе*, ўзб. *угра* «юпқа ёйилиб, узун ва майда қилиб кесилган х.мир» (Ўтил, 2, 263);

қимиз «қимиз» (Индекс, 364), Қораб. *қымыз* «қимиз». Қиёс: турк *kitiz*, озар., туркм. *гымыз*, қоз., ққ. *қымыз*, ўзб. *қимиз* «от сүтидан тайёрланган енгил кайф берувчи ичимлик» (Ўтил, 2, 579).

қоғурмач «қўғирмоч» (Индекс, 373), Қораб. *қоғурмач* «қўғирмоч». Қиёс: қоз. *қуырмаш*, ққ. *қуўырмаш*, ўзб. *қўғирмоч* «қозонда қовурилган буғдой» (Ўтил, 2, 646).

қурут «қурут» (Индекс, 379), Қораб. *қурут* // *қурт*. Қиёс: турк *гурт*, қоз. *құрт*, ққ. *қурт*, ўзб. *қурут* «сузмани ёнғоқдек-ёнғоқдек юмалоқлаб, қуритиб тайёрланган маҳсулот» (Ўтил, 2, 624).

11. Ўт-ўланлар ҳамда уларнинг маҳсулотлари номи:

алма «олма» (Индекс, 18) Қораб. *алма* «олма». Қиёс: турк *elma*, озар., туркм., қоз., ққ. *алма*, ўзб. *олма* «атиргулшилар оиласига мансуб кўп йиллик мевали дарахт ва шу дарахтнинг меваси» (Ўтил, 533);

эрүк «ўрик, шафтоли, олхўрининг умумий номи» (Индекс, 49) Қораб. *өрүк* «ўрик», турк *kayisi* «ўрик»; озар. *эрик*, туркм. *эрик*, қоз. *өрүк*, ққ. *ерик*, ўзб. *ўрик* «гули оқ ва пушти, меваси оқип сарғиш, қизғиш рангларда бўладиган йирик дарахт ва унинг дақнакли меваси» (Ўтил, 2, 510).

узум «узум» (Индекс, 311), Қораб. узум «узум». Қиёс: турк *üzüm*, озар., туркм. узум, қоз. жүзім, ққ. жүзім, ўзб. узум «токнинг ғужум-ларидан иборат меваси» (Ўтил, 2, 267).

ајріқ «ажриқ» (Индекс, 16), Қораб. ажырық «ажриқ». Қиёс: турк *ajrit*, озар. чим, туркм. чайыр // хашал өт, туркм. тил. ата диалектида ажырыкь (Тдгдс, 14), ққ. ажырық, ўзб. ажриқ «бошоқли ўсимликларга мансуб кўп йиллик серилдиз ёввойи ўт» (Ўтил, 1, 29).

ісріқ «исириқ» (Индекс, 93), Қораб. ысырық «исириқ». Қиёс: қоз., ққ. адраспан, турм. үзәрлик, туркм. тил. арсари диалектида исвент, ўзб. исириқ «кўп йиллик ўтсимон заҳарли ёввойи ўсимлик» (Ўтил, 1, 335).

јандақ: јандақ тикән «янтоқ тикан» (Индекс, 111). Қораб. јан-тақ «янтоқ». Қиёс: турк *diken*, озар. тикан, туркм. јандақ, қоз., ққ. јантақ, ўзб. јантоқ «чўлларда ўсадиған, дуккакликларга мансуб тиканли ўт» (Ўтил, 2, 484).

јлдіз «илдиз» (Индекс, 128), Қораб. илдыз «илдиз». Қиёс: турк *kök*, озар., туркм. көк, қоз., ққ. тамыр, ўзб. илдиз «ўсимликнинг ордан сув ва ўғит моддалар олиб борадиган ер ости қисми; томир» (Ўтил, 1, 321).

јғоч I «ёғоч» II дарахт (Индекс, 130). Қораб. јағаш «ёғоч, дарахт». Қиёс: турк ағас, озар. ағач, туркм. ағач, қоз., ққ. ағаш, ўзб. ёғоч, дарахт «ёғоч, дарахт» (Ўтил, 1, 267).

көчүт «кўчат» (Индекс, 171), Қораб. көчөт «кўчат». Қиёс: туркм. нахал, қоз. екпе көшет, ўзб. кўчат «уруғ ёки қаламчадан ўсиб чиққан ва бошқа жойга олиб ўтқазиладиган ёш дарахт, ниҳол» (Ўтил, 1, 423).

от «ўт, хашак, кўкат, ўсимлик» (Индекс, 187). Қораб. от «ўт, ўсимлик, хашак, кўкат». Қиёс: турк ot, озар., туркм., қоз., ққ. ot, ўзб. ўт «пояси ёғочланмайдиган, чорва моллари учун асосий емиш бўладиган яшил ўсимлик» (Ўтил, 517).

саман «сомон» (Индекс, 206), Қораб. саман «сомон». Қиёс: турк *laman*, озар., туркм. саман, қоз., ққ. сабан, ўзб. сомон, «буғдой, арпа, шоли янчилганда пояларининг майдаланишидан ҳосил бўладиган маҳсулот» (Ўтил, 2, 68).

тәрәк «терақ» (Индекс, 262), Қораб. тәрәк «терақ». Қиёс: турк *kavak ağacı*, туркм. дерек, қоз., ққ. терек, ўзб. терақ «толлар оиласига мансуб, пўстлоғи кўкиш ёки оқиш, баланд дарахт» (Ўтил, 2, 164).

тікән «тикан» (Индекс, 268), Қораб. тыкан «тикан». Қиёс: қоз. тікен, туркм., ққ. тикен, ўзб. тикан «ўсимликларнинг, шунингдек,

баъзи ҳайвонларнинг ингичка учли, нинасимон органи» (Ўтил, 2, 172).

чечак «чечак, гул» (Индекс, 327), Қораб. *чечак* «чечак». Қиёс: турк *çiçek*, озар. *чичек*, туркм. *чечек*, қоз., ққ. *шешек*, ўзб. *чечак* «табиий равишда ўсадиган гулли ўсимлик; гул» (Ўтил, 2, 365).

чибиқ «чибиқ, чивик, ҳўл новда» (Индекс, 327), Қораб. *чыбық* // *чывық* «чивик, ҳўл новда». Қиёс: турк. *çibik*, озар. *чубуг*, туркм. *чыбык*, қоз., ққ. *шыбық* «сурх новда» (Ўтил, 2, 365).

12. Бошоқли (дон) ўсимликлар номи:

бурчақ «ловия» (Индекс, 433), Қораб. *бурчақ* «дони дўлга ўхшаш ўсимлик». Қиёс: қоз. *буршақ*, ққ. *буршақ*, ўзб. тил. ўғуз шевасида *бурчақ* (О. Мад., 122) «ловия, нўхат».

будгай // **буддай** «буддой» (Индекс, 76, 83), Қораб. *будгай* «буддой». Қиёс: турк *bugday*, озар. *будда*, туркм. *буддай*, қоз. *бидай*, ққ. *бийдай*, ўзб. *буддой* «бошоқли ғалла ўсимлиги ва унинг дони, ғалласи» (Ўтил, 1, 156).

јармаш «ёрма» (Индекс, 116), Қораб. *јарма* «ёрма». Қиёс: турк *yağma*, озар. *јарма*, туркм. *јарма*, қоз., ққ. *жарма*, ўзб. *ёрма* «оқлаб туйилган бутун дон, оқланган ғалла маҳсулоғи» (Ўтил, 1, 262).

арпа «арпа» (Индекс, 22), Қораб. *арпа* «арпа». Қиёс: турк *arpa*, озар., туркм., қоз., ққ., ўзб. *арпа* «дони овқатга ва ем сифатиде ишлатиладиган ғалла ўсимлиги ва унинг дони, ғалласи» (Ўтил, 1, 55).

тариғ I уруғ, II буддой; тарик (Индекс, 250), Қораб. *тарығ* // *тарық* «тарик». Қиёс: турк *darı*, озар., туркм. *дары*, қоз., ққ. *тары*, ўзб. *тариқ* «бошоқли ғалла ўсимлиги ва унинг оқлаб сўк қилинадиган майда дони» (Ўтил, 2, 127).

қонақ «қўноқ, тарик» (Индекс, 370), Қораб. *қонақ* «тарик». Қиёс: ққ. *қонақ* «тарикнинг бир тури», ўзб. *қўноқ* «дони тарикдан кўра майдароқ, бошоқли ғалла ўсимлиги» (Ўтил, 2, 638).

13. Тана аъзоларининг номи:

азғ «озик, ҳайвоннинг озик тиши» (Индекс, 12), Қораб. *азығ* // *азығ* «озик тиш». Қиёс: турк *azi dişi*, озар. *азыдиши*, туркм. *азы*, қоз. *азу тіс*, ққ. *азуў тіс*, ўзб. *озик тиш* «овқат ейиш, тишлаш, чайнаш учун хизмат қиладиган аъзо» (Ўтил, 2, 189).

аяқ «оёқ» (Индекс, 15), Қораб. *айақ* «оёқ». Қиёс: турк *ayak* // *басақ*, озар. *аяг*, туркм. *аяк*, қоз., ққ. *аяқ*, ўзб. *оёқ* «одам, ҳайвон, қуш ва умуман жонли организмлар гавдасининг таяниб туриши ва юриши ёки ўрмалаши учун хизмат қиладиган аъзо» (Ўтил, 1, 522).

арқа 1 орқа. 2. суянчик, ёрдамчи (Индекс, 24), Қораб. *арқа* «орқа», «суянчик». Қиёс: турк *arka*, озар. *ард* (*аргадаш* ўртоқ), туркм. *арка*, қоз., ққ. *арқа*, ўзб. *орқа* «гавданнинг қоринга нисбатан терс томони, бўйнидан думгазагача бўлган қисми» (Ўтил, 1, 545).

ағиз «оғиз» (Индекс, 32), Қораб. *ағыз* «оғиз». Қиёс: турк *agiz*, озар. *ағыз*, туркм. *ағыз*, қоз. *ауыз*, ққ. *аўыз*, ўзб. *оғиз* «икки жағ ўртасидаги, овқатланиш, сўзлаш ёки овоз чиқариш учун хизмат қиладиган бўшлиқ» (Ўтил, 1, 561).

баш «бош» (Индекс, 59), Қораб. *баш* «бош». Қиёс: турк *baş* // *kelle*, озар., туркм. *баш*, қоз., ққ. *бас*, ўзб. бош «тананинг бўйнидан юқориги (одамда) ёки олдинги (ҳайвонда) қисми; калла» (Ўтил, 1, 136).

биқин «биқин, кишининг биқини» (Индекс, 67), Қораб. *бықын* «биқин». Қиёс: турк *yan*, озар. *јан*, туркм. *ян*, қоз. ққ. *жақ*, ўзб. *биқин* «гавданнинг қўлтиқдан то тоз суягигача бўлган икки ён қисми» (Ўтил, 1, 123).

биләк «билак» (Индекс, 68), Қораб. *быләк* «билак». Қиёс: турк *kol*, озар., туркм. *гол*, ўзб. *билак* «қўлнинг тирсақдан кафт бўғмигача бўлган қисми» (Ўтил, 1, 112).

бойин «бўйин» (Индекс, 71), Қораб. *бойун* // *мойун* «бўйин». Қиёс: турк *boyun*, озар. *војун*, туркм. *боюн*, қоз., ққ. *мойын*, ўзб. *бўйин* «гавданнинг бош билан танани бириктирувчи қисми» (Ўтил, 1, 159).

бойм // **боғун** «бармоқ бўғини, қамиш бўғини» (Индекс, 75), Қораб. *боғым* // *боғын* «бўғин». Қиёс: туркм. *богун*, қоз. *буын*, ққ. *буўын*, ўзб. бўғин «гавда суяқларининг тоғайлар, пайлар билан бириккан жойлари» (Ўтил, 1, 169).

бурун «бурун», «олдин, илгари» (Индекс, 79), Қораб. *бурун* «бурун», «олдин, илгари». Қиёс: турк *burun*, озар., туркм., озар., туркм., ўзб. бурун, қоз. мўрын, ққ. мурын, «ҳидлаш органининг ташқи қисми» (Ўтил, 1, 52).

бут «сон; оёқ» (Индекс, 80), Қораб. *бут* // *пут* «сон; оёқ». Қиёс: турк *but*, туркм., ўзб. *бут*, қоз. *бут*, ққ. *пут* «икки оёқ ораси; чот» (Ўтил, 1, 154).

илик // **јилик** «илик» (Индекс, 97, 133), Қораб. *илик* // *йилик*. Қиёс: турк *ilk*, озар., ўзб. *илик*, туркм. *суңк йулуғи*, қоз. *жілік*, ққ. *жилик* «суяқ ичидаги ёғсимон модда» (Ўтил, 321);

јаш «кўз ёши» (Индекс, 120), Қораб. *јаш* «кўз ёши». Қиёс: турк *yaş*, *гәз*, *јаші*, озар. *јаш*, туркм. *јаш*, қоз., ққ. *јас*, *көз јасы*, ўзб. *ёш* «кўз ёшидан ажралиб чиқадиган тиниқ суюқлик» (Ўтил, 1, 264).

јуз «юз» (Индекс, 145), Қораб. *йүз* «юз». Қиёс: турк *ујз*, озар. *јуз*, туркм. *йүз*, қоз., ққ. *жүз*, ўзб. *юз* «одам бошининг олд томондан кўриниши; чехра, бет, афт» (Ўтил, 2, 463).

јүрәк «юрак» (Индекс, 147), Қораб. *йүрәк* «юрак». Қиёс: турк *ујрек*, озар. *үрәк*, туркм. *йүрек*, қоз., ққ. *жүрек*, ўзб. *юрак* «кўкрак қафаси ичига жойлашган, мускул қопчиққа ўхшаш, марказий вайлантириш органи» (Ўтил, 2, 470).

кїрпїк «киприк» (Индекс, 162), Қораб. *кырпык* «киприк». Қиёс: турк *кїрпїк*, озар., туркм., ққ. *кирпик*, қоз. *кїрпїк*, ўзб. *киприк* «кўкрак қафаси ичига жойлашган туклар» (Ўтил, 1, 387).

кўз «кўз» (Индекс, 164), Қораб. *көз* «кўз». Қиёс: турк. *göz*, озар. *көз*, туркм. *өз*, қоз., ққ. *көз*, ўзб. *кўз* «тирик мавжудотларнинг кўриш органи» (Ўтил, 1, 410).

қабак *көз қабакі* «кўз қовоғи» (Индекс, 339), Қораб. *қабак* «қовоқ». Қиёс: турк *göz kabagi*, озар. *габак*, туркм. *габак*, қоз., ққ. *габак*, ўзб. *қовоқ* «кўз қовоғи қопловчи, очилиб-ёпилиб турадиган тери» (Ўтил, 2, 591).

қарин «қорин» (Индекс, 351), Қораб. *қарын* «қорин». Қиёс: турк *кагїн*, озар., туркм. *гарын*, қоз., ққ. *қарын*, ўзб. *қорин* «инсон ва ҳайвонларнинг қопчасимон овқат ҳазм қилиш органи, ошқозон курсоқ» (Ўтил, 1, 303).

қаш «қош» (Индекс, 358), Қораб. *қаш* «қош». Қиёс: турк *каш*, озар., туркм. *гаш*, қоз., ққ. *қас*, ўзб. *қош* «қовоқ тепасидаги туклардан ташкил топган ёйсимон тукли чизик» (Ўтил, 2, 607).

қил «қил, мўй» (Индекс, 363), Қораб. *қыл* «қил, мўй, жун». Қиёс: турк *кїл*, озар., туркм. *гыл*, қоз., ққ. *қыл*, ўзб. *қил* «от ва баъзи бошқа ҳайвонлар думи ёки ёлининг ҳар бир толаси» (Ўтил, 2, 577).

қол «қўл» (Индекс, 369), Қораб. *қол* «қўл». Қиёс: турк *el* // *гол*, озар. *эл* // *гол*, туркм. *эл* // *гол*, қоз., ққ. *қол*, ўзб. *қўл* «одамнинг бармақ учларидан елкасигача бўлган қисми» (Ўтил, 2, 634).

қолтиқ «қўлтиқ» (Индекс, 370), Қораб. *қолтық* «қўлтиқ». Қиёс: турк *колтик*, озар. *голтук*, туркм. *голтук*, қоз., ққ. *қолтық*, ўз. *қўлтиқ* «қўлнинг елка билан туташган ерида ҳосил бўлган бурчак, қўл ости» (Ўтил, 2, 636).

қулақ // *қулақ* // *қулақ* «қулоқ» (Индекс, 376), Қораб. *қулақ* «қулоқ». Қиёс: турк *кулак*, озар. *гулаг*, туркм. *гулак*, қоз. *қулақ*, ққ. *қулақ*, ўзб. *қулоқ* «эшитиш органи ва унинг ташқи қисми» (Ўтил, 2, 617).

ўпка «ўпка» (Индекс, 197), Қораб. *өпкә* «ўпка». Қиёс: турк *аксигер*, туркм. *өйкен*, қоз., ққ. *өпке*, ўзб. *ўпка* «одам ва умуртқали ҳай-

вонларда кўкрак қафаси ичига жойлашган нафас олиш органи» (Ўтил, 2, 508);

от «ошқозон ўти, аччиқлиги» (Индекс, 200), Қораб. *өт* «от». Қиёс: турк *öd*, *safra*, озар. *өд*, туркм., қоз., ққ. *өт*, ўзб. *ўт* «жигардан ажралиб чиқувчи сарғиш-яшил рангли аччиқ суюқлик» (Ўтил, 2, 517).

сач «соч» (Индекс, 212), Қораб. *сач* // *чаш* «соч». Қиёс: турк. *сач*, озар., туркм. *сач*, қоз., ққ. *шаш*, ўзб. *соч* «бошда ўсадиган қил туклар қопламаси ва уларнинг ҳар бири» (Ўтил, 2, 71).

сақал «соқол» (Индекс, 215), Қораб. *сақал* «соқол», турк. *sakal*, озар. *сагал*, туркм. *сакгал*, қоз., ққ. *сақал*, ўзб. *соқол* «иякда ўсадиган қил туклар қопламаси» (Ўтил, 2, 73).

талақ «талоқ, қора жигар» (Индекс, 243), Қораб. *талақ* «талоқ». Қиёс: турк. *dalak*, озар. *далаг*, туркм. *далак*, қоз., ққ. *талақ*, ўзб. *талоқ* «организмда қон парчаларини ишлаб берувчи ва шу билан алоқадор турли вазифаларни бажарувчи орган» (Ўтил, 2, 601).

тамақ // *тамғақ* «томоқ» (Индекс, 245, 246), Қораб. *тамақ* «томоқ». Қиёс: турк. *damak*, озар. *дамаг*, туркм. *дамак*, қоз., ққ. *тамақ*, ўзб. *томоқ* «қизилўнғач билан кекирдак бошланадиган ер; бутиз» (Ўтил, 2, 201).

тамар // *тамур* «томир» (Индекс, 245), Қораб. *тамар* // *тамыр* «томир». Қиёс: турк. *damar*, озар., туркм. *дамар*, қоз., ққ. *тамыр*, ўзб. *томир* «одам ва ҳайвонлар танасида қон ёки лимфа оқадиган вайчасимон орган» (Ўтил, 2, 200).

тері «тери» (Индекс, 263), Қораб. *тәри* // *теры* «тери». Қиёс: турк *deri*, озар. *дәри*, туркм. *дери*, қоз., *тері*, ққ., ўзб. *тери* «одам ва ҳайвон танасининг ташқи қопламаси, пўсти» (Ўтил, 2, 164);

тил «тил» (Индекс, 265), Қораб. *тыл* «тил». Қиёс: турк *dil*, озар., туркм. *дил*, қоз. *тил*, ққ., ўзб. *тил* «оғиз бўшлиғига жойлашган, там-маза билиш, нутқ товушлари ҳосил қилиш учун хизмат қиладиган аъзо» (Ўтил, 2, 174);

тиш «тиш» (Индекс, 266), Қораб. *тыш* «тиш». Қиёс: турк *diş*, озар., туркм. *диш*, қоз. *тис*, ққ. *тис*, ўзб. *тиш* «овқат ейиш, тишлаш, чайнаш учун хизмат қиладиган аъзо» (Ўтил, 2, 189);

тирнақ // *тирнақ* «тирноқ» (Индекс, 266), Қораб. *тырнақ* «тирноқ». Қиёс: турк *tırnak*, озар. *дырнаг*, туркм. *дырнак*, қоз., ққ. *тырнақ*, ўзб. *тирноқ* «бармоқлар учининг орқа томонидан этга ёпишган, шох моддали ҳимоя тўқимаси, қопламаси» (Ўтил, 2, 187);

tiz «тиз, тизза» (Индекс, 268), Қораб. *ти:з* «тиз, тизза». Қиёс турк *diz*, озар. *diz*, туркм. *дыз*, қоз. *тизе*, ўзб. *тиз//тизза* «оёқниги букиладиган, болдир билан сон қўшиладиган жойи» (Ўтил, 2, 170).

тирсәк «тирсак» (Индекс, 271), Қораб. *тырсәк* «тирсак». Қиёс турк *dirsek*, озар. *дырсәк*, туркм., ққ. *тирсек*, *билек*, қоз., *тирсек*, ўзб. *тирсак* «қўлнинг билак суяги билан елка суяги қўшиладиган букилиб бурчак ҳосил қиладиган жойи, бўғими» (Ўтил, 2, 187);

топуқ «тўпиқ» (Индекс, 275), Қораб. *топық* «тўпиқ». Қиёс: турк *ayak bilegi*, озар. *топуг*, туркм. *топук*, қоз., ққ. *сыйрақ*, ўзб. *тўпиқ* «болдир суягининг пастки учигаги ён томонга туртиб чиққан дўмбоқ қисми» (Ўтил, 2, 251);

14. Турли касалликлар номи:

ала «ола, пес» (Индекс, 161), Қораб. *ала* «ола, пес». Қиёс: турк *akşarlık // akşinlik*, озар. *ала*, туркм., *пис*, қоз. *аланес*, ққ. *пес*, ўзб. *ола-пес* «Баданида оқ доғлари бўлган; пес» (Ўтил, 1, 530);

ағриғ «оғриқ» (Индекс, 33), Қораб. *ағрық* «оғриқ». Қиёс: турк *agri*, туркм. *агыры*, қоз. *ауыру*, ққ. *аўруу*, ўзб. *оғриқ* «касалланиш шикастланиш, жароҳат ёки чарчаш натижасида сезиладиган жисмоний азоб, дард» (Ўтил, 1, 564);

буқақ // *буқуқ* «буқоқ» (Индекс, 82), Қораб. *боқақ* «буқоқ». Қиёс: турк *guşa, sedre*, туркм. *алқым чишме*, қоз. *алқым ісуі*, ўзб. *буқоқ//буқоқ* «қалқонсимон без фаоллятининг бузилиши натижасида пайдо бўлган касаллик» (Ўтил, 1, 157).

бүкри «букри; эгри» (Индекс, 83), Қораб. *букры* «букри». Қиёс: турк *kambur*, туркм. *букур*, қоз. *бүкір*, ққ. *бүкир*, ўзб. *букри//букур* «умуртқа ёки кўкрак қафасининг эгри ўсуви натижасида ҳосил бўладиган букри жой» (Ўтил, 1, 148).

чипқан «чипқон яраси» (Индекс, 329), Қораб. *чыпқан* «чипқон». Қиёс: турк *şiban*, туркм. *чыбан*, қоз., ққ. *шыйқан*, ўзб. *чипқон* «тук қопчиғи ва унинг атрофи яллиғланиши натижасида ҳосил бўладиган йирингли катта чиқиқ; ҳўшпоз» (Ўтил, 2, 371).

қизламук «қизамиқ ва шунга ўхшаш тошиб чиқадиган тошмалар» (Индекс, 361), Қораб. *қызамық* «қизамиқ». Қиёс: турк *kizamik, sıçek*, озар. *чичәк*, туркм. *гызамык*, қоз., ққ. *қызылша*, ўзб. *қизамиқ* «баданга қизил тошма тошиши ва иситма билан кечадиган юқумли болалар касаллиги» (Ўтил, 2, 570).

ақсақ «оқсоқ, чўлоқ» (Индекс, 28), Қораб. *ақсақ* «оқсоқ, чўлоқ». Қиёс: турк *aksak*, озар. *чоләг*, туркм. *агсак*, қоз., ққ. *ақсақ*, ўзб. *оқсоқ* «оқсаб юрадиган; бир оёғи калта ёки чўлоқ» (Ўтил, 1, 500).

15. Вақт билан боғлиқ тушунчаларни ифода этувчи сўзлар:

ахшам «оқшом, кеч, кунботар вақти» (Индекс, 28), Қораб. *ахшам* // *ақшам* «оқшом, кеч, кунботар вақти». Қиёс: турк *aқsham*, *aқsham vakti*, озар. *ахшам*, туркм. *агшам*, қоз., ққ. *кеш*, ўзб. *оқшом* «қуёш ботиши билан тун бошланиши ўртасидаги ғира-шира ёруғ пайт; кеч, кечқурун» (Ўтил, 1, 560).

ој I «ой (30 кунлик муддат)», II *ой* «ой» (Индекс, 34), Қораб. *ој*: I. ой, 28-29, 30-31 кунлик муддат. 2. ой. Қиёс: турк *оу*, озар. *ој*, туркм., қоз., ққ. *ай*, ўзб. *ой* «қуёшдан нур олиб, ёғду сочувчи самовий жисм, Ернинг йўлдоши; ўлчов бирлиги 28, 29, 30 ёки 31 кунлик давр» (Ўтил, 1, 526).

эртә «эрта, тонг» (Индекс, 48), Қораб. *эртә* // *эртә* «эрта, тонг». Қиёс: турк *sabah*, *seher*, озар. *сабах*, туркм. *ир* // *эртир*, қоз. *ерте* // *таңертең*, ққ. *ерте*, ўзб. *эрта* «белгиланган вақтдан анча ёки бирмунча олдин, барвақт, вақтли» (Ўтил, 2, 451).

кеч «кеч» (Индекс, 158), Қораб. *кеч* // *кәч* «кеч». Қиёс: турк *гес*, туркм. *гич*, қоз., ққ. *кеш*, ўзб. *кеч* «кундуз билан тун оралиғи; белгили ёки керак вақтдан кейин» (Ўтил, 1, 383).

кәчә «кеч, кечқурун» (Индекс, 158), Қораб. *кәчә* // *кечә* «кеч, кечқурун». Қиёс: турк *aқsham*, *aқshamleyin*, озар. *ахшам*, туркм. *гич*, *агшам*, қоз., ққ. *кешке*, ўзб. *кеча* «сутканинг қоронғи тушгандан тонг отгунча ўтадиган қисми» (Ўтил, 1, 383).

кун «кун, кундуз» (Индекс, 174), Қораб. *кун* «кун». Қиёс: турк *гүн*, *гүндүз*, озар. *кун*, туркм. *гүн*, қоз., ққ. *күн*, ўзб. *кун* «сутканинг қуёш чиқишидан қуёш ботгунча бўлган қисми» (Ўтил, 1, 405).

күндүз «кундуз, кун ёруғи» (Индекс, 174), Қораб. *күндүз* «кундуз, кун ёруғи». Қиёс: турк *гүндүз*, озар. *күндүз*, туркм. *гүндиз*, қоз. *күндіз* ққ. *күндиз*, ўзб. *күндүз* «сутканинг қуёш чиққандан қуёш ботгунча бўлган қисми» (Ўтил, 1, 406).

мәңгү «мангу» (Индекс, 179), Қораб. *мәңгү* «мангу». Қиёс: турк *ebediyen*, озар. *даима*, туркм. *эбеди*, қоз. *мәңги*, ққ. *мәңги*, ўзб. *мангу* «абдий умрбод» (Ўтил, 1, 445).

таң «тонг» (Индекс, 247), Қораб. *таң* «тонг». Қиёс: турк *тан*, озар. *дан*, туркм. *даң*, қоз., ққ. *таң*, ўзб. *тонг* «кун чиқиш пайти, субҳидам, саҳар, азон» (Ўтил, 2, 202).

тун «тун, кеча» (Индекс, 296), Қораб. *тун* «тун, кеча». Қиёс: турк *гесе*, туркм. *гиче*, қоз., ққ. *түн*, ўзб. *тун* «сутканинг кун ботишдан кун чиққунгача, оқшомдан тонг отаргача бўлган қисми» (Ўтил, 2, 223).

туш «туш вақти» (Индекс, 297), Қораб. *туш* «туш вақти». Қи турк *ögle vakti*, туркм. *гунорта*, қоз., ққ. *түс*, ўзб. *туш* «қуёш к тепага келган пайт» (Ўтил, 2, 237).

16. Қишлоқ хўжалиги (деҳқончилиги) билан боғлиқ тушунчаларни англатувчи сўзлар:

амач «омоч, омоч-бўйинтуруқ» (Индекс, 19), Қораб. *амач//амоч* «омоч». Қиёс: турк *karasaban*, туркм. *азал*, қоз., соқа, ққ. *күн* ўзб. *амоч* «уловга қўшиб ер ҳайдайдиган металл тишли оддий ём асбоб» (Ўтил, 1, 537), ўзб. *омоч-бўйинтуруқ* «ер ҳайдаш учун ракли бўлган омоч, бўйинтуруқ ва бошқа мажмуа» (Ўтил, 1, 537).

анғиз «анғиз, дон экинлари ўриб олинган ер» (Индекс, 20), Қораб. *анғиз//анғыз* «буғдойи (дон экинлари) ўриб олинган ер». Қиёс: туркм. *анғиза*, «бир хил тоғ ўсимлиги», ўзб. *анғиз* «экини ўриб йиғиб олинган ер, майдон», «экиннинг ўриб олингандан кейин тиккайиб қолган пояси» (Ўтил, 1, 49).

аріқ «аріқ, наҳр» (Индекс, 22), Қораб. *арық* «аріқ». Қиёс: турк *ark*, туркм. *арык*, *яп*, қоз., ққ. *арық*, ўзб. *арық* «сунғий равиши ясалган сув ўзани, йўли ва ундаги сув» (Ўтил, 1, 54).

бојундуруқ «бўйинтуруқ» (Индекс, 72), Қораб. *бойунтырық* «бўйинтуруқ». Қиёс: турк *boyunduruk*, туркм. *боютырык*, қоз., *мойынтырық*, ққ. *мойындырық*, ўзб. *бўйинтуруқ* «омочнинг иш ҳайвони бўйнига тақиладиган қисми» (Ўтил, 1, 159).

тиш «омоч тиши» (Индекс, 266), Қораб. *тыш* : *амаш тышы* «омоч тиши». Қиёс: турк *saban demiri*, туркм. *паза*, қоз. *тіс*, *түрен* (соқаның күрегі), ққ. *күнде тиси*, ўзб. *омоч тиши* «омоч учига кийгизилган ўтқир темир».

уруғ «уруғ» (Индекс, 306), Қораб. *уруқ//уруғ*. Қиёс: турк *tohum* озар., туркм. *тохум*, қоз. *тұқым*, *ұрық*, ққ. *урық*, *туқым*, ўзб. *уруғ* «ўсимликнинг муртак озиқ моддалари ва қобикдан иборат ҳосили; дон, тухум» (Ўтил, 2, 280).

чигит «чигит, пахта уруғи» (Индекс, 331), Қораб. *чыгыт* «чигит, пахта уруғи». Қиёс: туркм., ўзб. *чигит*, ққ. *шигит* «пахтанинг уруғи» (Ўтил, 2, 365).

қабак «бир хил қовоқ» (Индекс, 339), Қораб. *қабак* «қовоқ». Қиёс: турк *kabak*, озар. *габаг*, туркм. *кәди*, қоз. *асқабак*, ққ. *қабак*, ўзб. *қовоқ* «палак отиб ўсадиган полиз ўсимлиги ва унинг турли шаклларда бўладиган йирик ҳосили» (Ўтил, 2, 591).

қағун «қовун» (Индекс, 360), Қораб. *қағун//қавун* «қовун». Қиёс: турк *kavun*, туркм. *гавун*, қоз. *қауын*, ққ. *қаўын*, ўзб. *қовун* «қовоқ гуллилар оиласига мансуб, ҳосили йирик ва ширин бир йиллик полиз ўсимлиги ва унинг ҳосили» (Ўтил, 2, 591).

17. Қавм-қариндошлиқ тушунчалари ва унга яқин маъноларни ифода этувчи сўзлар:

ана/ҳана «она» (Индекс, 19, 318), Қораб. *ана* «она». Қиёс: турк *ана*, *анне*, озар. *ана*, туркм. *эне*, *эже*, қоз., ққ. *ана*, *шеше*, ўзб. *она* «фарзанди ёки фарзандлари бўлган хотин (ўз туққан фарзандларига нисбатан); болали хотин» (Ўтил, 1, 537).

ана «она» (қарлуқ, туркман) (Индекс, 21), Қораб. *ана* «она». Қиёс: туркм. *ана* диал. «опа», қоз. *ана* 1. опа. 2. она. қ.қ. *ана*, «она». *қыз ана* «опа», ўзб. *она* «бир ота-онадан туғилган фарзандлар ичида ўздан кичикларга (укаларга, сингилларга) нисбатан катта қиз» (Ўтил, 1, 539).

ата/ҳата «ота» (Индекс, 26, 318), Қораб. *ата* «ота». Қиёс: турк *baba* «ота», озар., туркм., қоз., ққ. *ата*, ўзб. *ота* «фарзандли, бола-чақали эр киши (ўз болаларига нисбатан)» (Ўтил, 1, 547).

эр «эр, эр киши, эркак киши, одам» (Индекс, 45), Қораб. *эр//эр* «эр». Қиёс: турк *koca*, *er*, озар., туркм. *эр*, қоз., ққ. *ер*, ўзб. *эр* «эркак жинсига мансуб киши; эркак» (Ўтил, 2, 449).

эркак «эркак» (жинсига кўра) (Индекс, 47), Қораб. *эркак* «эркак». Қиёс: турк *erkek*, озар. *еркак*, туркм. *эркак*, қоз., ққ. *еркак*, ўзб. *эркак* «эр, эр киши, эркак киши, одам» (Ўтил, 1, 450).

эш «эш, ўртоқ, ҳамроҳ» (Индекс, 52), Қораб. *эш//эш* «эш, ўртоқ, ҳамроҳ». Қиёс: турк *arkadaş*, *yoldaş*, озар. *аргадаш*, туркм. *ёлдаш*, қоз. *жолдас*, *серік*, ққ. *жолдас*, ўзб. *эш* «ўртоқ, ҳамдам, йўлдош, шерик» (Ўтил, 2, 457).

балдиз «хотиннинг сингиси» (Индекс, 54), Қораб. *балдыз* «болдиз». Қиёс: турк *baldiz*, озар., туркм., қоз., ққ. *балдыз*, ўзб. *балдиз* «қайинсингил» (поччага нисбатан) (Ўтил, 1, 29).

дәдә «дада, ота» (ўғуз) (Индекс, 87), Қораб. *дә:дә* «дада, ота». Қиёс: озар. *дәдә*, туркм. диал. *дәдә*, ўзб. *дада* «ота, падар» (Ўтил, 1, 205).

ини «ини, ука» (Индекс, 98), Қораб. *ини* «ини, ука». Қиёс: турк *küçük kardeş*, туркм., ққ., ўзб. *ини*, қоз. *ини* «бир ота-она ўғилларидан кичиги» (катта ёшдаги фарзандларга нисбатан) (Ўтил, 1, 328, Ўтил, 2, 270).

йәңгә «янга, катта аканинг хотини» (Индекс, 112), Қораб. *йәңгә* «янга». Қиёс: турк *uenge*, туркм. *гелнеже*, қоз., ққ. *жеңге*, ўзб. *янга* «ука ва сингилга нисбатан аканинг хотини; келинойи» (Ўтил, 2, 482).

йигит «ёш одам, йигит» (Индекс, 132), Қораб. *йигит* «ёш одам, йигит». Қиёс: турк *genç*, туркм., ўзб. *йигит*, қоз. *жигит*, ққ. *жигит*

«жинсий ва жисмоний жиҳатдан вояга етган эркак киши» (Ўтил, 1, 347).

kālin «келин» (Индекс, 153), Қораб. *калын//келын* «келин». Қиёс турк *gelin*, озар. *калин*, туркм. *гелин*, қоз. *келін*, ққ., ўзб. *келин* «янг турмушга чиққан ёки чиқаётган қиз» (Ўтил, 1, 377).

kishi «киши, одам, одамлар» (Индекс, 163), Қораб. *кышы* «киши одам». Қиёс: турк *kisi*, озар., туркм., ўзб. *киши*, қоз. *kisi*, ққ. *kis* «одам, инсон» (Ўтил, 1, 390).

oglan «ёш ўғил бола» (Индекс, 190), Қораб. *оглан* «ёш ўғил бола». Қиёс: турк *oglan*, озар. *оглан*, туркм. *оглан*, ўзб. *ўғлон* «эр бола ўғил фарзанд» (Ўтил, 2, 529).

ogul «ўғил, эр болалар» (Индекс, 191), Қораб. *оғул* «ўғил, эр бола». Қиёс: турк *ogul*, озар. *оғул*, туркм. *огул*, қоз. *ул*, ўзб. *ўғил* «эр жинсидаги бола» (Ўтил, 2, 530).

ogay «ўғай» (Индекс, 192), Қораб. *өгэй* «ўғай». Қиёс: турк *övey*, туркм. *өвей*, қоз., ққ. *өгей*, ўзб. *ўғай* «туғишган эмас» (Ўтил, 2, 493).

sinil «сингил» (Индекс, 225), Қораб. *сыңыл* «сингил». Қиёс: турк *kizkardeş*, *hetşire*, туркм. *уя*, *аял доган*, қоз., ққ. *қарындас*, ўзб. *сингил* «бир ота-онадан туғилган қизларнинг кичиги (опаларига, акаларига нисбатан)» (Ўтил, 2, 50).

tul «тул» (Индекс, 282), Қораб. *тул* «тул». Қиёс: турк *dul: dul kadin*, *dul erkek*, озар., туркм. *дул*, қоз. *тул*, ққ., ўзб. *тул* «эри ёки хотини ўлиб ёлғиз қолган, бева, есир» (Ўтил, 2, 221).

qajin «қайин» (ўғуз) (Индекс, 344), Қораб. *қайын* «қайин». Қиёс: турк *kayin*, озар. *гайын*, туркм. *гайын*, қоз. *қайын ini*, ққ. *қайын*, ўзб. *қайин* «ота», «она», «эгачи», «сингил» сўзлари олдидан келиб, шу сўзлар билан ифодаланган қариндошларнинг эр ёки хотинга қариндошлигини билдиради». (Ўтил, 2, 537).

qarindash «бир қориндан туғилган икки бола» (Индекс, 351), Қораб. *қарындаш* «қариндош». Қиёс: турк *akraba*, туркм. *гарындаш*, қоз. *туыс*, ққ. *туўысқан*, ўзб. *қариндош* «бир авлод-аждогга мансуб бўлган кишиларнинг бири бошқасига нисбатан». (Ўтил, 2, 555).

kiz «қиз» (Индекс, 361), Қораб. *қыйз* «қиз». Қиёс: турк *kiz*, озар., туркм. *гыз*, қоз., ққ. *қыз*, ўзб. *қиз* «балоғат ёшига етмаган аёл». (Ўтил, 2, 570).

18. Уй-жой ҳамда қурилиш ишларига боғлиқ тушунчалар номи: *agil* «оғил, қўй оғил хонаси» (Индекс, 32), Қораб. *ағыл* «оғил». Қиёс: турк *agil*, *ahir*, озар. *ағыл*, *ахур*, туркм. *агыл*, қоз. *қаша*, *қора*,

ққ. қора, ўзб. оғил «уй ҳайвонларини сақлаш ва боқиш учун қурилган махсус бино; молхона, оғилхона» (Ўтил, 1, 562);

эшик «эшик остонаси» (Индекс, 52), Қораб. эшык//эшык «эшик». Қиёс: турк *eşik*, озар., туркм. *гапы*, қоз. *есік*, ққ. *есик*, ўзб. *эшик* «уй, хона, бино ёки ҳовлининг кираверишида ўрнатилган, очиб-билиб туриладиган мослама» (Ўтил, 2, 457).

ин//**јин**//**уја** «ин, уя, қуш уяси, ини» (Индекс, 98, 300), Қораб. и.н//үйә «ин, уя». Қиёс: турк *in*, озар. *һын*, туркм. *хин*, қоз. *ін*, ққ., ўзб. *ин* «қуш, ҳашарот ва ҳайвонларнинг яшаш, бола очиш учун қурган жойи, уя» (Ўтил, 2, 326);

јатиқ «ётоқ» (Индекс, 118), Қораб. *јатақ* «ётоқхона». Қиёс: турк *kopak*, озар. *јатаг*, туркм. *јатак*, қоз., ққ. *жатақ*, ўзб. *ётоқ* «ётадиган жой, ўрин, хона» (Ўтил, 1, 264);

там I том. II уй (Индекс, 245), Қораб. *там* 1. том, 2. уй, хона. Қиёс: турк *dam*, «том», «уй», озар. *дам*, туркм., қоз., ққ. *там*, ўзб. *том* «1. уйнинг, бинонинг устини бекитиб турувчи тепа қисми. 2. уй, ҳовли-жой» (Ўтил, 2, 200);

төр «уйнинг тўри» (Индекс, 279), Қораб. *төр* «тўр, уйнинг тўри». Қиёс: туркм., қоз., ққ. *төр*, ўзб. *тўр* «пойгакдаги жойга нисбатан юқоридаги жой, ҳурматли ўрин» (Ўтил, 2, 253);

у «уй» (Индекс, 310), Қораб. *өй* «уй». Қиёс: турк *ew*, озар. *ев*, туркм. *өй*, қоз., ққ. *үй*, ўзб. *уй* «яшаш учун ёки турли ташкилот, муассаса ва ш.к. жойлашиши учун мўлжалланган бино» (Ўтил, 2, 268);

қшлағ «қишланадиган жой» (Индекс, 367), Қораб. *қышлағ* «қишлоқ». Қиёс: турк *kışlata*, озар. *гышлаг*, туркм. *гышлаг*, қоз. *қыстау*, ққ. *қыслау*, ўзб. *қишлов* «кишилар ёки чорва моллари қишлайдиган, қишда яшайдиган жой» (Ўтил, 2, 589);

элим «елим» (Индекс, 125), Қораб. *йёлым*//*йёлым* «елим». Қиёс: турк *tuğal*, туркм. *елим*, қоз. *желім*, ққ. *желим*, ўзб. *елим* «улаш, бириктириш учун ишлатиладиган ёпишқоқ модда» (Ўтил, 1, 245).

јол «йўл» (Индекс, 135), Қораб. *йол* «йўл». Қиёс: турк *yol*, озар. *јол*, қоз., ққ., *жол*, ўзб. *йўл* «кишилар ёки транспорт қатнаши учун белгиланган узун ер бўлаги» (Ўтил, 1, 352);

кәрпич «кирпич, фишт» (Индекс, 156), Қораб. *кәрпыш*//*кырпыш* «фишт». Қиёс: турк *kerpiç*, озар. *кәрпич*, туркм. *керпич*, қоз. *кірпіш*, ққ., *кербиш*, ўзб. ад. тил *фишт*, ўзб. диал. *кәрпыш*//*кәрвыш* «қолип

¹ «Ўзбек тилининг изоҳли лугати» (1-жилд, М., 1981) да *елим* форс-тожик тилига алоқадор лексик бирлик деб курсатилган.

ёрдамида лойдан тўртбурчак шаклида қуйиладиган қурилиш материалли» (Ўтил, 2, 661);

кэсак «кесак, нарсанинг бўлаги, парчаси» (Индекс, 157), Қораб. *кэсак* «хом ғишт». Қиёс: турк *kesekek*, озар. *кэсак*, туркм., қоз. қ. *кесек*, ўзб. *кесак*, «қотган, қуриган лой бўлаги» (Ўтил, 1, 381);

таш «тош» (Индекс, 253), Қораб. *таш* «тош». Қиёс: турк *таш* озар., туркм. *даш*, қоз., қ. *тас*, ўзб. *тош* «яхлит масса ёки бўлак бўлак ҳолда учрайдиган, сув кор қилмайдиган, қаттиқ, мўрт таш жинсларининг умумий номи» (Ўтил, 2, 209);

тэмур «темир» (Индекс, 260), Қораб. *тэмыр* «темир». Қиёс: турк *demir*, озар. *дэмир*, туркм. *демир*, қоз. *темир*, қ. *темир* «болганганда яссиланадиган, исталган шаклга кирадиган металл» (Ўтил, 2, 158);

қамш «қамиш» (Индекс, 346), Қораб. *қамыш* «қамиш». Қиёс: турк *kamış*, озар., туркм. *гамыш*, қоз., қ. *қамыс*, ўзб. *қамиш* «сувда, ботқоқликда, тўқайзорда ўсадиган бўғим-бўғим узун пояли ўсимлик» (Ўтил, 2, 547);

қум «қум» (чигил) (Индекс, 376), Қораб. *қум* «қум». Қиёс: турк *kit*, озар., туркм. *гум*, қоз. *қум*, қ. *қум*, ўзб. *қум* «қаттиқ минералларнинг, асосан, кварцнинг сочилувчан майда доначалари ва уларнинг тўплами» (Ўтил, 2, 619).

19. Сув хўжалиги билан боғлиқ тушунчалар номи:

кэми//кімі «кема» (ўғуз, қипчоқ) (Индекс, 153,160), Қораб. *кэмэ //қайық* «қайық». Қиёс: турк *gemi*, *kauiik*, озар. *кэми*, туркм. *гэми*, *гайык*, қоз., қ. *кеме*, ўзб. *кема*¹ «сувда сузадиган, юк ташиш, балиқ ови ёки ҳарбий мақсадлар учун белгиланган қурилма» (Ўтил, 1, 378);

көл «кўл» (Индекс, 166), Қораб. *көл* «кўл». Қиёс: турк *göl*, озар., туркм., қоз., қ. *көл*, ўзб. *кўл* «кенг чуқурликда йиғилиб қолган сув, табиий сув ҳавзаси» (Ўтил, 1, 414);

көпрук «кўприк» (Индекс, 168), Қораб. *көпрук* «кўприк». Қиёс: турк *köprü*, озар. *көртү*, туркм. *көпри*, қоз. *көпир*, қ. *көпир*, ўзб. *кўприк* «у қирғоқдан бу қирғоққа ўтиш учун сув, чуқурлик ва ш.к. устига қурилган йўл, иншоот» (Ўтил, 1, 418);

көпук «сув кўпиги» (Индекс, 168), Қораб. *көпук* «сув кўпиги». Қиёс: турк *körük*, озар., туркм. *көпук*, қоз. *көбик*, *көпирік*, қ. *көбик*, ўзб. *кўпик* «маълум сабабларга кўра сувоқликларда ҳосил бўладиган майда пуфакчалардан иборат масса» (Ўтил, 1, 418);

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (1-жилд, 1981) да *кема* форс-тожик тиллари-га хос лексик бирлик деб кўрсатилган — Б. 378.

тәғирман «тегирмон» (Индекс, 258), Қораб. *тәғирман* «тегирмон». Қиёс: турк *degirten*, озар. *gəjirman*, туркм. *degirmen*, *хараз*, қоз. *diirman*, ққ. *дигирман*, ўзб. *тегирмон* «донни янчиб ун қилиш учун мосланган қурилма ва шундай қурилма ўрнатилган бино» (Ўтил, 2, 151);

қудуғ «қудуқ» (Индекс, 374), Қораб. *қудуқ* «қудуқ». Қиёс: турк *kuu*, озар. *guji*, туркм. *guyı*, қоз. *құдық*, ққ. *қудық*, ўзб. *қудуқ* «сув олиш мақсадида қазилган тор ва теран чуқурлик» (Ўтил, 2, 613).

20. Уй-рўзғор буюмлари ҳамда баъзи ҳарбий қурооллар номи:
бичак «пичоқ» (Индекс, 71), Қораб. *пычак* «пичоқ». Қиёс: турк *biçak*, туркм. *пычак*, қоз., ққ. *пышак*, ўзб. *пичоқ* «дастача ўрнатилган ясси ва узун тигли рўзғор асбоби» (Ўтил, 1, 589);

бешик «бешик» (Индекс, 66), Қораб. *бешык* «бешик». Қиёс: турк *beşik*, озар. *бешик*, туркм. *салланчак*, қоз. *бесік*, ққ. *бесик*, ўзб. *бешик* «чақалоқни бела ва тебратиб ухлатиш учун ясалган тўрт оёқли махсус мослама» (Ўтил, 1, 108);

јастуқ «ёстиқ» (Индекс, 118), Қораб. *јастық* «ёстиқ». Қиёс: турк *yastik*, озар. *јастыг*, туркм. *јасык*, қоз., ққ. *жастық*, ўзб. *ёстиқ* «бош остига қўйиб ётиш, ёнбошлаш, суялиш учун ишлатиладиган юмшоқ буюм; болиш» (Ўтил, 1, 263);

јип «ип» (Индекс, 129), Қораб. *йып* «ип». Қиёс: турк *iplik*, озар., ўзб. *ип*, туркм. *йуп*, қоз. *жіп*, ққ. *жип*, ўзб. *ип* «пахта, ипак, зифир, жун ва ш.к. толасидан ингичка қилиб йигирилган тикув, тўқув материали» (Ўтил, 1, 332);

јигна «игна» (Индекс, 134), Қораб. *йигнә* «игна, нина». Қиёс: турк *igne*, озар. *ијнә*, туркм. *иңне*, қоз. *ине*, ққ. *ййне*, ўзб. *игна//нина* «тешигидан ип ўтказиб, нарса тикиладиган, учи найза, ингичка металл асбоб» (Ўтил, 1, 313);

кетмән «кетман» (Индекс, 158), Қораб. *кәтмән* «кетмон». Қиёс: туркм. *кәтмен*, қоз., ққ. *кетпен*, ўзб. *кетмон* «юзи катта, ер чопиш учун ишлатиладиган асбоб» (Ўтил, 382);

кишән «тушов» (Индекс, 163), Қораб. *кышән* «кишан». Қиёс: турк. *bukagi*; *köstek* туркм. *душак*, қоз. *тұсау*, ққ. *тусау*, ўзб. *кишан* «отнинг икки олдинги оёғига солинадиган бўғов, занжир» (Ўтил, 1 389);

ошак «ўчоқ» (Индекс, 188), Қораб. *ожақ* «ўчоқ». Қиёс: турк. *ошак*, озар. *өжаг*, туркм. *ошак*, қоз., ққ. *ошак*, ўзб. *ўчоқ* «одатда уч томонли ёшиқ бўлиб, ичига ўт ёқиладиган, овқат пившириш учун устга қозон ўрнатиладиган қурилма» (Ўтил, 2, 525);

töşäk «тўшак, ўрин» (Индекс, 280), Қораб. *tөшәк* «тўшак». Қиёс: озар. *dөшәк*, туркм. *dүшөк*, қоз., ққ. *tөсөк*, ўзб. *tўшак* «пахта сингари юмшоқ нарса тиқилиб ясалган қалин ўрин-анжоми» (Ўтил, 2, 256);

тузақ «тузоқ, ов арқони» (Индекс, 281), Қораб. *тузақ* «тузоқ ов арқони». Қиёс: турк. *tuzak*, *каран*, озар. *дузаг*, туркм. *дузак*, *тўзақ*, ққ. *дузақ*, ўзб. *тузоқ* «қуш тутиш учун одатда қилдан ясалган сиртмоқли мослама» (Ўтил, 2, 220);

қамчи «қамчи» (Индекс, 347), Қораб. *қамчы* «қамчи». Қиёс: турк. *катси*, озар., туркм. *гамчы*, қоз., ққ., *қамшы*, ўзб. *қамчи* «от-улини уриб юришга ундаш учун ишлатиладиган дастали, кўпинча қайиш тасма шаклидаги асбоб» (Ўтил, 2, 548);

қашуқ «қошиқ» (Индекс, 358), Қораб. *қашық*//*қашуқ* «қошиқ». Қиёс: турк. *kaşik*, озар. *гашыг*, туркм. диал. *гашык*//*кашык* (Тдг, 54), туркм. ад. тил. *чемче*, қоз., ққ. *қасық*, ўзб. *қошиқ* «овқат кейин ичиш ёки ичиш учун ишлатиладиган рўзғор буюми» (Ўтил, 607);

қалқан «қалқон» (Индекс, 346), Қораб. *қалқан* «қалқон». Қиёс: турк. *kalkan*, озар. *галхан*, туркм. *галкан*, қоз., ққ. *қалқан*, ўзб. *қалқан* «қилич, найза ва ш.к. зарбидан сақланиш учун қўлланиладиган ғимоя қуроли» (Ўтил, 2, 547);

қумған «қумғон» (Индекс, 376), Қораб. *қумған* «қумғон». Қиёс: турк. *su güğütü*, озар. *күндүк*, қоз. *құмыра*, ққ. *қуман*//*қумған*, ўзб. *қумғон* «чой қайнатиш учун кўпинча мисдан ясаладиган кўзач шаклидаги идиш» (Ўтил, 2, 620).

қилич «қилич» (Индекс, 363), Қораб. *қылыш* «қилич». Қиёс: турк. *kiliç*, озар. *гылынж*, туркм. *гылыч*, қоз., ққ., *қылыш*, ўзб. *қилич* «битигли, ханжардан узун қурол» (Ўтил, 2, 577);

21. Кийим-кечак ва баъзи тақинчоқ безаклар номи:

биләзук «билагузук» (Индекс, 68), Қораб. *биләкүзүк* «билакузук». Қиёс: турк. *bilezik*, озар. *биләрзик* туркм. *билезик*, қоз. *білезік*, ўзб. *билагузук* «билакка тақиладиган зийнат буюми» (Ўтил, 1, 112);

бөз «бўз» (Индекс, 75), Қораб. *боз* «бўз». Қиёс: турк. *bez*, озар. *без*, туркм. *биз*, қоз., ққ. *бөз*, ўзб. *бўз* «қўл дастгоҳида пахта ипидан тўқилган мато» (Ўтил, 1, 157);

бөрк «бўрк, қалпоқ, бош кийими» (Индекс, 76), Қораб. *бөрк* «бўрк, бош кийими». Қиёс: туркм. *бөрүк*, қоз. *бөрик*, ққ. *борик*, ўзб. *бўрк* «қишлиқ, қалпоқ, телпак» (Ўтил, 1, 165);

јақа «ёқа» (Индекс, 121), Қораб. *јақа* «ёқа». Қиёс: турк. *яка*, туркм. *яка*, қоз., ққ. *жаға*, ўзб. *ёқа* «кийимнинг бўйин ўрни учун очилган қисми ва унга бириктириб тикилган мато» (Ўтил, 1, 265);

яең «енг» (Индекс, 126), Қораб. *йең//йәң* «енг». Қиёс: турк. *уеп*, туркм. *ең*, қоз., ққ. *жең*, ўзб. *енг* «кийимнинг қўлга кийиладиган қисми» (Ўтил, 1, 247);

көн «хом тери, кўн» (Индекс, 168), Қораб. *көн* «кўн». Қиёс: турк. *гөн*, озар. *көн*, туркм. *гөн*, қоз., ққ. *көн*, ўзб. *кўн* «ишланган, пиширилган тери, чарм» (Ўтил, 1, 415);

жун «юнг» (Индекс, 142), Қораб. *йун* «юнг». Қиёс: турк. *уйн*, озар. *јун*, туркм. *йун*, қоз., ққ. *жун*, ўзб. *жун* «хайвонлардан (асосан қўй, эчки ва туядан) қирқиб олинган мўй, юнг» (Ўтил, 1, 291);

тон «тўн» (Индекс, 274), Қораб. *тон* «тўн». Қиёс: озар., туркм. *дон*, қоз. ққ. *тон*, ўзб. *тўн* «олди очиқ узун устки миллий кийим, чопон» (Ўтил, 2, 249);

түгмә «кийимлар боғичи, тугмаси» (Индекс, 291), Қораб. *түгмә*, «тугма». Қиёс: турк. *düğme*, озар. *гүме*, туркм. *илик*, қоз., ққ. *түйме*, ўзб. *тугма* «кийим, ғилоф ва ш.к. нинг четига қадаладиган, одатда тўгарак шаклидаги тутқич» (Ўтил, 1, 217);

чаруқ «чориқ» (Индекс, 322), Қораб. *чарық* «чориқ». Қиёс: озар. *чарыг*, туркм. *чарык*, қоз., ққ. *шарық*, ўзб. *чориқ* «қаттиқ хом теридан тикилган, асосан тоғлиқлар орасида расм бўлган оёқ кийими» (Ўтил, 2, 379);

чит «ола-була гуллари бор чит газлама» (Индекс, 332), Қораб. *чыт*, «чит». Қиёс: озар., туркм., ўзб. *чит*, қоз., ққ. *шыт*, ўзб. *чит* «Пахта толасидан тўқилган мата» (Ўтил, 2, 373).

22. Баъзи табиат ҳодисалари ва фасллар номи:

булт «булут» (Индекс, 78), Қораб. *булыт*, «булут». Қиёс: турк. *bulut*, озар. *булуд*, туркм., ўзб. *булут*, қоз. *бұлт*, ққ. *булыт*, ўзб. *булут* «осмонни қошлаб олган ёки у ер-бу ерда ғуж бўлиб тўпланган сув буғлари» (Ўтил, 1, 148);

яғмур «ёмғир» (Индекс, 123), Қораб. *йағмур* «ёмғир». Қиёс: турк. *yağmur*, озар. *јағмур*, туркм. *яғмыр*, қоз. *жаңбыр*, ққ. *жамғыр*, ўзб. *ёмғир* «булутдан томчи ҳолида тушадиган сув, томчи ҳолидаги ёғин» (Ўтил, 1, 257);

яшил «чақмоқ» (Индекс, 120), Қораб. *йашын* «яшин, чақмоқ». Қиёс: турк. *yıldırım*, озар. *илдырым*, туркм. *йылдырым*, қоз., ққ. *найзағай*, ўзб. *яшин* «самодаги электрнинг бир он ичида илон изи шаклида ёниб чақнаши; чақмоқ» (Ўтил, 2, 491);

жел «шамол» (Индекс, 125), Қораб. *йел*, «ел». Қиёс: турк. *уел*, озар. *јел*, туркм., ўзб. *ел*, қоз., ққ. *жел* «ҳавонинг ер сатҳи бўйлаб ҳаракати» (Ўтил, 1, 245);

йил «йил, вақт (мавсум)» (Индекс, 128), Қораб. *йыл* «йил». Қиёс турк. *yil*, озар. *ил*, туркм. *йыл*, қоз., ққ. *жыл* «ўн икки календар ойига тенг вақт» (Ўтил, 1, 348);

көк «осмон» (Индекс, 165), Қораб. *көк*, «осмон». Қиёс: турк. *gök*, озар., қоз., ққ. *көк*, туркм. *гөк*, ўзб. *кўк* «ер устидаги гумба шаклида кўриниб турган ҳаво қатлами» (Ўтил, 1, 413);

куз «куз, куз фасли» (Индекс, 172), Қораб. *куз*, «куз». Қиёс турк. *güz*, озар. *куз*, туркм. *гўз*, қоз., ққ. *күз*, ўзб. *куз* «ёз билан қиш ўртасидаги фасл» (Ўтил, 1, 402);

туман «туман» (Индекс, 282), Қораб. *туман* «туман». Қиёс турк. *duman*, озар., туркм. *думан*, қоз. *тўман*, ққ. *думан/туман* ўзб. *туман* «атмосферанинг қуйи қатламларида юзага келадиган майда сув зарралари» (Ўтил, 2, 222);

ушик «қаттиқ совуқ» (Индекс, 317), Қораб. *ушык* «қаттиқ совуқ». Қиёс: турк. *ışık*, озар. *ушумөк*, туркм. *үшемек*, қоз. *үсік* «совуқ» *үсу* «совқатмоқ», ққ. *үсик*, ўзб. диал. *ушук* «совуқ» (Ўтил, 2, 289);

қар «қор» (Индекс, 349), Қораб. *қар* «қор». Қиёс: турк. *kar*, озар., туркм. *гар*, қоз., ққ. *қар*, ўзб. *қор* «сув зарраларининг совуқдан бириқиши натижасида юзага келадиган оқ нар шаклидаги ёғин» (Ўтил, 2, 599);

қиш «қиш» (Индекс, 367), Қораб. *қыш* «қиш». Қиёс: турк. *kış*, озар., туркм. *гыш*, қоз., ққ. *қыс* «йилнинг куздан кейин келадиган совуқ фасли» (Ўтил, 2, 589);

Бу хил лексик бирликлар сирасини бошқа соҳалар бўйича ҳам давом эттириш мумкин. Қайд қилиб ўтилган лисоний далиллар шунини кўрсатадики, ўз қатламга оид лексик бирликлар Қорабулоқ шеvasида яхши сақланган ва бугунги кунда ҳам улар шевада фаол ишлатилмоқда. Бу ҳодиса, яъни Қорабулоқ шеvasи лексикасидаги ўз қатлам асосларининг узоқ тарихга бориб тақалишини кўрсатади. Бунга «Девону луғотит турк» асари (XI аср) да қўлланган лексик бирликларнинг ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ, озарбайжон, турк, туркман каби туркий халқлар, уларнинг уруғлари ва қабилалари нутқларида Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари ёзилган вақтдан ҳам илгарироқ мавжуд эканлигига шохид бўлади деган фикрдамыз.

Хуллас, ўзбек тилининг Қорабулоқ шеvasи лексикасида қайд қилинган ўз қатламга оид бу хил муштаракликлар асос эътибори билан умумтуркий тилларнинг, қолаверса, ўзбек тили ва унинг шевалари луғат таркибининг ўзагини ташкил этади¹.

¹ Ҳозирги замон ўзбек тили. — Т., 1957. — Б. 91—95.

ЎЗЛАШМА ҚАТЛАМ

Ўзбек адабий тилида ўзбек халқ шеваларининг у ёки бу лаҳжаларида ишлатилаётган ўзга тиллардан қабул қилинган лексик қатламлар борасида тадқиқот ишлари олиб борилган¹.

Бироқ Қорабулоқ шеvasи лексикасида ишлатилаётган, қорабулоқликлар нутқида ҳар кунги фаол қўлланилаётган бошқа тилларга оид сўз бойлиги ҳақида махсус илмий-текшириш ишлари эълон қилинмаган.

Қорабулоқ шеvasи лексикасидаги ўзга тиллардан қабул қилинган сўзлар ўзбек адабий тили ва унинг бошқа лаҳжаларида учрагани сингари тарихан араб, форс-тожик ҳамда рус тили ва у орқали бошқа тиллардан кирган лексик birlikлар тарзида учрайди.

АРАБЧА ЛУҒАВИЙ ЎЗЛАШМАЛАР

Қорабулоқ шеvasи лексикасида келиб чиқиши жиҳатидан араб тилига хос бўлган лексик birlikлар ҳам мавжуд. Араб тилига оид лексик birlikларнинг шева вакиллари нутқида учраши қадим тарихда туркий халқлар, хусусан, қорабулоқликлар яшаб турган масканнинг араблар томонидан босиб олиниши ҳамда улар томонидан қорабулоқликларнинг араблаштириш сиёсатига маҳкум қилиниши оқибатлари билан узвий боғлиқдир.

Қорабулоқ шеvasи лексикасидаги араб тилига таалуқли бўлган сўзлар «асосан адабий тилимиздаги араб лексик қатламининг ўзидир»². Ҳақиқатан ҳам ҳозирги ўзбек адабий тилида, шунингдек, бошқа туркий тилларда илм, фан, маданият каби турли-туман соҳаларга боғлиқ бўлган юзлаб сўзлар айрим фонетик ўзгаришларга учраган ҳолда шева вакиллари нутқида кенг қўлланилади. Шу билан бир қаторда, Қорабулоқ шеvasида ҳозирги ўзбек адабий тилида

¹ Ҳозирги замон ўзбек тили. — Т., 1957. — Б. 89—108. Бегматов Э. Ўзбек тили лексикасининг ижтимоий-тарихий асослари. // Ўзбек тили лексикологияси. — Т., 1981, — Б. 94—141; Уша муаллиф. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. — Т., 1985 йил; Шейбдурахмонов Ш. Карлукское наречие узбекского языка. — Т., 1983, — С. 124—131; Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари. — Т., 1961. — Б. 140; Мадрохмонов О. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси лексикаси. — Т., 1973. — Б. 46—59; Ҳуснов Э. Жанубий Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. — Т., 1978. — Б. 69—75; Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. — Т., 1983. — Б. 146—152; Сапаров М. Хоразм воҳасидаги туркий тилларнинг ўзаро муносабатлари. — Т., 1988. — Б. 59—66.

² Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари, — Б. 140.

учрамайдиган, учраса-да маъноси жиҳатидан фарқ қиладиган арабча сўзлар ҳам ишлатилади.

Шунга кўра, Қорабулоқ шеvasида қўлланиладиган араб сўзларни икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин:

I. Қорабулоқ шеvasида мавжуд, ammo ўзбек адабий тили ишлатилмайдиган арабча ўзлашмалар. Мазкур гуруҳга мансуб лексик бирликлар унчалик кўп эмас. Уларга қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин: *на: л* («наъл») «тақа», «оёқ кийим ўқиси». Қиёс: туркм. *нал* (Туркмрсл, 469), ққ. *нал* (Кқрсл, 479), тур. *nal* (Рустурсл, 636), тож. *наъл* (Рустажсл, 757) «тақа». Бу лексик бирлик ўзбек шеваларида *нал* (Шимолий Хоразм), *на: л* (Жанубий Хоразм, Қапқадарё), *нал* (Бухоро) кўринишларида қўлланиб, таъмаъносида ишлатилади (Ўзхшл, 191).

ҳидда «эрдан ажраган ёки эри ўлган хотинга ҳомиладорлиги аниқлангунча шариат бўйича эрга тегяш ман қилинган муддат». Мазкур лексик бирлик ҳозирги ўзбек адабий тилида учрамаслиги мумкин. Бироқ тарихий мавзуларга бағишланган, муаллифи араб тилини яхши билган асарларда қайд этилган. Масалан, Абдулло Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романида («... *иддангиз* битиши билан сизга бошқа эр қилишга ихтиёр берсалар керак») учрайди.

дәвәт // *дәвәт* «сиёҳдон». Мазкур лексик бирлик ўзбек адабий тилида тарихий мавзуларда ёзилган асарларда учрайди.

Масалан, Жуманиёз Шариповнинг «Хоразм» романида (... тоқчадаги *доват*, қамиш қалам ва қозоғни олиб, хонтахта устига қўйди) ишлатилган. Қиёс: тож. *доват* (Рустажсл, 1200), туркм. *довәт* (Туркмрсл, 280) «сиёҳдон».

Бу лексик бирлик ўзбек шеваларида *дәвәт* (Хоразм, Жиззах), *дәвәт* (Жанубий Қозоғистон, Тулкибош) кўринишларида (Ўзхшл, 79, Муҳаммадҷонов, 89) қўлланилиб, *сиёҳдон* маъносида ишлатилади.

халыз «қироат қилувчи, қироат билан ўқийдиган мулла». Ўзбек адабий тилида *ҳофиз* «уста ашулачи» (Ўтил, 2,707) Қиёс: туркм. *халыз* (Туркмрсл, 687), тож. *ҳофиз* (Рустажсл, 689) «уста ашулачи».

куллы «хамма, барча». Ўзбек адабий тилида *кулли* лексик бирлиги *куллиёт* сўзи таркибидагина учрайди. Мисол: *Бобур асарлари куллиёти*. Адабий тилда *кулли* ишлатилмайди.

ҳаләк: *ҳаләк болмак* «оввора, сарсон бўлмоқ». Ўзбек адабий тилида *ҳалок*: *ҳалок бўлмоқ* «фожiali равишда ўлмоқ» (Ўтил, 2, 680). Қиёс: туркм. *хеләк* 1. ўлмоқ, 2 қийналмоқ, *сарсон бўлмоқ* (Туркмрсл, 695). озар *һәлак* 1. ўлмоқ, 2. қаттиқ қийналмоқ. (Азрсл, 380), турк *helak olmak* «ўлмоқ» (Рустурсл, 144)

пытна «хасис, зикна». Ўзбек адабий тилида *фитна* «ғаразли миқсадга эришиш йўлида бировни қоралаш учун қилинадиган иширин ҳатти-ҳаракат» (Ўтил, 2,302) ва ш.к.

II. Қорабулоқ шеvasи ва ўзбек адабий тилида муштарак ҳолда қўлланадиган арабча ўзлашма сўзлар. Мазкур гуруҳга мансуб лексик бирликлар юқоридаги гуруҳга қараганда катта ҳажмни ҳосил қилади.

Қорабулоқ шеvasи лексикасидаги форс-тожик тилига хос сўзлар лник нарса ва буюмларни, кундалик ҳаётда зарур бўлган, оғзаки нутқда ҳам, оғзаки ва ёзма адабиётларда ҳам ишлатилган лексик бирликларни ўз ичига олса, араб тилига оид сўзларнинг асосий қисми от (туркуми) шаклида қабул қилинган бўлиб, улар, асосан, мавҳум тушунчаларни ўз ичига олади¹.

Қорабулоқ шеvasи лексикасида истемолда бўлган араб тилига хос лексик бирликларнинг тарқалишини атрофилича ва яққол билиш учун уларни ижтимоий ҳаётнинг турли-туман соҳаларига оид мавзуй гуруҳларга бўлиш мақсадга мувофиқдир. Қорабулоқ шеvasида бундай гуруҳлар қуйидагичадир:

1. **Иyson фаолиятига оид тушунчаларни ифодаловчи сўзлар:** *хайат, сурат, ақыл, хайал, мана, мадар, дова, аманат, лақап, инсан, себёт, сован, сапар, мубарак, ҳадйё, мыйёссёр, ёмыр, хызмат, ҳасыл, харыж, мартёбё, сёвлёт, тэзым, лёл «лаъл», қыммат, жов-хёр, иқбол, хёвёс, ёмёл, вазипа.*

2. **Озиқ-овқат номлари:** *кёван «кабоб», шарап, ёсёл, авқат// овқат, хамыр.*

3. **Қавм-қориндошлик ва унга яқин тушунчалар номи:** *хала, ёммё, ёмёкы.*

4. **Давлат, идора, ҳуқуқ тушунчалари билан алоқадор сўзлар:** *дёлёт, идора, адалат, ёф «афв», ақида, вёзийр, вёкыл, мё:кёмё, зындан, халқ, вётён, жаза, жэмийёт, мэмлэкёт, пытна, хазийна.*

5. **Иморат, қурилишга доир тушунчалар номи:** *бына, макан, имарат, айван, хёвуз.*

6. **Диний тушунчалар ва тасаввурлар номи:** *ёвльйа, ёвлат, ёжинё, ёзё, азан, азрайыл, ёлҳамдылла, ёзём, вёлётызына, вёлйй, пыйр, ҳарам, пайгамбар, пёриштё, жёбрайыл, васвас, арвах, арыш, астапырыл-*

¹ Ҳозирги ўзбек адабий тили. — Т., 1957. — Б. 99. Абдуллаев Ф. А. Ўзбек тили лексикасининг баъзи бир масалаларига доир // А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти асарлари. — Т., 1949. — Китоб. I. — Б. 92. Мадраҳимов О. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси лексикаси. — Б. 42; Бегматов Э. Кўрсатилган асар. — Б. 118—120.

ла, бисмылла, дин, мөчүт, дамылла, жәннәт, закат, зыйарат, ибадат, иман, иптар, каламылла, карамат, кәнән, кәвә, кәвәтһылла, катыр, мөһыт, мөһыт, мәрәкә, мулла, мусулман, мөһын, нәзыр, аллһмиһн, аһырат, рәкәт, рамазан, совап, сәллә, суннат, талақ, паһва, шайтан, қуран, садақа, патһа, әләм «аһлам».

7. Илм-фан, маориф ва маданиятга оид сўзлар: әбжәт, алақ, ариза, дәрәжә, дәрс, дайыра, ылым, мәктәп, марып, мәдрәсә, малыс «муаллим», тәһым, алым, танаһыс, танқит, тәсир, па:л «фаоли қалам, дәптәр, ғазал, әдәп, ыкрам, хат, мәсәл, салам, сәнәт, совап хата, довамаат, жәдвәл, рухсат, хүнәр, ме:нәт, мукаппат.

8. Қолат ва кайфият маһноларини англлатувчи сўзлар: азап, әһыһа аһвал, әсәп, жапа, кәһып, ар, кәһып-сапа, раһат, а:ла «аһло», ил:ам, дәбдәбә, хәһып, рәһ, ҳал, зовқ, рәһым, ғам, машаққат, тақат парағат, хайран.

9. Амал, касб-кор, баъзи белги-хусусият номлари: абдал «дево на, диндор», әбләх, айал, ажайһып, айһар, әмиһн, әһыр, аһмақ, вәкһыл, әсыр, әскәр, баһыл, жынны, жасыс, жаһыл // жайыл, кәсәл, кәст, кәһыл, мусаһыр, муттәм, мөһын, ашық, машық, үлпәт, парраш, хадым, хайһын, қассап, ғарып, ҳатам, мыскын, мулайым, шерык, ғав:вас, халпа, мәс(т), баззаз, хумар, рәһыс, майһып, әһып, зальым, хәсрәт, қас(т), қа:р, азап, жапа, бала «бало», маламаат, муттала, ҳажжыр, жәһбыр, зовал, хонаса, шум, жаза, иғва.

10. Вақт тушунчаларини англлатувчи сўзлар: вақ «вақт», ҳазыр, әһыр, әһырбат, ада «адо», сә:р, мудам, заман, әввәл// өввәл, өвва:ла, әрәпә, дөһыр, замана.

11. Уй-рўзғор буюмлари номлари: қапас, сәдәп, тандыр, супа, арва//арава, сә:т «соат», савуи, қули.

12. Самовий жисмлар, табиат ҳодисалар номи: пәләк, дунһа, шама:т, саба, ҳылап.

13. Ишқ-мухаббат тушунчаларини англлатувчи сўзлар: ишқ, мә:ббәт, хусын, хур, шаһла, ашық, мейһыр, вәдә, вапа, мурат, вәһыл, пыда, пырақ, наз, ысәл, вәһыл, ишвә, ашық-машық, пәрыштә.

Шева лексикасида ишлатиладиган арабча ўзлашмаларнинг лисоний табиати тўғрисида яна қуйидагиларни айтиш мумкин.

Қорақулоқ шеваси лексикасида қўлланган арабча ўзлашмаларнинг ақсарият қисми от туркумига хос бўлиб, улар, асосан мавхум тушунчаларни билдирган. Шева вакиллари нутқида учраган араб тилига хос сўзлар Э.А. Бегматов таъкидлаганидек, «араб тилидан энг кўп таъсирланган форс-тожик тили орқали» ҳам ўзлашган¹.

¹ Бегматов Э. А. Кўрсатилган асар, — Б. 123.

Қорабулоқ шевасидаги баъзи асли арабча сўзлар ўтмишда бевосита араблар билан ўзаро сўзлашув орқали ўтган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бунга ўзбек адабий тилида учрамаган, учраса-да маънода фарқ қиладиган арабча сўзлар мисол бўла олади. Арабча лексик бирликлар ушбу шеванинг фонетик қонуниятларига бўйсундирилгандир.

ФОРС-ТОЖИКЧА ЛУҒАВИЙ ЎЗЛАШМАЛАР

Қорабулоқ шеваси лексикасида маиший турмушга оид нарсаларни, ҳаёт кечириш учун зарур бўлган, кундалик ишларда кўп ишлатиладиган предметларни кўрсатадиган форс-тожик тилларига хос лексик бирликлар ҳам мавжуд. Улар шева сўз бойлигининг салмоқли қисмини эгаллайди.

Қорабулоқ шевасидаги форс-тожик тилига хос лексик бирликлар худди ўзбек адабий тилидаги сингари ўзбекча муқобили билан қўшалок ҳолда ишлатилади: *көк-асман*, *булақ-чашма*, *йапрақ-бөрк*, *бутақ-шах*, *мәңләй-пешана*, *алтын-тылла*, *йайов-пыйада*, *чүмүк-шырын* ва ш. к.

Форс-тожик тилига хос лексик бирликларнинг ўзбек тилига, унинг шеваларига хилма-хил йўллар билан кириб ўрнашиб қолганлиги тўғрисида адабиётларда жуда кўп маълумотлар келтирилган¹.

Қорабулоқ шевасидаги форс-тожикча ўзлашмалар шева сўз бойлигини ривожлантириш, бўйитиш билан бир қаторда сўз маъноларини ажратиш, фарқ қилиш учун ҳам хизмат қилади. Масалан, шевадаги *өй* лексик бирлиги одамларнинг турмуш кечирадиган махсус жойини англатса, форс-тожикча *хона* ва унинг турли лексик бирликлар билан бирикиб ҳосил қилган қўшма шакли бирор мақсад билан бунёд этилган иншоот, қурилма, бинони бил-

¹ Боровков А. К. Таджикско-узбекское двуязычие и вопросы о взаимовлияние таджикского и узбекского языков // Ученые записки Института Востоковедения АН СССР Т. IV, — М. 1952, стр. 165—200; Ҳозирги замон ўзбек тили. — Т., 1957. — Б. 96—98. Решетов В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. — Б. 66. Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари. — Б. 235—248. Ишмаев . Из лексикки узбекских говоров Каракалпакии // Вопросы тюркологии. — Т., 1965. — С. 111—117; Ўша муаллиф. Манғит шеваси лексикаси тарихидан // Ўзбек тили ва адабиёти, — 1960, № 6. — Б. 64—67. Бегматов Э. Форсча-тожикча ўзлашма сўзлар қатлами // Ўзбек тили лексикологияси — Т., 1981. — Б. 94—11; Мадраҳимов О. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси лексикаси. — Б. 46. Юсупов К. Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсири, — Т., 1974.

диради: *аиҳона, чайхона, йатақхона, чошкәхона, оғрыхона, элчи хана, тойхана, қойхана, ағылхана, малхана, каравулхана, йетми хана, одунхана, сама(н)хана, көмырхана, қамақхана, тозуқхана.*

Бундан ташқари ўзбекча *йер* сўзи «жой, ўрин, ер курраси»ни англатаса, форсча-тожикча *зәмин* «асос, туңғоқ»ни билдиради. Ёқ *ағач//йағач* «қурилиш маҳсулоти, ёғоч»ни билдирса, форс-тожик *дарахт* «кўкариб ва ўсиб турган манзарали ҳамда мевали дарахт (ёғоч)ни ифодалайди»¹.

Қорабулоқ шевасининг сўз бойлигини оширишда форс-тожик тилларига хос лексик бирликларнинг ниҳоятда муҳим ўрин эгаллаганлигини қуйидаги мисоллардан ҳам яна бир бор кўришимиз мумкин: *балахана* Қорабулоқ шевасида, шунингдек, ўзбек ва тожик тилларида ҳам кенг истеъмолда ишлатиладиган лексик бирлик. Бу сўз келиб чиқиши жиҳатидан форс-тожик тилига алоқадар бўлиб, *бала* «тепа, уст», *хана* «уй» маъноларини билдиради. Қорабулоқ шевасида, хусусан, ўзбек адабий тилида ҳам *тепа ўй, ўстки ўй* деб юришдан кўра *балахана* (ўзб. ад. тил. *болохона*) сўзини қўллаш, уни ишлатиш анча қулай. Худди шундай фикрларни *чарва* сўзи мисолида ҳам такрорлаш мумкин. Бу лексик бирлик аслида *чаҳар* (чар) «тўрт», *па* «оёқ» сўзларидан иборат бўлиб, тўрт оёқли (ҳайвонлар)лар маъносида кенг қўламда қўлланилади. Форс-тожик тили учун кўшма сўз, Қорабулоқ шеваси ва ўзбек адабий тили учун содда туб сўз ҳисобланган *чарва* (ўзб. ад. тил. чорва) луғат қатламига маҳкам ўрнашиб қолган лексик бирликлардан биридир.

Қорабулоқ шеваси лексикасидаги форс-тожик тилларига оид сўзларни қуйидагича мавзуй гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин.

1. Қорабулоқ шевасида мавжуд, ammo ўзбек адабий тилида учрамайдиган **форсча-тожикча** луғавий бирликлар: *дасмал* «юз-қўл артадиган сочиқ». Форс-тожик *дасмал* «қозон сочиқ, салфетка, рўмол» (Таджрсл, 122). Қиёс: Хоразм ўғуз *дасмал* «қозон ювғич», кўч. м. лаганбардор (О. Мад. 129), туркм. *дасмал* «қўл рўмол», кўч. м. «лаганбардор» (Туркмрсл, 264); *дәстәр* «сут ўлчайдиган асбобнинг қават-қават ҳолда катта қилиб ип ўраб қўйган жойи». Форс-тожик тилида *дастор* «салла» маъносини билдиради. *Салла* ҳам қават-қават турли чит матолардан ясалади. *гүлхәнәк* «пилла курти учун пилла ясайдиган даста сифатида қўйиладиган хушбўй ҳидли ўт, ўсимлик». Форс-тожик тилида ҳам *гулхонак* худди шу маънода ишлатилади; *парваз* «тўсин». Ўзбек адабий тили ва форс-тожик тилида *парвоз* «Осмонга кўтарилиш, учиш»ни билдиради; *пәшмәк*

¹ Ҳозирги замон ўзбек тили. —Т., 1957. —Б. 56.

«пекана, бўйи паст одам». Ўзбек адабий тили ва форс-тожик тилида *пашмак* «ёгда қовурилган ун ва қиёмдан тайёрланган тола-тола маҳаллий ширинлик»ни англатади.

2. Ўзбек адабий тилидагидан шевада шаклан фарқли қўлланиладиган форсча-тожикча лугавий бирликлар:

Бу гуруҳга мансуб форсча-тожикча лексик бирликлар салмоқ ва ҳажм жиҳатидан турли-туман ва хилма-хилдир. Улар шева вакиллари нутқида энг ҳаётий ва зарур ўринни эгалайди. Бу хил форсча-тожикча сўзлар ҳар кун, ҳар соатда ишлатилиладиган аниқ жисмларни ифодалашлари билан ҳам ўзига хосдир.

Мазкур лексик бирликларнинг тузилиши, маъноси ва талаффузига эътибор берилса, улар ўзбек адабий тилидаги тузилиши ва маъносидан бутунлай тафовут этмайди. Кўриниб турган ўзгачаликлар айрим унли ва ундош товушларнинг Қорабулоқ шевасига хос қўлланилишидадир.

Қорабулоқ шеваси лексикасидаги форсча-тожикча ўзлашмаларнинг қўламини аниқ тасаввур этиш учун уларни маълум мавзуй гуруҳларга таснифлаш лозим бўлади. Булар қуйидагилар:

1. Озиқ-овқат номлари: *шәжәр* «шакар», *тухум* «турур», *нан* «нон», *полов* «палов», *шырә* «шира», *новат* «новот», *қант* «қанд», *шор* «шўр», *дүмбә* «думба», *гулаб* «гулоб», *устысан* «суякли гўшт», *дөвзырә* «девзира», *намәкаф* «намақоб», *шорва* «шўрва», *қымыран* «қимрон», *маисхорда* «машқўрда», *пәшмәк* «пашмак».

2. Дарахт ва ўсэмликлар номи: *анар* «анор», *әнжыр* «анжир», *бейы* «беҳи», *бадам* «бодом», *роза* «ғўза», *чынар* «чинор», *лала* «лола», *дарах(т)* «дарахт», *гул* «гул», *тйла* «тиёҳ», *райхан* «райҳон», *мева* «мева», *бадам* «бодом», *кәшныч* «кашнич», *маш* «мош», *нак* «нок», *олхоры* «олхўри», *алча* «олча», *хурма* «хурма», *шафтәли* «шафтоли», *чәп* «чўп», *тут* «тут».

3. Таъна аъзоларининг номи: *пешана* «пешона», *тән* «тан», *хал* «хол», *забан* «тил», *сыйна* «сийна», *кәкыл* «кокил», *ләб//ләп* «лаб».

4. Уй-рўзгор буюмлари номи: *чадыр* «чодир», *халта* «халта», *чарх* «чарх», *пәрда* «парда», *зынжыр* «занжир», *достырхан* «дастурхон», *ишишә* «ишиша», *көзә* «кўза», *бахмал* «дуқоба», *айна* «ойна», *дам* «тузоқ», *зулыф* «зулфин», *таван* «това», *каса* «коса», *кәкыр* «капгир», *мых* «мих», *пыйала* «пиёла», *пайандоз* «пояндоз», *сәвәт* «сават», *сийх* «сих», *тағара* «тоғора», *тәрәзы* «тарози».

5. Белги-хусусият англатувчи сўзлар: *шах* «шў.э», *ашна* «ошно», *ғада* «гадо», *камбағал* «камбағал», *хор* «хўр», *ба:на* «баҳона», *бәләнт* «баланд», *таза* «таза», *дебана* «демона», *пыйада* «пиёда», *бечара* «бечора», *надан* «нодон», «душман», *дәрвәдәр* «дарвадар», *м:от*,

«мард», *намэрт* «номард», *шырын* «ширин», *йа:р* «ёр», *жора* «жўра», *ташна* «ташна», *сэрийэрдан* «саргардон», *эбгар* «абгор», *бэдмэс* «бадмаст», *бэтхэт* «бадхат», *бэңгы* «банги», *гэзэндэ* «газанда», *йетым* «етим», *кэл* «кал», *көр* «кўр», *көсэ* «кўса».

6. Диний тушунча ва тасаввурлар номи: *э:шан* «эшон», *бэндэ* «банда», *пийр* «пир», *пөнд* «панд», *хожа* «хўжа», *жан* «жон», *дозах* «дўзах».

7. Қуш ва паррандалар номи: *тоты* «тўти», *пэр* «пар», *ғораз* «хўроз», *кэптэр* «каптар», *булбул* «булбул», *булбулыгөйя* «булбул-гўё», *лэйлэк* «лайлак».

8. Касб-кор, лавозим ва аман тушунчалари номи: *совдагар* «савдогар», *зэргэр* «заргар», *де:қан* «деққон», *дурадгар* «дурадгор», *қалан-дар* «қаландар», *наввай* «новвой», *патша* «подшо», *гөркөв* «гўрков», *бағман* «боғбон».

9. Уй-жой ва қурилиш тушунчаларини англатувчи сўзлар: *астана* «остона», *жай* «жой», *көчэ* «кўча», *дарваза* «дарвоза», *дөкан* «дўқон», *хана* «хона», *шэ:р* «шаҳар», *ханадан* «хонадон».

10. Вақт тушунчасини ифодаловчи сўзлар: *хэптэ* «хафта», *нама-шам* «номозшом», *чашка* «чошгоҳ», *шам* «шом», *дөвгьр* «давр», *хэрдэм* «ҳар дам».

11. Кийим-кечак номлари: *ромал* «рўмол», *сарпа* «сарпо», *кисэ* «чўнтак», *шайы* «шойи//шоҳи», *астар* «астар», *луңгы* «фартук», *лун-ги», пайтава* «пайтава», *постэк* «пўстак», *постын* «пўстин», *рэпидэ* «рапида».

12. Сабзавот-полиз экинлари номлари: *сөезы* «сабзи», *туруп* «турп», *палыз* «полиз», *пыйаз* «пийёз», *бадраң* «бодиринг», *шалғам* «шолғом», *кэрам* «карам», *дарбыз // дарбус* «тарвуз», *хэндәләк* «хандалак».

13. Бэъзи мақдум тушунчаларини ифода этувчи сўзлар: *сыр* «сир», *арман* «армон», *арзув* «орзу», *умит* «умид», *шад* «шод».

Қорабулоқ шеvasи лексикасида истъёмолда бўлган форсча-тожикча ўзлашма сўзларнинг таҳлиллариядан қуйидаги умумлашмаларга келиш мумкин:

Қадим-қадимдан Турон заминда ёнма-ён ва қўшни бўлган туркий ҳамда форсий забон халқлар вакиллари мазкур худуддаги илк маданий халқлар ҳисобланишган. Улар асрлар силсиласида бир хил жуғрофий ва ижтимоий шароитда яшади. Шу сабабли, бу халқларнинг турмуш ва ҳўжалик ҳаётлари, маданият ва урф-одатлари ўзаро яқинлашди. Бу ҳол туркий тиллардан форс-тожик тилларига, форс-тожик тилларидан туркий тилларга, хусусан, ўзбек тили ва унинг шеваларига қўшлаб лекси с бирликларнинг ўтишига

сабабчи бўлди. Айрим жойларда, масалан Бухоро, Самарқанд, Фарғона каби вилоят ва водийларда ўзбек-тожик, тожик-ўзбек икки тиллиги пайдо бўлди ҳамда ривожланди¹.

Бундан ташқари, ўтмишда форс-тожик адабий тили Турон заминда, кейинчалик Кўқон, Хива хонликлари ва Бухоро амирлиги ҳудудида узоқ вақт расмий тил тарзида хизмат қилади. Давлат-маъмурий ишлари, расмий иш юритиш ҳужжатлари, тарихий-бадий асарлар форс-тожик тилида олиб борилди. Шунингдек, эски мактаб ва мадрасаларда форс-тожик тили ўқитилди. Бу ва бошқа сабаблар туркий миллатларни, жумладан, ўзбекларни мазкур тилни билишга ундаган. Натижада кўпга турли-туман соҳаларга хос форс-тожик сўзлари ўзбек тили ва унинг шеваларига кириб кетган.

Хуллас, Қорабулоқ шеvasи лексикасидаги форсча-тожик ўзлашма лексик бирликлар худди ўз қатламга оид сўзлар сингари шева вакиллари нутқига шу даражада сингиб кетганки, уларни ўз қатнамдан фарқлаш, тафовут этиш кўп машаққатларни юзага келтириши табиий. Ўзбек тилидаги лексик қатламларни махсус тадқиқ этган Э. А. Бегматов тўғри таъкидлаганидек, ўзбек тилидаги форсча-тожикча лексик қатламни ажрата олиш тилшуноздан маълум лингвистик тайёргарликни, илмий малакани талаб қилади. Шу маънода форс-тожик тилига хос сўзларнинг ўзига хос фонетик ва грамматик белгиларини билиш алоҳида аҳамиятга эга².

РУС ТИЛИ ВА У ОРҚАЛИ БОШҚА ТИЛЛАРДАН ЎЗЛАШГАН СЎЗЛАР

Қорабулоқ шеvasи лексикасида рус тили ва у орқали бошқа хорижий тиллардан ўтган лексик бирликларнинг ишлатила бошланиши Чор Россияси томонидан Турон заминни XIX асрда босиб олган даврга бориб боғланади. Рус тили ва у орқали бошқа чет тиллардан ўтган сўзлар ҳажми Октябрь тўнтаришидан кейин, хусусан, якка хўжаликларни тугатиб, жамоа хўжалиklarини — колхоз, совхозларни ташкил топтириш муносабати билан яна ҳам кўпайди. Шева вакиллари нутқига *орыс* «рус», *пылан* «план», *солдат*, *матрос*, *быргат* «бригадир», *зывийнә* «звено», *партыйә* «партия», *сентыр* «центр», *техникә* «техника» каби лексик бирликлар пайдо бўлди.

¹ Боровков А. К. Таджикско-узбекское двуязычие и вопрос о взаимовлиянии таджикского и узбекского языков. — С. 165—200; Юсупов К. Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсири. — Б. 12.

² Бегматов Э. Ўзбек тили лексикасининг ижтимоий-тарихий асослари// Ўзбек тили лексикологияси. — Т., 1981. — Б. 110.

Собиқ Шўро давлатида электрлаштириш муносабати билан *сывет* «свет» (чироқ), *лампа*, *лампышкә*, *ылыктыр* // *ылыктыр черә*, *дизель* «дизель», *патрон*, *пырвад* «провод», *кулучатыл* «выключатель» каби лексик бирликлар ҳам ўзларининг номи билан шева вакиллари нутқида ишлатилди.

Шева вакиллари нутқидаги рус тили ва у орқали бошқа тиллардан қабул қилинган лексик бирликлар таркибини кўздан кечириш, асосан, уларнинг от туркумига оид сўзлардан ташкил топганлигини кўрсатади. Шунингдек, бу лексик бирликлар ҳар кунги ҳаётимизда зарур бўлган нарса ва буюмлар номини, давлат тузуми билан боғлиқ бўлган ҳодисаларни ифодаловчи терминларни ҳам ўз ичига олади: *папарос* «папирос», *сыгәрәт* «сигарет», *кәртишкә*, *адыйал* «одеяло», *чоткә* «щетка», *кәт* // *карават* «кровать» сингари қабул қилинган лексик бирликлар бунга мисол бўла олади.

Қорабулоқ шеваси лексикасида кенг халқ оммаси оғзаки нутқида истъмолда бўлган бир қатор варваризмлар ҳам мавжуд: *хитыр* «хитер» (айёр), *падырайат* «подряд» (қаторасига), *лодыр* «лодыр» (ялқов), *дарошкә* «дорожка» (пояндоз), *опшыжыйт* «общезитие» (ётоқхона), *мушат* // *мышайт* «мешать» (халақит бермоқ), *пырастой* «простой» (содда), *точны* «точно» (аниқ), *тәлкә* «только» (фақат), *серавна* «все равно» (барибир), *пылатынса* «полотенце» (сочик), *қакрас* «какраз» (худди), *любой* «любой» (ҳар қандай), *мажбит* «может быть» (эҳтимол), *зәнит* «завяят» (банд) ва ш. к. Булар адабий тил учун норма ҳисобланмайди.

Қорабулоқ шевасидаги бу хил лексик бирликларнинг мавжудлиги рус тили ва у орқали бошқа тиллардан ўтган сўзларнинг шевага бевосита оғзаки сўзлашув жараёни орқали кўлаб кирганлигини кўрсатади.

Рус тилининг узоқ йиллар давомида Собиқ Шўро давлатининг расмий давлат тили сифатида иш кўриши ва рус тилини яхши билган шахсларнинг ҳар томонлама моддий ҳамда маънавий рағбатлантирилиши ҳам, унинг ўрта мактабларда мажбурий фан сифатида ўқитилиши, шунингдек, олий ва ўрта махсус олий ўқув юрларида таълимнинг, асосан, рус тилида олиб борилиши ҳам рус тили ва у орқали бошқа тиллардан Қорабулоқ шевасига турли лексик бирликларнинг кириб келишига сабабчи бўлган. Бундан ташқари, барча турдаги қишлоқ хўжалиги, техника, тиббиёт соҳалари бўйича яратилган атамалар, соҳа адабиётларининг рус тилида яратилиши ва бошқа тилларга, жумладан, ўзбек тилига таржима қилиниши ҳам русча ва у орқали бошқа тиллардан кирган сўзларнинг адабий тилга, адабий тилдан шеваларга ўтишига са-

бабчи бўлган. Бу жараён ўша даврларда шева лексикасинининг бойишига олиб келган¹.

Дарҳақиқат, ижтимоий ҳаётдаги янги буюм, нарсa номларини билдирадиган жуда кўп лексик бирликлар шева вакиллари нутқида ишлатилди. Жумладан, қишлоқ хўжалигининг янги техника билан таъминланиши туфайли *тырақтыр*-«трактор», *унурсал*-«универсал трактор», *аптабыс*-«автобус», *булдызор*-«бульдозер», *өлесәпыт*-«велосипед», *әкыскыватыр*-«экскаватор», *матор*-«мотор», *пылуқ*-«плуг», *дывыжок*-«движок», *дигытыл*-«двигатель» каби хилма-хил лексик бирликлар шева вакиллари нутқида қўланди.

Рус тили ва у орқали бошқа тиллардан кирган лексик бирликлар ўз-ўзидан шева вакиллари талаффузига мослашиб, бунинг оқибатида русча сўзлардаги айрим унли ва ундош товушлар турлича ўзгаришларга учраган.

Жумладан, Қорабулоқ шеваси лексикасидаги русча ўзлашмалар таркибида қуйидагича фонетик ҳодисалар кузатилади:

1. *протеза* — сўз бошига унли товуш қўшилиши: *истаж*-«стаж», *ыштат*-«штат», *ыштырап*-«штраф», *ырайком*-«райком», *ырапырт*-«рапорт», *ырайсәбәс*-«райсобес», *ыстанса*-«станция», *ыскәмийка*-«скамейка», *исмин*-«смена», *ыспорт*-«спорт», *ыштап*-«штаб», *ышпыйон*-«шпион», *ыспыскә*-«список».

2. *эпентеза* — сўз ўртасига унли товуш орттирилиши: *тырақтыр*-«трактор», *бырақ*-«брак», *кыләй*-«клей», *кувас*-«квас», *пылан*-«план», *қулуп*-«клуб», *карават*-«кровать», *ысқылат*-«склад», *пылаш*-«плашч», *вызнос*-«взнос».

3. *эпитеза* — сўз охирига унли товуш қўшилиши: *ыспыскә*-«список», *бәнкә*-«банк», *сыталба*-«столб», *отпыскә*-«отпуск», *таңқа*-«танк», *пырапыска*-«пропуск», *былаңка*-«бланк».

4. Сўз таркибидаги товушнинг тушиб қолиши: *артис*-«артист», *гәзит*-«газета», *растырат*-«растрата», *инистут*-«институт».

5. Товушларнинг жарангсизланиши: *патынкә*-«ботинок», *каропка*-«каробка», *тырупкә*-«трубка» *әктийп*-«актив», *аптамат*-«автомат», *заххоз*-«завхоз».

¹ Тоталитар даврда ёзилган тадқиқотларда, улар қайси тилда яратилишидан қатъий назар, рус тили ва у орқали бошқа тиллардан ўтган лексик бирликлар маълум бир тилининг энг ижобий кўрсаткичи тарзида бўрттириб кўрсатилиш. Бу ҳақда қаранг. *Исмонлов И. А.* Русско-советская интернациональная лексика в тюркском языке. Автореф. дис ... канд. филол. наук. — М-Л, 1953; *Сарыев Г.* Влияние русского языка на обогащение словарного состава туркменского языка: Автореф. дис ... канд. филол. наук. — Баку, 1954. — 19 с.; *Шоабдурахмонов Ш.* Узбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. — Б. 222—223; *Мадраҳимов О.* Узбек тилининг ўғуз лаҳжаси лексикаси. — Б. 60—76; *Бегмагов Э.* Русча-интернационал ўзлашма сўзлар қатлами//Узбек тил. лексикологияси. — Б.124—140.

6. Товушнинг бошқа шаклга ўтиши: *падбол*-«футбол», *пупайка*-«фуфайка», *пасон* «фасон», *пабрыкә*-«фабрика», *паньис*-«фонус», *пызув*-«ФЗУ».

«Русча сўзларнинг фонетик ўзгаришлар билан талаффуз этилиши шевада абадий қолиб кетадиган хусусиёт эмас, даврлар ўтиши билан бу фонетик фарқлар йўқола боради¹» деган фикр-мулоҳазалар адабиётларда қайд этилган.

Дарҳақиқат, *парта*, *папка*, *парник*, *норма*, *сорт*, *азот*, *запас*, *тонна* сингари бир қатор рус тили ва у орқали бошқа тиллардан қабул қилинган лексик бирликлар ўзбек адабий тилидаги сингари Қорабулоқ шеvasида ҳам ҳеч қандай фонетик ўзгаришларга учрамай истеъмол қилинмоқда.

Қорабулоқ шеvasида рус тили ва у орқали бошқа тиллардан қабул қилинган лексик бирликлар шева вакиллари кундалик ҳаётининг деярли барча соҳаларида ишлатилмоқда. Бу сўзларни қуйидаги мавзуй гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. **Кийим-кечак номлари:** *пупайкә*-«фуфайка», *шәпкә*-«шапка», *патынкә*-«ботинок», *пальтон*-«пальто», *қастум*-«костюм», *бәтис*-«батист», *сәтийн*-«сатин», *наский*-«носки», *жемпыр*-«жемпер», *пылаш*-«плашч».

2. **Қишлоқ хўжалигига оид сўзлар:** *техникә*-«техника», *аграном*-«агроном», *затехник*-«зоотехник», *тәбылчы*-«табельщик», *пылаң*-«план», *сентыр*-«центнер», *быргат*-«бригадир», *гыктар*-«гектар», *ысклат*-«склад», *завут*-«завод», *унурсал*-«универсал трактор», *кәпырәтин*-«кооператив», *мьханнык*-«механик», *чийкәнкә*-«чеканка», *падбор*-«подбор» (пахта териш машинаси туширган пахталарни териш), *сушилкә*-«сушилка» (пахта қуритадиган мослама) *дус*-«дуст».

3. **Уй-рўзгор буюмлари номи:** *адйал*-«одеяло», *кәрәват*-«кровать», *устәл*-«стол», *ышкан*-«шкаф», *дорожка*-«дорожка» *курушкә*-«кружка», *тәлинкә*-«тарелка», *термыс*-«термос», *пыләк*-«фляга», *чаньк*-«чойнак», *самавар*-«самовар», *румкә*-«рюмка», *тилпун*-«телефон», *лампышкә*-«лампочка», *баңка*-«банка», *каструл*-«кастрюлька», *паньис*-«фонус» *туплы*-«туфли», *жаланка*-«жилетка».

4. **Ижтимоий-сиёсий ва маъмурий бошқарувга оид сўзлар:** *әктив*-«актив», *район*-«район», *өгьтатыр*-«агитатор», *депутат*-«депутат», *заксөз*-«заксоз», *уданнык*-«ударный», *райком*-«райком», *мылийса*-«милиция», *әддықадыр*-«отдел кадров».

¹ Шадав А. Манғит шеvasида рус тилидан ўзга тирилган сўзлар // Адабиётшунослик ва тилишунослик масалалари. — Т., 1961. — Т. 3. — Б. 373.

5. **Озиқ-овқат номлари:** макрон-«макарон», кэртишкэ-«картофель», шампан-«шампанское вино», вийна-«вино», белкэ-«булка», печийнэ-«печенье», кампыт-«конфета», шақлат-«шоколад», марожний-«мороженое».

6. **Ҳарбий соҳага оид сўзлар:** эрмый-«армия», аптамат-«автомат», пысталет-«пистолет», камандир-«командир», пыронт-«фронт», ордин-«орден», госпытыл-«госпиталь», акон-«окоп», рэкиит-«ракета», палавой пошта-«полевая почта», ызначок-«значок», пылоткэ-«пилотка», самалот-«самолёт», верталот-«верталёт», номыр-«номер».

7. **Мадааний оқартув, мактаб-маориф соҳалари билан боғлиқ сўзлар:** кулуп-«клуб», кина-«кино», эртис-«артист», гэзит-«газета», важа-тый-«вожатый», сэкратар-«секретарь», дырыктыр-«директор», даска-«доска», ручкэ-«ручка», чийсла-«число», духтыр-«доктор», шыпырыс-«шприц», пырыздум-«президиум», инстут-«институт», тыйатыр-«театр», папкэ-«папка», точкэ-«точка» (нуқта), порма-«форма», опускэ-«отпуска», рэдий-«радио», кэнсырт-«концерт», сирк-«цирк».

8. **Транспорт, алоқа ва қурилишга оид сўзлар:** парохот-«пороход», машин-«машина», лөккэвой-«легковой», воқзал-«вокзал», пайыз-«поезд», лоччик-«летчик» (учувчи), аптавыз-«автобус», матасакыл-«мотоцикл», вэлэсэпит-«велосипед», эдырыс-«адрес», посылкэ-«посылка», пошта-«почта», вагын-«вагон», кэнвырт-«конверт», пыраран-«пророб», панар-«фанер», патпискэ-«подписка» (обуна), кыптанса-«квитанция», жоннал-«журнал».

Бу хил мисолларни яна бошқа соҳалар бўйича ҳам кўшлаб келтириш мумкин. Негаки, рус тили ва у орқали бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар ўзбек адабий тилидаги сингари Қорабулоқ шева-си вакиллари нутқида жуда ҳам кўп.

Рус тили ва у орқали бошқа тиллардан қабул қилинган лексик бирликлар шева вакиллари нутқида ўзбек адабий тили орқали, қозоқ адабий тили орқали (радио, телевидение, газета, журнал, мактаблар воситаси билан) шунингдек, шева вакиллари билан бирга ишлаётган русий забон фуқароларнинг жонли тили орқали кирган ва кириб келмоқда.

Шева вакиллари нутқидаги мазкур лексик бирликларнинг истеъмол этилишига назар ташланса, Аҳмад Ишаевнинг «рус тилидаги истаган ҳар қандай сўз шевага кира бермайди, фақат эҳтиёж учун зарур бўлган, шеванинг луғат таркибида тулғун туркий муқобили бўлмаган сўзларгина кириб ўзлашади»¹, — деган қараши Қорабулоқ шеваси учун ҳам мақбул фикрлигига ишонч ҳосил қиламиз.

¹ Ишаев А. Мангит шевасида рус тилидан ўзлаштирилган сўзлар // Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. — Т., 1961. — Китоб 3. — Б. 364.

ҚОРАБУЛОҚ ШЕВАСИДА СЎЗЛАРНИНГ ШАКЛ ВА МАЪНО МУНОСАБАТИГА КЎРА ТУРЛАРИ

Ўзбек тилининг Қорабулоқ шеваси бошқа ҳудудий лаҳжалар каби ўзига хос лексик-семантик ва услубий хусусиятларга эгадир. У Қозоғистон Республикаси ҳудудида жойлашганлиги учун ҳам ўзининг лисоний жиҳатдан фарқли хусусиятлари билан бошқа ўзбек шеваларидан, қолаверса, ўзбек адабий тилидан фарқланиб туради¹.

Қуйида Қорабулоқ шеваси лексикасидаги сўзлар шакл ва маъно муносабатига кўра кўп маъноли сўзлар, синонимлар, антонимлар, омонимларга бўлиб таҳлил қилинади.

1. КЎП МАЪНОЛИ СЎЗЛАР

Бир сўзнинг бирдан ортиқ лексик маъноларга эгалитига тилшуносликда полисемия² ҳодисаси сифатида қаралади.

Қорабулоқ шеваси лексикасида ҳам кўп маъноли сўзлар турлитумандир. Маълумки, кўпгина сўзлар аввало бир маъноли, яъни моносемантик ҳолда яратилиб, кейинчалик баъзи сўзларга янги маънолар юкланади. Бунинг натижасида улар кўп маъноли сўзларга

¹ Қозоқ тилига муносабат ўрганилган қисмда ҳам бу ҳақда фикр билдирилган.

² Полисемия ҳодисаси тилшуносликда атрофлича ўрганилган. Бу ҳақда қаранг: Звягинцев В. А. Семасиология. — М., 1957; Шмелов Д. Н. Очерки по семасиологии русского языка. — М., 1964; Реформатский А. А. Введение в языкознание. — М., 1967; Ахманова О. С. Очерки по общей и русской лексикологии — М., 1957; Мусабоев Г. Г. Современный казахский язык. Ч. 1. Лексика. — Алма-Ата, 1959; Аликулов Т. Полисемия существительных в узбекском языке: Автореф. дис ... канд. филол. наук. — Т., 1966; Турсунов У., Мухторов Ж. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. — Т., 1966; Азизов О. Тилшуносликка кириш. — Т., 1963; Юнусалiev Б. М. Киргизская лексикология. Ч. 1. — Фрунзе, 1959; Жафаров С. Д. Муесир азарбайжан дилинин лексикаси. — Баку, 1959; Азимов П. А. Ҳозирки заман туркмен дили. Лексика. — Ашгабат, 1959; Бердимуратов Е. Ҳозирги заман қорақалшақ тилинин лексикологияси. Некис, 1918; Миртожiev М. Ўзбек тилида полисемия. — Т., 1975; Ўзбек тили лексикологияи. — Т., 1981.

айланишади. Бироқ, бундай маънолар бир-бирлари билан ўзаро боғлиқ бўлади¹. Масалан, *қонмоқ* ўзбек адабий тилида «учишдан тўхтаб ерга ёки бирор нарса устига ўтирмақ, тушмоқ» (Ўтил, 2, 637) маъносини билдиради. Қорабулоқ шеvasида *қонмоқ* «ётмоқ, тунамоқ» маъноларини ҳам англатади. Бу маъно биринчи маънодан урчиган. Шевадаги *қонақ* 1. мўлжалланган ер, тунаш керак бўлган жой. 2. «меҳмон», *қонақ хона* «меҳмонхона» сўзлари маънолари ҳам *қонмақ* феълидан ясалган сўзлардир. Оғлыма *қыз қондым* «ўғлимга қиз унаштирдим» бирикмасидаги «қыз қонмоқ» ҳам *қонмоқ* феъли асосида юзага келган. Яъни ўғил учун қиз қидириб, излаб маълум, бир қизни танлаш, ўша қиз устида тўхташ маънолари англашилади. Ёки бўлмаса ўзбек адабий тилида, Қорабулоқ шеvasида *ағырайақ* «оғир оёқ» сўзининг дастлабки маъноси «оёғини кўтариб босишда қийналадиган шахс»ни билдирган. Бу маъно «қомилдор, бўғоз» маъноларини ҳам маъно кўчиши асосида ифода эта бошлади. Қорабулоқ шеvasида булардан ташқари учинчи маъно «қувватсизлик, хорғинлик»ни ҳам *ағырайақ* англатади: Көп *чаллар*, кәмпырлар *ағыр айақ* боп қарган «Кўп чоллар, кампырлар қувватсиз бўлиб қолишган. Учала маъно ҳам ўзаро маъно занжирлари билан бир-бирига боғлиқдир. *епкын//өпкын*. Қорабулоқ шеvasида «руҳий таъсир» маъносини билдиради. Бу таъсир ташқи томондан берилади. Мана шу маъно урчиб, у «шамол, енгил шабада» маъносини ҳам англата бошлаган. Сувың *епкыны//өпкыны* йақымлы боладығу. Бу маънолар ўзбек адабий тилида ҳам бор: *эпкин* «салмоқ, залвор, силтов» (Ўтил, 2, 448). Бирор шахс ўз ютуқларидан гердайиб, мағрурланиб кетса, шевада Қаратай *өпкынлән* кәтыптығу «Қоратой гердайиб кетибди-ку» дейилади. *ынтылақ* араб тилига хос бўлган бу лексик бирликнинг дастлабки маъноси «тоғув, иттифок»дир (Ўтил, 1, 339). Ўзбек-қазақ *ынтылақмыз*. Унинг иккинчи маъноси «дўст, ошна, оғайни». Эски душман *ынтылақ* олмас «Эски душман дўст бўлмас». Бу маънолар бир-бирлари билан узвий боғлиқдир. Қуйида келтирилган лексик бирликларнинг маънолари ҳам ўзаро узвий боғлиқлигини пайқаш мумкин. *айақ* 1. оёқ. 2. охир, натижа, ниҳояси. *Қошқартай ишны айақлатты*. 3. етмоқ, қошламоқ (сув ҳақида) *сув қа:ғунлықны айақлады*. 4. Ана у томон. *Айақта йурысағу. ала*. 1. Оқ-қора рангли *ала сығыр*; 2. сийрак, қалин эмас. *ала шыққан пыйаз*; 3. Чала пш ган ош. *А:ш ала оптығу*.

¹ Потебня А. А. Из записок по русской грамматике. М., 1948. — Б. 34; Мртзов М. Ўзбек тилида полисемия. — Т., 1975. — Б. 112.

бойламақ 1. Сувнинг чуқурлигини аниқлаш усули (Бутун гавд билан сувга тушиб, қўлини кўтариб чуқурликни аниқлаш). *Сувни бойладым, чонқырэкэн.* 2. Қирғоқ четидан юрмоқ. *Арысны бойла кэтты.*

ботқа 1. Овқатнинг бир тури. 2. Ўта с миз одам. *Ботқада сэмрыпсағу.*

дыбыш. 1. Инграган овоз товуш; 2. Хабар, овоза.

эшэк 1. ҳайвоннинг бир тури. 2. Чаён. 3. Деворни уриш в суваш учун ишлатиладиган мослама.

Қорабулоқ шевасида ишлатиладиган сўзлардаги кўп маъноликнинг юзага келишида, асосан, кўчма маъно етакчилик қилади. Бунга юқорида келтирилган сўзларнинг лексик маънолари мисол бўла олади.

Булардан ташқари Қорабулоқ шеваси лексикасидаги кўп маъноликнинг юзага келишида, қозоқ тилидаги лексик бирликлар маъноларининг қорабулоқликлар нутқиға ўтиши ҳам катта ўрин тутганлигини кўриш мумкин.

азамат 1. баҳодир, бақувват. 2. фуқаро (гражданин). Қорабулоқ шевасига иккинчи-фуқаро маъноси қозоқ тилидан ўтган.

байлам 1. боғлам. Быр байлам гүл 2. хулоса. Мөжлысың байламыны айт. *байлам* лексик бирлигининг «хулоса» маъноси қозоқ тилидан ўтган.

байланыш 1. боғланиш. 2. алоқа. Мазкур лексик бирликнинг «алоқа» маъноси қозоқ тилидан кирган.

овқат 1. емиш, таом. 2. ҳол-аҳвол, ҳолат (рус состояние), «моддий жиҳатдан таъминланганлик». Иккинчи маъно шеваға қозоқ тилидан ўтган.

бастырма. 1. тўрт томони ёки икки ёни ва олди очик қурилма. 2. устки кийим тугмаси. Иккинчи маъно қозоқ тилидан ўтган. Қуйида келтирилган лексик бирликларнинг ҳам 2-маънолари қозоқ тилидан қабул қилинган.

бай 1. бой-бадавлат. 2. Эр, хотин кишининг турмуш ўртоғи.

э(е)р 1. эр киши. 2. қаҳрамон.

жайдары 1. маҳаллий, хонаки. 2. қувноқ, шўх-шодон.

мырза. 1. бой-бадавлат, жаноб. 2. сахий, саховатли.

тамақ 1. томоқ. 2. овқат.

Бундай кўп маъноли сўзларға шевадан яна бир қанча мисолларни келтириш мумкин.

Демак, Қорабулоқ шевасида сўзлардаги кўп маънолилик куйидаги асосларға кўра пайдо бўлган:

1. Сўз маъноларининг кўчиши натижасида.
2. Муштарак лисоний бирликлард қозоқча луғавий маъносининг шевага ўтиши асосида.

МАЪНОСИ СЎЗНИНГ АДАБИЙ ТИЛДАГИ МАЪНОСИДАН ҚИСМАН ФАРҚЛАНУВЧИ ЛУҒАВИЙ БИРЛИКЛАР

Қорабулоқ шеваси лексикасидаги сўзларнинг лексик маънолари ўзбек адабий тилига нисбатан қиёсий ўрганилар экан, улар ўртасидаги узвийликлар, муштаракликлар, ўзига хосликлар, маънолардаги фарқлар хилма-хиллиги диққатни ўзига жалб қилади. Улар орасида ўзбек адабий тилидан маъно жиҳатдан фарқ қилувчи лексик бирликлар ўзларининг салмоғи ва қизиқарлилиги билан ажралиб туради. Қорабулоқ шевасида *чылым* бугунги кун нуқтаи назаридан «чекиш учун ичига тамаки тикилган қоғоз найча, папирос» ни билдиради. Хоразм ўғузларида ҳам худди шундай. Бу лексик бирлик қорақалпоқ, қозоқ (*шылым*, Казрсл, 399, Ккрсл, 748) туркман (*чилиш*, Туркмрсл, 732) тилларида ҳам у «папирос» маъносида ишлатилади. Ўзбек адабий тилида *чилиш* «сархонасига тамаки солиб найи орқали чекиладиган, кўпинча қовоқдан ясалган чекув асбоби» (Ўтил, 2, 368)ни билдиради. Қорабулоқлик ўзбекларнинг ота-боболари, хоразмлик ўғуз ўзбеклар, қозоқ, туркман, қорақалпоқларнинг ота-боболари ва бобокалонлари ҳам *чылым* (*шылым*) чекишган. Улар бу сўзни ишлатишганда кўз олдиларига ўзбек адабий тилидаги асбоб келган. Турли-туман сигарет ва папирослар пайдо бўлгач, эски *чилиш* қўлланишдан қолган ва унинг номи папирос ва сигаретларни билдирадиган бўлиб қолган.

Қорабулоқ шевасида *қайтиш* «ўлим, вафот» маъноларини билдиради. Инсон туғилганда дунёга келади, вафот этгач, нариги дунёга қайтади. Ўзбек адабий тилида *қайтиш* «келган ёки келаётган томонига йўналмоқ, юрмоқ; айланиб дастлабки ерига келмоқ» (Ўтил, 2, 542) маъносини беради. Шевадаги *қайтиш* адабий тилдаги қайтиш билан боғлиқ.

Маъно жиҳатдан ана шундай қисман фарқ иладиган лексик бирликларга қуйидагиларни киритиш мумкин: **Қораб. өзән** «катта ариқ, анҳор». Ўзб. ад. тил. ўзан-«сув оқиб ўтадиган узун чуқурлик, сув йўли» (Ўтил, 2, 495). Қорабулоқ шевасида *өзән* баъзан дарё маъносида ҳам қўлланилади. Бизнингча, бу маъно қозоқ тили

нинг таъсири билан юзага келган бўлиши мумкин. Қиёс: қозоқ *өзен* «дарё» (Казрсл, 493), Туркистон шеvasида *өзэн* «катта ариқ, анҳор» (Муҳаммаджонов, 136). Бу сўзнинг тил тарихи ёдгорликларидagi маъноси ҳам ўзбек адабий тилидаги сингари: *өзэн* «сувнинг оқар ўрни» (Аттуҳфа, 237); Қораб. *пайқамоқ* «эҳтиёт бўлмоқ, хушёр бўлмоқ», «кузатмоқ, сезмоқ». Ўзб. ад. тил. *пайқамоқ* «ҳис қилмоқ, сезмоқ, билмоқ», «маъносини англамоқ, уқмоқ, тушунмоқ» (Ўтил, 1, 568); Қораб. *кўжун* «аҳлат, супуринди», ўзб. ад. тил. *кўжун* «қаттиқ жисмнинг майдаланган зарралари, порошок» (Ўтил, 1, 403); Қораб. *оймақ* «ерни чопмоқ», ўзб. ад. тил. *уймоқ* «бирор нарса билан ковлаб чуқур ҳосил қилмоқ, ковламоқ» (Ўтил, 2, 499); қиёс: *оймақ* «ер чопмоқ» (Сайрам-Ўзхшл, 201), қозоқ *ою* «чуқур ҳосил қилмоқ, ковламоқ» (Казрсл, 267); Қораб. *палак* «барг, япроқ», ўзб. ад. тил. *палак* «қовун, бодринг ва ш. к. ўсимликларининг ерда ёйилиб ўсадиган тана, шох ва барглари» (Ўтил, 1, 568); Қораб. *чоп* «пичан, хашак», ўзб. ад. тил. *чўп* «новда, шох бўлаги; ингичка узун тараша, ёғоч парчаси» (Ўтил, 2, 387). Ўзбек адабий тилидаги фразеологик бирикмаларда («қўй оғзидан чўп олмаган») *чўп* «хашак, ўт-пичан» маъносида ишлатилганлигини кузатиш мумкин. Қиёс: *чоп* (Ўзган, Чимкент) «пичан, хашак» (Ўзхшл, 305), *чоп* (Хоразм ўғуз): *чопбэнт* «арава, от, эшак, мол-қўй ўтмаслик учун қилинган тўсиқ» (Хш, 99), қозоқ, ққ *шоп* «ўт-хашак» (Казрсл, 404; Ккрсл, 741); Қораб. *тығ* «ўткир», ўзб. адаб. тил. *тығ* 1. «қилич, ханжар, пичоқ, найза каби совуқ қуролларнинг умумий номи» 2. кесувчи асбоб, қурол-яроғ ва ш. к. нинг кескир қирраси, дами» (Ўтил, 2, 192); Қораб. *торсаймақ* «қайғуга тушмоқ», «ортиқ қийналмоқ», ўзб. ад. тил. *тўрсдймоқ* «қовоқ солмоқ, тумтаймоқ» (Ўтил, 1, 253); Қораб. *узақламоқ* «кечикмоқ, кечга қолмоқ», ўзб. ад. тил. *узоқламоқ* «анча нарига кетиб қолмоқ, йироқлашмоқ» (Ўтил, 267); Қораб. *чивин* «ёзда жуда кўпайиб кетадиган қўш парда (қора) қанотли ҳашорат», ўзб. ад. тил. *чивин* «икки қанотли, узун мўйловли қон сўрувчи майда ҳашорат» (Ўтил, 2, 365), Қиёс: *чъбн/чъвн* (Бухоро), *чу:ун* (Шаҳрисабз), *чувин* (Хоразм ўғуз), *чибин* (Шим. Хоразм) (Ўзхшл, 302), қозоқ, ққ *шыбын* (рус. муха, Казрсл. 398, (Ккрсл, 745); Қораб. *ылас* «олча», ўзб. ад. тил. *гилос* «олчага ўхшаш дарахт ва унинг олчадан кўра йирикроқ ширин меваси» (Ўтил, 1, 190); Қораб. *йықмақ* «очмоқ, йўналтирмоқ» (Баққа сув *йықтым* «Боғга сув очдим»), «йиқитмоқ, ағдармоқ», ўзб. ад. тил. *йиқмоқ* «куч билан қулатмоқ, куч билан ерга ётқизмоқ» (Ўтил, 1, 350), Қораб. *кәсә* «сопол товоқ», ўзб. ад. тил. *кәсә* «пиёладан каттароқ,

асосан, суюқлик ва суюқ овқат солиб ичиш учун ишлатиладиган идиш» (Ўтил, 1, 399); Қиёс: *каса* (Хоразм ўғуз) «пиёла», туркм. *кәсе* «пиёла» (Туркмрсл, 426), қозоқ, ққ *кесе* «пиёла» (Қазрсл, 208, Ккрсл, 316); Қораб. *қидирмақ* «йўқламоқ, суриштирмоқ», ўзб. ад. тил. *қидирмоқ* «топиш учун уринмоқ, топишга ҳаракат қилмоқ». Қиёс: Хоразм ўғуз *қидирмақ* «сайр-саёҳат қилмоқ» (Хш, 60); Қораб. *қондақ* «қўлтиқ таёқ», ўзб. ад. тил. *қўндоқ* «мигтик, автомат, қўл пулемёти ва ш. к. қуролларнинг барча қисмларини тутиб турадиган ҳамда отганда елкага тираб туриладиган қисми», Қораб. *қонмоқ* «ётмоқ, тунамоқ», ўзб. ад. тил. *қўнмоқ* «Учишдан тўхтаб ерга ёки бирор нарсага ўтирмоқ, тушмоқ» (Ўтил, 2, 637); Қораб. *қуллуқ* «бош урмоқ, узр сўрамоқ, кечирим сўрамоқ», ўзб. ад. тил. *қуллуқ* миннатдорчилик ифодаловчи сўз; раҳмат, миннатдорман (Ўтил, 2, 616); Қораб. *орда* «илон ёки чумолилар уяси», ўзб. ад. тил. *ўрда* «бир неча қабиллага мансуб уруғ-аймоқларнинг йиғилиши, йиғини; Қиёс: орду «ер остидаги ҳайвонларнинг ини» (МК, 1, 145); Қораб. *өгүрмәк*// *өгырмәк* «елшимоқ, тозаламоқ». Буғдойны галвурда *өгүрмәк*¹. «Буғдойни галвирда тозалаш». Ўзб. ад. тил. *ўгирмоқ* «Бирор томонга қаратмоқ, бурмоқ» (Ўтил, 2, 494)²

Қораб. *пайламақ* «мўлжалламоқ, нишонга олмоқ», ўзб. ад. тил. *пойламоқ* «бирор кимса ёки нарсанинг келишини кутиш», «қўриқлаш» (Ўтил, 1, 595); Қораб. *сырт* «чет, чекка», «ташқари», яқинлаша олмаслик», ўзб. ад. тил. *сирт* «нарсаларнинг ташқи томони, ташқи юзи» (Ўтил, 2, 56); Қораб. *торғай* «чумчуқ», ўз. ад. тил. *тўрғай* «чумчуқсимонлар туркумининг бир оиласига мансуб кичкина сайроқи қушларнинг умумий номи» (Ўтил, 254); Қораб. *чағыштырмақ* «аралаштирмоқ», ўзб. ад. тил. *чоғиштирмоқ* «бир предмет, воқеа-ҳодиса, белги ва ш. к. ни бошқаси билан ўзаро таққослаб кўрмоқ, қиёсламоқ, солиштирмоқ» (Ўтил, 1, 380). Қиёс: *чақыштырмақ*//*чағиштирмоқ* (Туркистон) «аралаштирмоқ» (Мухаммаджонов, 168); Қораб. *жаз* «гўшт-ёғ», «гўшт», ўзб. ад. тил. *жаз* «тўғралган, тўғрамча гўшт» (Ўтил, 1, 270). Қиёс: *жаз* (Қорноқ) «гўшт, ёғ, мошхўрда учун ёққа қовурилган пиёз» (О. Мад., 134); Қораб., Хоразм ўғуз *истамәк* «соғинмоқ» (О. Мад. 139), ўзб. ад. тил. *истамоқ* «хоҳламоқ» (Ўтил, 1, 337); Қораб. *лунги* «матодан ишланган фартук», ўзб. ад. тил. *лунги* «ҳаммомга кирганда белдан пасти беркитиш учун боғланадиган мато» (Ўтил, 1, 436). Бу лек-

¹ Буғдой тозаланганда у бир томондан иккинчи томонга ағдарилади. Агар у шамолда тозаланса, тепадан пастига туширилади. Шамол чанг ва бошқа хас-хашакларни учириб кетади.

сик бирлик шеваларда «сочик, пиёла сочик» (Ўтил, 1, 436), «ювгичлар киядиган махсус қўлқоп», «катта иштон» (Ўзхшл, 174) маъноларида ҳам ишлатилади.

2. СИНОНИМЛАР

Қорабулоқ шевасида бирдан зиёд сўзларнинг маъноларидаги мавжуд бўлган муштарақликка, бир хилликка эга бўлган тил ҳодисаси бўлган синонимлар¹ ҳам мавжуд.

Шевада синонимлар қорабулоқликлар нутқидаги маъноларни ўзаро аниқ, лўнда, яққол ва тушунарли ифода қилишда муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Уларнинг пайдо бўлиши худди ўзбек адабий тилидаги сингари, яъни луғат таркибининг тараққий ва ривожлана бориши билан шевада синонимлар вужудга кела бошлайди. Ўзбек адабий тилида мавжуд бўлган *мазали//ширин, чопмоқ//югурмоқ, юз//бет, қуёш//кун, кучли//бақувват, гўзал//чиройли* каби синонимлар қорабулоқликлар нутқида ҳам ишлатилади.

Қорабулоқ шевасидаги синонимларнинг луғавий таркиби, айрим товуш ўзгаришларини ҳисобга олмаганда, ўзбек адабий тилидаги синонимлардан луғавий жиҳатдан деярли фарқ қилмайди: *сайақ-санғы «саёқ», өзгә-башқа-йат; сөл-чеп, йолықыш-учрашыш, хатын-ҳайал, қырқыш-көсиш, соң-ахыр-көйиш, үлкән-кәттә, дорортәк-ашна-жора, сәс-оваз, дәрәзәпәрдә-дәртәрдә* «дарпарда».

Бироқ қорабулоқликлар нутқида ўзбек адабий тилида йўқ баъзи синонимик қаторлар ҳам мавжуд ва уларни тубандагича гуруҳлаштириш мумкин:

1. Туб ва ясама сўзлар иштирокида ҳосил бўлган синонимлар: *эмчы-отарчы «табиб», дырдықламақ-үшүмәк «совқатмоқ», гәррылләмәк-дардаңламақ «мақтанмоқ», барамурәк-бармалтақ «кўрсаткич бармоқ», ҳажымерәк-ҳажымулуқ «тўртинчи бармоқ», бет-йақ «томон», қулақ-бөгәт «ариқнинг бўғилган жойи», сөлтәк-ләлләйгән «эпсиз», боламық-бөтәнә «лойқа», қондақ-малтақ «қўлтиқ таёқ», сүлтүк-шалвырақ «бўшанг», айры-бешаха «паншаха», қумур-кән//кан «мўри», итлала-қизғалтақ «лолақиз»*

¹ Синонимия ҳодисаси тилшуносликда яхши ўрганилган. Бу ҳақда қаранг: Ҳозирги замон ўзбек тили. — Т., 1957, — Б. 77—79. Исамуҳаммедова С. Синонимларнинг вужудга келиш йўллари ҳақида баъзи мунозаралар // Тилшунослик масалалари тўплами, — Т., 1960, — Б. 3—8. Қўчқортөев И. Синоним сўзлар ва уларнинг баъзи хусусиятлари // Тилшунослик масалалари тўплами, — Т., 1960, — Б. 9—12; Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг луғавий луғати. — Т., 1974; Ўзбек тили лексикологияси. — Т., 1981. — Б. 235—250.

ғалдоқ», кукымәллә-мычә//мүчә «мусича», чанақ-кәпырчәк «бурун катаклари», ыйық-ийин-йаврын-йағрын «елка», совалақ//сабалақ-тыққыш-кәнтыққыш «ўчоқнинг иссиғи чиқиб кетмаслиғи учун мўрига тиқиб қўйиладиган тиқин (латта)», былғыр-былымчы «билагон», сойлақ-бойчаң «бўйдор, узун бўйли», хыйра-мылқав-монды «тентак, жинни», мыжғав-мылжың «эзма, кўп сўзлайдиган», күкүн-супурынды «ахлат», ора-хомба «дон, сабзавот сақланадиган жой, омбор» жөрмәк-жүрмәк «жўмрак», ысқырт-мүңсик «хасис, бахил».

2. Кўшма сўзлар асосида пайдо бўлган синонимлар: *мыңвашы-гүлхәнәк-иннәхәнәк* «пилла ўрайдиган ўт»; *кәмпырқошақ-қызылатав* «камалак», *асман кындыгы-қушйолы* «сомон йўли», *атасақалсутланот* «сутли ўсимлик».

Қорабулоқлиқлар нутқида ишлатилаётган синонимларнинг асосий қисми от, сифат, равиш ва феъл туркумига хос сўзлардан ташкил топган. Олмош ва ёрдамчи сўзларга хос синонимлар ўзбек адабий тилидаги шундай синонимлардан тафовут этмайди. Шунингдек, шевада учраган синонимларнинг айримлари қадимги туркий ва эски ўзбек тилига оид ёзма манбаларда ҳам қайд қилинган.

ерны//ерын «лаб» — *ләп//ләб* — *дудақ* «лаб». Қиёс: қадим. *эрин* «лаб» (МК, 1,106); *эрин* «лаб» (Аттухфа, 177), *ерни* «лаб», *егин* «лаб» (ДТС, 178). Қ. Муҳаммаджонов *эрин* лексик бирлигининг «лаб» маъносида олтой, шўр, хакас, туркман, тува, олтой, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, мўғул тилларида ишлатилганлигини кўрсатиб ўтган¹.

әмчы «табиб», *әмчы* — отарчы — *төвып* «табиб», *әң зоры мәңсәт-тәгы отарчы*. Қиёс: қадим *эмчи* «табиб» (Индекс, 44), *отаси* «табиб» (ДТС, 373)

өтүрүк «ёлгон» — *йалған* «ёлгон». Қиёс: қадим *отрүк* «хйлагар, алдамчи, айёр, ёлгончи» (МК, 1, 127) Қиёс. *көз өтирик* «ёлгон» (Қазрсл, 500).

көк «осмон» — *асман* «осмон». Қиёс: қадим *көк* «осмон» (Индекс, 165). Қиёс: *коз, ққ. көк* «осмон» (Ккрсл, 332, Қозрсл, 224), ўзб. *күк* «осмон» (Ўтил, 1, 412), *озар көј* «осмон» (Азрсл, 226), турк *gök*, туркм. *gök* «осмон» (Рус турсл, 455; Ту, кмрсл, 198).

Қайд қилинган синонимлар от ва сифат туркумларига оид лексик бирликлардан ташкил топган.

¹ Муҳаммаджонов Қ. Жанубий Қозоғистондаги ўзбек шевалари. — Б. 92.

Қорабулоқ шевасида ишлатилаётган синонимларнинг пайдо бўлиш усуллари ўзбек адабий тилидан фарқланмайди. Қорабулоқликлар нутқда қўлланаётган синонимларнинг ҳосил бўлишини куйидаги тўдаларларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Адабий ва диалектал вариантлар асосида пайдо бўлган синонимлар: Шевага хос сўзлар ўзбек адабий тилидан қабул қилинган лексик бирликлар билан синонимик қатор ҳосил қилади: *ағырайақ-еккықабат-хамыладар, өтурүк-йалған, тул-йесыр-бевә, йатынқы-рамақ-йатсырамақ, дадвайчы-давкәш-арзчы-шыкайатчы, йоқ-камбағал, тар-ысқырт-қурумсақ, төкмә-жумәлык-гәп-гәштәк, ақлық-тамызғы, качар-тәнә-ақтамақ-қунажин, ақчамама-йалмағыз кәмпыр-хәсән-хусән-кәмәләк, қушқонмас-чынар, бозлақ-моллаторғай-сопыторғай, қунажын-байтал «уч яшар урғочи от» қыйаңқымоғу-муғайша-муғамбир «қийлагар, муғомбир», ожав-чомыш «чўмич», кәмпыравыз-амбыр «омбир», текчә-қутыча «кичик сандик», чугайна-тыкәнәк-йантақ «ёнтоқ», моғу-нысмықы «писмиқ, айёр», нақышлы-төкыс-сулуе «гўзал», балдыз-қайынсыңыл «қайинсингил», майлық-майчачық «мой сочиқ», иннә-нынә «нина, игна», гөшәңгәчымылдық «чимилдик», артынгуш-чачуқ «сочиқ», ҳақлавчы-дебана «тиланчи, девона», оныш-боса «бўса».*

Кўрсатилган синоним қаторлардаги энг кейинги лексик бирлик ўзбек адабий тилига хос сўзлардир.

2. Ўз ва ўзлашган қатлам лексик бирликлари асосида пайдо бўлган синонимлар. Бошқа тиллардан қабул қилинган сўзлар қорабулоқликлар нутқда қўлланилаётган лексик бирликлар билан бирга истемолда бўлади ҳамда куйидагича синонимик қаторларни ҳосил қилган.

а) форс-тожик тилларидан қабул қилинган сўзлар асосида пайдо бўлган синонимик қаторлар: *хал¹-мең «хол», пешана-маңлай, шырын-татты, харыдар-алувчы, поса//боса-оныш, хаста//бемор//нахуш-кәсәл «бемор», кәл-таз «кал», амбыр-атағыз, дасмал-майчачық, сарпа-кийит² «тўйда қариндош-уруғларга ва қудаларга бериладиган совға, сарупо», сийнә-көкрәк-бағыр «кўкрак, кўкс», ғышт-кәрвыш, ләб-додақ-ерын «лаб», мых-чәкә «мих», мойлов-бу-*

¹ Келтирилган лексик бирликларнинг биринчиси форс-тожик тилларига хос сўз ҳисобланади.

² *Кийит* ўзбек шеваларида, қозоқ тилида, Ўзбекистондаги қозоқлар тилида фаол ишлатилади. Маҳмуд Қонғарийнинг "Девону лугатит турк" асарида кээит "кийит" деган кийим. Кўпинча бу сўз тўйда ишлан ва кўёв яқинларига ҳурмат юзасидан кийдириладиган кийимга нисбатан ишлатилади" (МК, 1, 338) деб изоҳланган.

рыт «мўйлов», рас(т)-тоғры «рост, тўғри», жора-ортақ-ашна-теңтуш «ошно, дўст, ўртоқ», душман-йав «душман, ёв», дазмал-ўтүк «дазмол», кисә-чонтәк «кисса, чўнтак», дум-қуйрық «дум», дугонашы «дугона», гынә-өпкә «гина, ўпкалаш».

б) арабча ва ўзбекча лексик бирликларнинг маънодошлиги: *кәт¹-алақан* «кафт», *мәжлыс-жыйнақ* «мажлис, йиғилиш», *нөвбәт-кезек*, *рәйис-باشлык*, *адам-кышы*, *куллы-бутунлай* «хаммаси, барчаси».

в) рус тили ва у орқали бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўзлар асосида пайдо бўлган синонимлар: *лампышкә-чырақ*, *район-авдан*, *сеткә-тор* «тўр», *резинкә-өчыргыч*, *сынып* (араб) — *кылас* (рус) «синф», *парраш* (араб) — *уборшитса* (р) «фаррош», *гулхәнәк* (форс-тожик) — *иннәхәнәк* (туркий+форс+тожик) «пилла ўрайдиган ўсимлик», *кезек* (туркий қозоқ) — *нөвбәт* (форс-тожик) — *очырт//очрат* (рус), *пәчәт* (рус) — *мур* (форс-тожик) «муҳр», *партык* (рус) «фартук» — *пешгыр* (форс-тожик) «фартук», *пыйада* (форс-тожик) — *пешком* (рус) «пиёда», *ройхат* (форс-тожик-араб) — *испыскә* (рус) «рўйхат», *омбыр* (форс-тожик) — *пласгут* (рус) — *атағыз* (туркий), *моры* (форс-тожик) — *кән/кәннай* (форс-тожик) «мўри», *хажатхана* (араб-форс-тожик) — *тувалит* (рус) «ҳожатхона», *зақускә* (рус) — *гәзәк* (форс-тожик) «газак», *зыян* (форс-тожик) — *зәрәр* (араб) «зиён, зарар», *мәрт* (форс-тожик) — *жәсур* (араб) «мард, жасур», *дарыхана* (форс-тожик)-*әптык* (рус) «дорихона» ва ш.к.

Қорабулоқ шеvasи лексикасида бу хил синонимларни истаганча кузатиш мумкин. Мазкур лисоний ҳодиса қорабулоқликлар сўзлашув нутқининг жозибали, таъсирчан, чуқур бой мазмунга эга бўлишини таъминлайди. Турли тиллардан кирган бу каби синонимлар қорабулоқликларнинг бошқа халқлар билан қадимдан мавжуд бўлган ўзаро муносабатларини аниқлашда тадқиқотчиларга қулайликлар яратади.

Келтирилган синонимлар таҳлили асосида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

1. Қорабулоқ шеvasи лексикасида ўзбек адабий тили билан ҳамоҳанг ҳолда қўлланиладиган синонимлар ҳам мавжуд.

2. Шева лексикасида ўзбек адабий тилидаги синонимлардан товуш ўзгачаликларига кўра тафовут этадиган синонимлар мавжуд.

3. Қорабулоқ шеvasига хос, ўзбек адабий тил да қўлланмайдиган туб ва қўшма сўзлар асосида пайдо бўлган синонимлар ҳам шевада кўшлаб учрайди.

¹ Келтирилган лексик бирликларнинг бирличиси араб тилига хос лексик birlikдир.

4. Қорабулоқ шеvasида қадимги туркий манбаларда қайд қилинган лексик бирликлар ҳам яхши сақланган. Бу хил лексик бирликлар бошқа сўзлар билан синонимик қаторлар ҳосил қилишда фаол иштирок этган (*ерин-дудақ-лөб, амчы-отарчы-төвып, өтүрук-йалған, көк-асман* кабилар).

5. Қорабулоқ шеvasидаги синонимик қаторлар форс-тожик, араб рус тили ва у орқали бошқа тиллардан ўзлашган лексик бирликлар асосида ҳам ҳосил бўлган.

3. АНТОНИМЛАР

Қорабулоқ шеvasида қарама-қарши, зид маъно билдирадиган сўзлар ҳам мавжуд бўлиб, улар тилшунослиқда бири иккинчисига нисбатан антоним деб аталади: *кәттә-кычык, узақ-йақыйн, сағай-мақ-кәсәл олмақ* ва ш. к.

Ўзбек тилшунослигида мазкур мавзуга бағишланган тадқиқотлар, илмий ишлар мавжуд¹. Шунингдек, «Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати»² ҳам нашр қилинган.

Қорабулоқ шеvasида худди ўзбек адабий тилидаги сингари сўз туркумлари бўйича антонимлар белги-хусусият билдирадиган сўзлар доирасида, хусусан, сифат ва равишлар орасида кўп учрайди:

Сифат туркумига оид антонимлар: *кәттә-кычык, бөләнт-пәс(т), иссық-соқ (совуқ), йаш-қарры, сахий-бахыл-хасыс, батыр-қорқақ, ақллы-аҳмақ, тоғры-әғры, а:жы-шырын-тәтты* ва ш. к.

Равиш туркумига оид антонимлар: *ары-бөры «нари-бери», узақ-йақыйн, кәч-әртә «кеч-эрта», өввәл-кәйын, тәз-сәкийн, көп-аз, тоғрыдан-йалғаннан, чыннән-йалғаннан, ростан-йалғаннан, пәсдә-йоқарда* ва ш. к.

От туркумига оид антонимлар: *байлық-кәмбағаллык, батырлық-қорқақлық, ба:р-күз «баҳор-күз», йаз-қыш, кәч-күндыз, шарқ-ғарп, арқа-күнгәй* ва ш. к.

¹ Антонимлар // Ҳозирги замон ўзбек тили. — Т., 1957. — Б. 80—84. Усмонов С. Антонимлар // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. — Т., 1958 йил. — № 2. — Б. 33—41; Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. — Т., 1992. — Б. 120—126. Шукуров Р. Ўзбек тилидаги антонимларнинг лексик-семантик хусусиятлари: Филол. фанлари ... дис. — Т., 1994. — 170 б. Ўша муаллиф. Ўзбек тилида антонимлар, — Т., 1977; Муллаев Т. Антонимия // Ўзбек тили лексикологияси. — Т., 1981. — Б. 251—254. Содиқов Т. Сўзларнинг шакл ва маъно хусусиятларига кўра турлари // Ўзбек шевалари лексикаси. — Т., 1981. — Б. 108—119.

² Раҳматуллаев Ш., Маматов Н., Шукуров Р. Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати. — Т., 1980.

Феъл туркумига оид антонимлар: *кырмақ-чықмақ, бармақ-кәлмәк «бормоқ-келмоқ», көпәймәк-азаймақ, кәңәймәк-тараймақ* ва ш. к.

Шевада мавжуд барча сўзлар ўз антонимларига эга эмас. *көз, тыл, тырнақ, йүрөк, сач, өй «уй», сә:т «соат», ки:сә «чўнтақ», көйләк «кўйлак», қалтақ* каби сўзларнинг антонимлари йўқ.

Қорабулоқ шеvasидаги антонимларни қуйидаги гуруҳларга бўлиб таҳлил қилиш мумкин.

1. Ўзбек адабий тилида учрамайдиган антонимлар. 2. Ўзбек адабий тилидаги вариантдан фонетик жиҳатдан фарқ этувчи антонимлар.

Биринчи гуруҳга қуйидаги антонимларни киритиш мумкин: *пысмықы «зимдан иш қилувчи» — галча «анқов», гөрсохта «қалтабин», «бераҳм» — қыйаңқы «айёр, қув», қыйық «ўжар» — қоймыжаз «ювош», гүжүр «урушқоқ» — султук «бўшанг», қызылқап «жаҳлы тез» — лөләй «шалпайган, тепса-тебранмас», қумур, йылқымыжас «еб тўймас, мечкәй» — чымхор «кам овқат егич»* ва ш. к.

Иккинчи гуруҳга ўзбек адабий тилидаги кўпгина антонимларни киритиш мумкин: *хана-хурсөнт, азап-раҳат, бутун-сынық, арзан-қыммат, сулув-бәтбәшәрә, бәлән-т-пәс(т), бәнт-бош, бермақ-алмақ, ба(р)-йоқ, бош-тола* ва ш. к.

Қорабулоқ шеvasидаги антонимларнинг асосий қисми ўзбек адабий тилдаги антонимлар билан ҳамоҳанг ва бир хилдир. Шу билан бир қаторда шевага хос, яъни ўзбек адабий тилида учрамайдиган антонимлар ҳам шевада мавжуд. Бундан ташқари, ўзбек тилида антонимлар батафсил ўрганилган ҳамдир. Ана шулар назарга олиниб шевадаги антонимлар тўғрисида қайд қилинган фикр-мулоҳазалар билан чегараланилди.

4. ОМОНИМЛАР

Қорабулоқ шеvasида айтилиши, шакли бир хил, маънолари бошқа-бошқа бўлган лексик бирликлар ҳам мавжуд бўлиб, улар тилшуносликда омонимлар деб юритилади: *йат «ўзга, бегона», йат «ётмоқ»* феълнинг буйруқ шакли», *йары «ярим», йарым «ёрим», йаз «ёз», йаз «еймоқ»* феълнинг буйруқ формаси ва ш. к.

Келтирилган мисоллардан кўринадики, шевадаги айрим сўзларнинг адабий тилдаги лексик бирликлар билан фонетик жиҳатдан ўхшаш бўлиши туфайли шакли ва айтилиши бир хил бўлган сўзлар-омонимлар пайдо бўлган.

Ўзбек тилшунослигида омонимлар ҳодисаси атрофлича ўрганилган¹. Улар фикрни образли баён этишда катта ўрин тутган. Омонимлар ўзбек адабиётида кенг ишлатилган. Адабий тилимининг асосчиларидан бири бўлган Алишер Навоий омонимларнинг серқирра маъно нозикликларига эгаллигини, туркий тилнинг бой хусусиятларидан бири сифатида омонимларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаган². Омонимлар туюқ жанрининг асосини ташкил қилган.

Қорабулоқ шеvasида ҳам омонимлар хилма-хил ва турли-тумандир. Улар қорабулоқликлар нутқининг жозибадор ва маъно қочирқиқликларига эга бўлишини таъминловчи лисоний ҳодиса ҳисобланади:

тамақ «томоқ, бўйин», *тамақ* «овқат, бирон бир егулик», *чоң* «катта, гавдали», *чоң* «яхши, озода», *чолық* «ёрдамчи чўпон», *чолық* «чўпон таёғи».

Шевада мавжуд бўлган омонимларни: 1. Ўзбек адабий тилида учрамайдиган омонимлар. 2. Ўзбек адабий тилидан фонетик фарқ қиладиган омонимлар тарзида ўрганиш мумкин.

Биринчи гуруҳ омонимларига қуйидагиларни киритиш мумкин: I *ҳар* «баландликка йўл», II *ҳар* «ўжар, қайсар», I *ортәды* «устига ёпди», II *ортәды* «ёндирди», I *ағача* «тили эрта чиққан қизчаларни эркалатиб сўкмоқ», II *ағача* «кичик хўжайин», I *алакөз* «кўзи катта одам», II *алакөз* «бўлақлаш, ажратиш», I *аң* «ов, II *аң* «олинг» буйруқ феълидан; I *елавсыз* «эйтиборсиз, назоратсиз», II *елавсыз* «сергак ётиш», I *ешәк* «чаён», II *ешәк* «сувоқ ишларида ишлатиладиган тўрт оёқли мослама».

Иккинчи гуруҳга мансуб омонимлар. Бу гуруҳга қирадиган омонимларни ҳам кичик тўдачаларга бўлиш мумкин:

а) адабий тилда қўлланиладиган қисмга эга бўлган омонимлар. Бундай омонимларга шевадаги айрим лексик бирликларнинг адабий тилдаги лексик бирликлар билан фонетик жиҳатдан ўхшаш келиши сабабли шакли ва айтилиши бир бўлган тил ҳодисалари-

¹ Омонимлар// Ҳозирги замон ўзбек тили. — Т., 1957. — Б. 72—76. Миртожиев М. Ўзбек тилида лексик омонимларнинг вужудга келиши. Филол. фанлари нэмзоди ... дис. — Т., 1963, — 210 б; Ўша муаллиф. Ўзбек адабий тилига диалектал сўзларнинг кириб келиши натижасида лексик омонимларнинг вужудга келиши// Ўзбек тили ва адабиёти. — Т., 1962. — №1 — сон. — Б. 63—67. Ўша муаллиф. Сўзларнинг шакл муносабатига кўра турлари// Ўзбек тили лексикологияси. — Т., — Б. 255—292.

² Алишер Навоий. Муҳокаматул-луғатайн// Асарлар. — Т., 1967. — Т. 14. — Б. 112—113.

ни киритиш мумкин: *1 ары* «*нари, нарироқ*», *2. ары* «*ари*» (чақадиган ари); *1 бақа* «*бери, буён*», *II бақа* «*бу ёққа*» *III бақа* «*қурбақа*»; *I пақыр* «*челак*», *II пақыр* «*фақир*»; *I балдақ* «*қўлтиқ таёқ*», *II балдақ* «*зирақ*», *I бурчақ* «*дони дўлга ўхшаш ўсимлик*», *II бурчақ* «*нўхот*»; *I ер* «*эрталаб, азонлаб, барвақт*», *II ер* «*эркак, эр киши*», *III ер* «*у ер*»; *I ен* «*белги*», *II ен-енмоқ* «*оғиб ўтмоқ*» феълининг буйруқ шакли, *III ен* (эн) «*нарсаларнинг кўндаланг йўналишидаги катталиги*», *I йарыш* «*мусобақа, пойга*», *II йарыш* «*ёрмоқ*» феълидан ясалган ҳаракат номи; биргалик даража; *I йыртыш* «*Қари одамлар вафот қилганда бериладиган рўмолча*», *II йыртыш* «*йиртмоқ*» феълидан ясалган ҳаракат номи; биргалик даража; *I қайтасэн* «*нима қиласан?*», *II қайтасэн* «*орқага қайтасан ёки II шахс бирлик шакли*», *I қулақ* «*бошқа ариққа сув қуйиладиган жой*», *II қулақ* «*эшитиш аъзоси*»; *I мыхлы* «*кучли, бақувват*», *II мыхлы* «*михи бор одам*»; *I оймақ* «*ангшивона*», *II оймақ* «*ерни ковламоқ*»; *I шахта* «*шу тарафда*», *II шахта* «*кўмир қазиб олинадиган жой*».

б) барча бўлақлари адабий тилда мавжуд омонимлар. Бу хил омонимлар ўзбек адабий тилининг таъсири остида пайдо бўлган. Мактаб, кундалик матбуот, ўзбекча телевидение ва радио таъсири ҳамда маҳаллий зиёлиларнинг ўзбек адабий тилида дарс бериши ва ўзаро муомаласи остида қисман фонетик ўзгаришларга учраган адабий тилдаги омонимларнинг шевада пайдо бўлишига сабабчи бўлган. Буларга мисол сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

I бағ «*мевали дарахтзор*», *бағ* «*тутун*», *I асыр* «*юз йил*», *II асыр* «*шом*» (номоз); *I йай* «*ёй, камон*», *II йай* «*ёймоқ, ёзмоқ*» феълининг буйруқ шакли; *I йаз* «*ёз*» фасли, *II йаз* «*ёзмоқ*» феълининг буйруқ шакли; *I тыз* «*тиз, тизза*», *II тыз* «*куч билан отилиб чиқаётган суюқлик жараёни ва бунда эшитиладиган товуш*», *III тыз* «*тизмोक феълининг буйруқ шакли*»; *I ақ* «*оқмоқ феълининг буйруқ шакли*», *ақ* «*оқ ранг*»; *I ач* «*очмоқ феълининг буйруқ шакли*», *ач* «*қорни оч*»; *тыл* «*тилмоқ*» феълининг буйруқ шакли», *тыл* «*одам аъзоси*»; *I қап* «*қопмоқ*» феълининг буйруқ шакли», *II қап* «*сочилувчи нарсаларни солиб қўядиган рўзғор буюми*», *I тык* «*тикмоқ*» феълининг буйруқ шакли», *II тык* «*юқорига тикка йўналган ёки пастга тикка тушган*».

Қорабулоқ шевасида учраган омонимларни эг хусусиятлари, аниқлаш маъноларини таҳлил қилиш асосида *1* гуни айтиш мумкинки, мазкур тил ҳодисаси қорабулоқликлар нутқидаги бадиийлик, ўйноқликни юзага келтирувчи лисоний неъмат сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Қорабулоқ шеvasидаги омонимлар айрим товуш ўзгачаликларини эътиборга олмаганда ўзбек адабий тилидаги омонимлардан кескин фарқ этмайди (*тамақ* «томоқ, бўйин», *тамақ* «овқат, егулик», *чолық* «ёрдамчи чўпон», *чолық* «чўпон таёғи»). Шу билан бир қаторда шевага хос омонимлар ҳам маънудки, бу қорабулоқликлар нутқининг алоҳидалилигини ва ўзига хослигини кўрсатадиган тил бирлигидир. (*ҳәр* «ўжар», *ҳәр* «баландлик», *аң* «ов», *аң* «олинг» буйруқ феълидан).

Шунга кўра Қорабулоқ шеvasидаги омонимлар адабий тилда учрамайдиган ва адабий тилдан товуш жиҳатдан тафовут қиладиган омонимлар тарзида гуруҳланди ва ўрганилди.

Қорабулоқ шеvasи лексикасида яна бир қатор лексик birlikлар ҳам мавжуд, уларни ўзбек адабий тилидаги ўзларига шаклдош сўзларга қиёс қилинса, маъноларида узилишлар борлигини кўриш мумкин. Буларга мисол қилиб тубандаги лексик birlikларни келтириш мумкин:

Қораб., Хоразм ўғуз *илик* «илинган, кулфланган; боғланган» (О. Мад. 138), ўз. ад. тил. *илик* «суяк ичидаги ёғсимон модда (Ўтил, 1, 321); Қиёс туркман *илик* «тутма» (Туркмрсл, 351); Қораб *қайсар* «ландавур, бир ишни ёлчителиб қилмайдиган одам», ўзб. ад. тил *қайсар* «тутган ерини кесадиган; ўжар, тихир, терс» (Ўтил, 2, 540); Қораб. *күннә* «тўнка», ўзб. ад. тил. *кунна* «рашк қил» (Ўтил, 1, 406); Қораб. *қақынмақ* «йўлиқмоқ, учрамоқ», ўзб. ад. тил. *қоқинмоқ* «бирор нарсага оёғини уриб олиб мункимоқ, қоқилмоқ» (Ўтил, 2, 608); Қораб. *қызымақ* «ҳидланмоқ», ўзб. ад. тил. *қизимоқ* «қаттиқ исимоқ, исиб қайноқ, куядиган ёки куйдирадиган ҳолга келмоқ» (Ўтил, 2, 571); Қораб. *қымтымақ* «тежамоқ, маҳкам тутмоқ, асрамоқ», ўзб. ад. тил. *қимтимоқ* «лабларни бир-бири ёки тиши орасига олиб қисмоқ, йиғиштирмоқ» (Ўтил, 2, 580); Қораб. *лалазар* «тўзал, чиройли», ўзб. ад. тил. *лолазор* «лоласи кўп, лола очилиб ётган жой» (Ўтил, 1435); Қораб. *парваз* «тўсин», ўзб. ад. тил. *парвоз* «осмонга кўтарилиш, учиш» (Ўтил, 1, 572); Қораб. *сота* «таёқ», ўзб. ад. тил *сўта* «жўхорининг донли ёки дони олингандан кейин қолган ўзағи» (Ўтил, 2, 100); Қораб. *тәрәң* «обдон, роса жуда», ўзб. ад. тил. *таранг* «қаттиқ тортилган ёки бурушиқ жойи қолдирилмасдан керилган» (Ўтил, 2, 123); Қораб. *термә* «қошнинг ортиқча туки», ўзб. ад. тил. *терма* «саралаб-саралаб йиғиб, бирлаштириб ташкил этилган, тузилган» (Ўтил, 2, 165); Қораб. *чот* «теша», ўзб. ад. тил *чўт* «доналарини суриб қўшув ва айирув амаллари бажариладиган содда (русча *счетыдан* олинган) мослама (Ўтил, 2, 387); Қораб. *бырақ* «бирда нига, бир марта», ўзб. ад.

тил. *бирок* «зидлов боғловчиси» (Ўтил, 1, 121); Қораб. *йар* «жар», ўзб. ад. тил. *ёр* «дицдан яқин киши; дўст, муҳиб; маъшуқ, маъшуқа» (Ўтил, 1, 261); Қораб. *кәсәк* «хом ғишт», ўзб. ад. тил. *кесақ* «қотган, қуриган лой бўлаги» (Ўтил, 1, 381); Қораб. *кычына* «бироз, бир дам, бир паст», ўзб. ад. тил. *кичкина* «ҳажми, ўлчами нисбатан кичик, катта бўлмаган» (Ўтил, 1, 389); Қораб. *жаврамақ* «совуқ қотмоқ», ўзб. ад. тил. *жаврамоқ* «ҳа деб гапиравермоқ, зерикарли даражада кўп гапирмоқ» (Ўтил, 1, 269); Қораб. *қалампыр* «қалампирмунчоқ», ўзб. ад. тил. *қалампир* «гармдори» (Ўтил, 2, 543); Қораб. *пәшмәк* «пакана, бўйи паст одам», ўзб. ад. тил. *пашмақ* «ёғда қовурилган ун ва қиёмдан тайёрланган тола-тола маҳаллий ширинлик» (Ўтил, 1, 581); Қораб. *пылык* «бешиқдаги боланинг қўл-оёғини боғлайдиган боғичнинг учидаги ипи», ўзб. ад. тил. *пилик* «бир учи ёритқич асбоб ичидаги керосинни ёки мойни шимиб, иккинчи-ёнувчи учига ўтказиб берадиган лентасимон мато ёки эшилган пахта» (Ўтил, 1, 585); Қораб. *этмақ* «гапирмоқ», ўзб. ад. тил. *этмоқ* «ёрдамчи феъл, қилмоқнинг синоними» (Ўтил, 2, 457).

Қорабулоқ шевасидаги кўп маъноли сўзлар, синоним, антоним ва омонимлар таҳлили асосида тубандагича умумлашмаларга келдик:

1. Қорабулоқ шевасидаги кўп маъноли сўзларнинг кўпчилиги маъно кўчиши асосида пайдо бўлган.

2. Кўп маънолилик муштарак лексик бирликларга қозоқча маъноларнинг юкланиши асосида ҳам шевада юзага келган.

3. Қорабулоқ шеваси ва ўзбек адабий тилидаги муштарак лексик бирликлар ўртасидаги маънолардаги тафовут тарихийлик (диакрон) асосида пайдо бўлган ўринлар мавжуд (*чылым, чилим, сигарета, папирослар* мисоли).

4. Қорабулоқ шевасидаги синоним, антоним, омоним ҳодисаларида ўзбек адабий тили билан ҳамоҳанг ўринлардан ташқари фарқли, тафовутли тарафлари ҳам мавжуд. Ана шу жиҳатлар қорабулоқликлар нутқининг ўзига хос ва ўзига мос шевалигини таъминлаган.

5. ҚОРАБУЛОҚ ШЕВАСИ ЛЕКСИКАСИНИНГ ҚОЗОҚ ТИЛИГА МУНОСАБАТИ

Ўрта Осиё минтақасида яшовчи турли миллатлар орасида ўзбеклар сон жиҳатдан етакчи ўринни эгаллаб, улар нафақат ҳозирги Ўзбекистон худудиди, балки қардош ва қўшни Қозоғистон, Қир-

физистон, Туркменистон Тожикистон сингари мустақил давлатлар ҳамдўстлигига кирувчи республикаларда, шунингдек, Афғонистон давлатида ҳам гуж-гуж бўлиб яшайдилар. Мазкур ҳудудларда яшовчи ўзбеклар ҳозирги Ўзбекистон давлатидаги миллатдошлари билан яқиндан алоқада, ўза о ҳамжиҳатликда, бир-бирлари билан қуда-анда ва муболағасиз айтиш мумкин ўзаро қариндош ҳамдирлар.

Қўшни республикаларда истиқомат қилувчи миллатдошларимиз хизмат тақозоси ва ўзи яшаб турган давлатнинг номи билан аталувчи миллат вакилларини ҳурмат қилиш юзасидан ҳамда ўша миллат вакиллари билан аралаш ва ёнма-ён яшаётганликлари учун уларнинг тилларини, урф-одатларини яхши билишади.

Миллатдошларимиз ўзаро ўзбек тилида сўзлашишса, вазият тақозоси билан ҳеч қандай қийинчиликсиз ўзлари яшаб турган давлат халқининг тилларида гаплашиб, фикр юрита оладилар. Бу ҳолат қозоқ-ўзбек, тожик-ўзбек, қирғиз-ўзбек, туркман-ўзбек халқлари ўртасидаги иккитиллилик ва дўстлик, биродарлик ҳамда ўзаро ҳамжиҳатликда яшашнинг юқори белгиси саналади¹.

Қорабулоқлик ўзбеклар ҳам кўп асрлардан бери қардош қозоқ халқи билан ёнма-ён, елкама-елка, бир тану бир жон бўлиб яшаб келаётган миллатдошларимизнинг катта бир бўлагидир. Улар маълум шароитда, яъни ўзаро ўзбек тилининг Қорабулоқ шеvasида муомалада бўлишса, бошқа шароитда, яъни қозоқ миллатига мансуб шахслар билан муносабатда қозоқ тилида сўзлаша оладилар. Бундай икки тилда сўзлашиш ҳолати тилшуносликда соф икки тиллилик саналади². Ўзбек ва қозоқлар ёки қозоқ ва ўзбеклар ўртасидаги икки тиллилик ёки кўп тиллилик ҳолатларида бир муҳим лисоний нуқтага жиддий эътибор бериш керак бўлади. Қорабулоқлик ўзбекларнинг шеvasи ҳам, қозоқ тили ҳам туркий тиллар тизимида, ўзаро яқин, қардош тиллар оиласига қирадиган тиллар ҳисобланади. Уларнинг сўз бойлиги асосини соф туркий лексик бирликлар ташкил қилади.

¹ Бу ҳақда қаранг: Юсупов К. Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсири. — Т., 1974; Сапаров М. Хоразм воҳасидаги туркий тилларнинг ўзаро муносабатлари. — Т., 1988.

² Тилшуносликда бу ҳодиса тўлиқ икки тиллилик, табиий икки тиллилик аталари билан ҳам аталади. Бу ҳақда қаранг: Сердюченко Г. П. Лингвистический аспект двуязычия (Вопросы казахского и уйгурского языкознания. — Алма-Ата, 1963. — С. 12; Щерба Л. В. Преподавание иностранных языков в средней школе. Раздел «Понятие в двуязычии». — М., 1947. — С. 54—55.

Куйида келтирилган лексик бирликлар ҳам келиб чиқиши жиҳатидан қайси тилга хос бўлишидан қатъий назар маъноларининг бир хиллиги ва шаклий муштараклиги билан диққатни ўзига жалб қилади:

Қорабулоқ	қозоқ	ўзбек ад.
шевасида	тилида	тилида
бел	бел	бел
жар	жар	жар
жанжал	жанжал	жанжал
ит	ит	ит
кек	кек	кек
малай	малай	малай
мен//мән	мен	мен
сен//сән	сен	сен
нас	нас	нас
найза	найза	найза
наша	наша	наша
тер	тер	тер
хабар	хабар	хабар
хат	хат	хат

Бу рўйхатни яна истаганча давом эттириш мумкин.

Агар қиёсланаётган объектларимизнинг бирортаси бошқа тил оиласига алоқадор бўлганида эди, тиллар ўртасидаги ўхшашликнинг, икки тиллиликнинг асосини ташкил қилган лексик бирликларнинг туб асосини аниқлаш осон бўларди.

Қозоқча сўзларни фақат уларнинг маъносига кўра ажратиш мумкин. Масалан, ўзбек адабий тилида, Қорабулоқ шевасида ҳамда қозоқ адабий тилида *азамат* сўзи бор. У «баҳодир, бақувват» деган маъносида ишлатилади. Бу маънолардан ташқари, яна қозоқ адабий тилида *азамат* «фуқаро» (русча «гражданин») маъносида ҳам қўлланади. Ушбу маъно қорабулоқлик ўзбеклар нутқида ҳам фаолият кўрсатади. Аммо бу маъно ўзбек адабий тилида йўқ. Қорабулоқ шевасига у қозоқ тилидан ўтиб, бу хил лексик бирликлар маъноларига кўра қозоқча ва ўзбекча лексик бирликлар тарзида ўзаро фарқланади.

Қорабулоқдаги ўзбеклар қозоқ адабий тилида ёзишни саводхонлик даражасида билишмаса-да, сўзлашиш, ўзаро муносабат масаласида улар қозоқ оғзаки сўзлашувини яхши эгаллаганликларини сезиш мумкин.

Чунки ушбу ўринда яна бир муҳим тилнинг луғат фондига ва алоқа аралашув жиҳатни таъкидлаш ўринли бўлади, қорабулоқлик ўзбеклар тилларининг сўз бойлиги, грамматик қурилиши орқали қозоқлар билан ўзаро муносабатга, фикр алмашувга киришар эканлар сўзлар, сўз бирикмалари, гаплар ва бошқа тил воситаларини қозоқча фонетик-грамматик қонуниятларга риоя эттириб талаффуз қилишга ҳаракат қиладилар. Морфологик кўрсаткичларни ҳам қозоқча кўринишда ишлатишга риоя этадилар.

Қорабулоқлик ўзбекларнинг турмуш шароити, кундалик машғулотларига қозоқ халқининг турмуш ва кундалик машғулотлари яқинлиги кучаймоқда. Мана шу сабаблар ҳам қозоқ тилининг қорабулоқлик ўзбеклар нутқига таъсирини кундан-кунга оширмоқда.

Қорабулоқ ҳудудида қозоқ миллатига мансуб аҳоли вакиллари қишлоқнинг Манкент дам олиш уйи, Янги турмуш (Жаңа турмус), Эшонбозор, Сирғоқ, Сирғали, Жамбул жамоа хўжалиги атрофларида яшашади. Қорабулоқлик ўзбеклар қозоқ халқ вакиллари билан ҳар кун, ҳар соатда учрашиб, тез-тез муомала-муносабатда бўлиб турадилар. Бу табиий жараён қозоқ тили билан ҳамоҳанг, муштарак лисоний ҳолатларнинг Қорабулоқ шеvasида пайдо бўлишига сабабчи бўлган. Қорабулоқ шеvasидаги қозоқ тили билан ўхшаш, муштарак ҳолатларни қуйидагича гуруҳларда ўрганиш мумкин:

1. Қорабулоқ шеvasи ва қозоқ тилида муштарак қўлланиладиган луғавий бирликлар¹: Қораб., қоз. *алақан* «кафт»² (26); Қораб., қоз. *алымсақ* «сотувчи» (30). Қиёс: Шўраҳон *алымсақ* «порахўр» (Ўрозов, 82); Қораб. *атқарув*, қоз. *атқару* «бажармоқ» (98); Қораб., қоз. *байлам* «хулоса» (52); Қораб., қоз. *балдыз* «қайинсингил» (68). Қиёс: ўғуз *балдыз* «эрнинг қиз синглиси» (XIII, 25; О.Мад. 118). Қораб. *чочаңламақ*, қоз. *шошаң-шошаңету* «чидай олмаслик» (397). Қораб., қоз. *болыс* «бошқарувчи» (98); Қораб. *буйра*, қоз. *бўйра*

¹ Мазкур гуруҳга мансуб лексик бирликлар ўзбек адабий тилида учрамаса-да, унинг бошқа шеваларида қайд қилиниши мумкин.

² Қозоқ тилига оид мисоллар қуйидаги маъбадаг олинди: Маҳмудов Х., Мусабоев Г. Казахско-русский словарь. — Алма-Ата, 1954 (Қазв ил.идаги рақам ушбу луғат саҳифасини билдиради).

«жингалак» (112). Қиёс. Ёрғоллиқ буйрә «жингалак». Буйрә чеч балә (Мухаммаджонов, 86). Қораб. *буршақ*, қоз. 1. *буршақ*, 1. «дүл» 2. «нұхат» (116). Қиёс: ұғ. *буржақ* (ХШ, 29) // *бурчақ* (О. Мад., 122). 1. дүл. 2. нұхат. Қораб. *дөкәй*, қоз. *дөкей*, «рақбар»; «улуғ, кенг» (133); Қиёс: Тулкибош *дөкәй* «рақбар ходимлар» (Мухаммаджонов, 90); Қораб. *емгәк/еңбәк*, қоз. *еңбек* «мехнат», (149). Қиёс. ұғуз *әмгәк* «мехнат, машаққат» (ХШ, 23), Қораб. *жағдай*, қоз. *жағдай* «шарт-шароит, қол-ақвол» (170). Қиёс: Тулкибош *жағдай* «қол, ақвол»; Шимкент *жағдай* 1. йұл, усул; Туркистон *жағдай* 1. камчилик, етишмаслик. 2. хулқ-атвор (Мухаммаджонов, 93); ұғуз *йағдай* (О. Мад., 140), ЖҚҰШ. *йағдай* (Беруний, Ұрозов, 92) «қол-ақвол». Қораб. *жансебыл*, қоз. *жансебил* «фидойи, ўзини ўтга-чўққа урадиган (160). Қиёс. ұғуз *жанысөвил* (Хоразм) «хизмат-беминнат одам»; Қораб., қоз. *жаврамақ* // *жаврау*, қоз. *жаурау* «совқотмоқ» (168); Қораб., қоз. *жон* «йўналиш» (189); Қораб. *жәнсыз*, қоз. *жәнсыз* 1. ўйланмаган (иш), 2. тартибсиз (одам) (192). Қораб., қоз. *заң* «қонун». Қиёс Тулкибош *заң* «қонун» (Мухаммаджонов, 95); Қораб. *кырпыш*, қоз. *кїрпїш* «ғишт» (214). Қиёс. ұғуз *кәрвыч* «ғишт» (О. Мад., 146); Қораб., қоз. *сымбат* «қомат, гавда тузилиши» (312). Қиёс: ұғуз *сымбат* «кўриниш, гавда тузилиши» (О. Мад. 171); Қораб., қоз. *тек* 1. худа-бехуда. 2. фақат, фақатгина, (341). Қиёс. *тек* 1. тоқча. 2. фақат (Мухаммаджонов, Иқон, 153). Қораб., қоз. *тың* 1. «соғлом, бақувват», 2. кўриқ (357). Қиёс, Тулкибош, Сайрам, Манкент *тың* «кўриқ ер» (Мухаммаджонов, 155); Қораб. *тәмән*, қоз. *тәмен* «паст, пастлик» (375). Қиёс. Қорноқ, Иқон, Манкент, Тулкибош *тәмән* «паст, пастлик» (Мухаммаджонов, 158); Қораб., қоз. *қарқын* «вақт», «жараён» (437). Қиёс. Тулкибош, Манкент, Сайрам *қарқын* «вақт, пайт, жараён». *иш қарқыны* «иш жараёни» (темп работы) (Мухаммаджонов, 119); Қораб. *күпты*: *күпты болув*, қоз. *күпті болу* «фикрни очық айтиш» (221); Қораб., қоз. *қарғы* «бўйинбоғ» (438); Қораб., қоз. *қарай* «кўра, лойиқ, муносиб» (433); Қораб. *убырлы*: *убырлы-шығырлы*, қоз. *убірлі-шубірлі* «кўп болали», (479); Қораб. *урпақ*, қоз. *урпақ*, «авлод, насл-насаб» (489); Қораб., қоз. *өр* «кўтарилиш, юқорига чиқмоқ» (496); Қораб. *өтүрүк*, қоз. *өтірік* «ёлғон» (500). Қиёс. ЖҚҰШ *өтирик* (Беруний, Ұрозов, 100); Қораб. *әдәмий*, қоз. *әдемі* «чиройли, гўзал» (502); Қораб., қоз. *ән* «куй, ашула» (505); Қораб. *ары*, қоз. *әрі* «ва, ё, ёки» (506); Қораб. *мучә* «аъзо», қоз. *мүше* «аъзо» (247). Қиёс: Тулкибош *мучә* 1. аъзолик, аъзо бўлмоқ. 2. гавда, қомат (Мухаммаджонов, 132); Қораб. *бийләмәк*, қоз. *билеу* «эғалик қилмоқ». Қиёс: Иқон *бийләмәк* «эғалик қилмоқ» (Ұзхшл, 52); Қораб., қоз. *сай*

«секин, оҳиста» (152). Қиёс: Сайрам *жай* 1. секин, оҳиста. 2. кечроқ (Ўзхшл, 99); Қораб. *кезыкыш*, қоз. *кездесу* «учрашмоқ» (203); Қиёс Туркистон *кезыкыш* «учрашиш, йўлиқиш»; Ўзган *кезикишма* «учрашмоқ» (Ўзхшл, 144); Қораб. *тавур*, қоз. *тәуір* (379) «ёмоғ эмас», Қиёс: Сайрам *тавур* «дуруст» (Ўзхшл, 253); Қораб. *чәк* «ёғоч миҳ», қоз. *шеге* «миҳ»; Қиёс: Қорамурт *чәкә* «ёғоч миҳ» (Ўзхшл, 296). Қораб. *чәп*, қоз. *шәп* «ўт» (мол ўти) (404); Қораб. *чәт*, қоз. *шәт* «тешага ўхшаш нарса» (397). Қиёс: Сайрам, Қорноқ, Туркистон *чәт* «теша» (Муҳаммаджонов, 175; Ўзхшл, 305); Қораб., қоз. бола «сабабли» (96) ва шу кабилар.

2. Сўзнинг ўзбек адабий тилидаги шаклидан фонетик жиҳатдан фарқланиб турадиган лексик бирликлар. Бу гуруҳга мансуб лексик бирликлар жуда кўп ва хилма-хилдир. Уларни ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида учратиш мумкин.

Қорабулоқ шеваси, қозоқ тили ва ўзбек адабий тили учун муштарак бўлган лексик бирликлар доирасида қуйидагича фонетик ўзгаришлар мавжуд:

1. Қорабулоқ шеваси ва қозоқ тилида «о» лашиш йўқ. Ўзбек адабий тилида «о» ҳарфи билан бошланадиган ва шу товуш қўлланидиган лексик бирликлар «а» (қадимги туркий «а») товуши билан ифодаланади: Қораб., қоз. *адам* «одам»; Қораб., қоз. *адамзат* «одамзот»; Қораб., қоз. *айна* «ойна»; Қораб., қоз. *апыс*, «олис»; Қораб., қоз. *аман* «омон»; Қораб. қоз. *алытсар* «олибсотар»; Қораб., қоз. *айлык* «ойлик»; Қораб., қоз. *алтын* «олтин»; Қораб.; қоз. *аман* «омон»; Қораб., қоз. *айақ* «оёқ»; Қораб., қоз. *ақ* «оқ»; Қораб.; қоз. *аға* «оға»; Қораб., қоз. *бала* «бола». Қораб., қоз. *арзан* «арзон», Қораб., қоз. *бал* «бол»; Қораб., қоз. *баж* «бож» ва шу кабилар.

2. Ўзбек адабий тилида «у» товуши билан ишлатилган айрим лексик бирликлар Қорабулоқ шеваси ва қозоқ тилида о (ў) товуши билан ифодаланади: Қораб., қоз. *омыртқа* «умуртқа», Қораб., қоз. *она* «упа».

3. Ўзбек адабий тилида «у» товуши билан ишлатилган айрим лексик бирликлар Қорабулоқ шеваси ва қозоқ тилида «ө» унли товуши орқали берилган: Қораб. *өмыр*, қоз. *өмір* «умр», Қораб. *өмырлык*, қоз. *өмірлік* «умрлик»; Қораб. *өндырмәк*, қоз. *өндіру* «ундирмоқ»; Қораб. *өным*, қоз. *өнім* «унум». Бироқ Қорабулоқ шевасидаги *өй* «уй» қозоқ тилида худди ўзбек адабий тилидаги каби қўлланади: қоз. *үй* «уй» (Қазрсл, 480).

4. «ч» товуш иштирок этган айрим лексик бирликлар Қорабулоқ шеваси ва қозоқ тилида «ш» товуши билан қўлланила-

ди: Қораб., қоз. *өш* «ўч», Қораб. *өркәш*, қоз. *өркеш* «ўрқач»; Қораб., қоз. *ағаш* «оғоч, ёғоч»; Қораб. *өтыныш*, қоз. *өтиниш*, «ўтинч» (қаттиқ илтимос).

5. «б» товуши иштирок этган айрим лексик бирликлар Қорабулоқ шеvasида ва қозоқ тилида «п» товуши билан ифодаланади¹: Қораб., қоз. *айып* «айб», Қораб., қоз. *аспан* «асбоб», Қораб., қоз. *алыпсатар* «олибсатар».

6. Ўзбек адабий тилидаги «т» товуши Қорабулоқ шеvasи ва қозоқ тилидаги айрим муштарак лексик бирликларда жарангилашади: Қораб., қоз. *далбаса* «талваса», Қораб., қоз. *дорба* «тўрва», Қораб., қоз. *дым* «жуда, ниҳоятда»².

Сўзнинг ўзбек адабий тилидаги шаклидан фонетик жиҳатдан фарқ қиладиган лексик бирликларни қуйидагича мавзуий гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Озиқ-овқат номлари: Қораб., қоз. *айран* «айрон», Қораб. *овқат*, қоз. *ауқат* «овқат»; Қораб., қоз. *арақ* «ароқ»; Қораб., қоз. *бал* «бол»; Қораб., қоз. *ботқа* «бўтқа» (қаша), Қораб., қоз. *нан* «нон», Қораб., қоз. *нарын* «норин»; Қораб., қоз. *сүт* «сут»; Қораб., қоз. *талқан* «талқон», Қораб., қоз. *тамызық* «томизиқ» (хамиртуруш); Қораб., қоз. «қаймақ», «қаймоқ»; Қораб., қоз. *қант* «қанд»; Қораб., қоз. *қымыран* «қимрон».

Қозоқ тилида жарангли «д» билан ишлатиладиган қуйидаги лексик бирликлар ўзбек тилида жарангсиз «т» билан қўланилади: қоз. *дайын*, ўзб. *тайин*, қоз. *дауыс*, ўзб. *товуш*, қоз. *дон*, ўзб. *тўй* ва ш.к.

2. Уй ва ёввойи ҳайвонлар номлари: Қораб., қоз. *айғыр* «айғир». Қораб., қоз. *балиқ* «балиқ»; Қораб., қоз. *бақа* «қурбақа»; Қораб. *бузав*, қоз. *бўзау* «бузоқ», Қораб. *бўлбўл*, қоз. *бўлбўл* «булбул», Қораб. *бықа*, қоз. *бўқа* «буқа», Қораб. *буғы*, қоз. *бўғы* «буғу», Қораб., қоз. *доңыз* «тўнғиз», Қораб., қоз. *тауық* «товуқ», Қораб., қоз. *торғай* «тўрғай», Қораб. *тулпар*, қоз. *тўлпар* «тулпор»; Қораб., қоз. *шортан* «чўртон» (балиқ) ва ш.к.

3. Тана аъзолари номлари: Қораб., қоз. *айақ* «оёқ»; Қораб., қоз. *бармақ* «бормоқ», Қораб., қоз. *бет* «юз»; Қораб. *былак*, қоз. *білек* «биллак»; Қораб. *пут*, қоз. *бўт* «бут»; Қораб. *кындық*, қоз. *кіндік* «киндик»; Қораб., қоз. *көз* «кўз»; Қораб. *мурт*, қоз. *мўрт*, «мўйлов»; Қораб. *мурын*, қоз. *мўрын*, «бурун»; Қораб., қоз. *мурутқа* «умуртқа»; Қораб., қоз. *сан* «сон», Қораб., қоз. *сақал* «соқол»; Қораб.

¹ *пиёз* сўзи қозоқ тилида *бияз*//*пиыз* шаклида ҳам ишлатилаверади.

² Қиёс қилинг: Ўзбек адабий тилида *тим* «қора, қоронғилик» каби сўзлар олдида ишлатиладиган кучайтирув юкламасидир (Ўтил, 2, 179).

сепкыл, қоз. *сепкіл*; «сепкил»; Қораб., қоз. *табан* «товон»; Қораб., қоз. *тамақ* «томәқ»; Қораб., қоз. *тамыр* «томир»; Қораб., қоз. *тырнақ* «тирноқ»; Қораб., қоз. *қабақ*, «қовоқ»; Қораб., қоз. *қабырға* «қовурға»; Қораб., қоз. *қан* «қон». Қораб., қоз. *қарын* «қорин»; Қораб., қоз. *қол* «құл»; Қораб., қоз. *қалтыр* «құлтиқ».

4. Мевали, мевасиз дарахтлар, полиз, саб абот-резавор экиялари номлари: Қораб. *ашқабақ*, қоз. *асқабақ* «ошқовоқ»; Қораб., қоз. *бадам* «бодом», Қораб., қоз. *бақлажан* «бақлажон»; Қораб. *жигдә*, қоз. *жиде* «жийда»; Қораб. *қоғун*, қоз. *қауын* «қовун».

5. Белги, хусусият ва ҳолат маъноларини ифодаловчи лексик бирликлар: Қораб., қоз. *алысатар* «олиб сотар»; Қораб., қоз. *аман* «омон»; Қораб. *авсар*, қоз. *аусар* «овсар»; Қораб., қоз. *аманат* «омонат»; Қораб., қоз. *арзан* «арзон»; Қораб., қоз. *арсыз* «орсиз»; Қораб., қоз. *арық* «ориқ»; Қораб., қоз. *ақсақ* «оқсоқ»; Қораб., қоз. *ақылсыз* «ақдсиз»; Қораб., қоз. *бай* «бой»; Қораб., қоз. *алдамшы* «ёлғончи»; Қораб., қоз. *бойдақ* «бўйдоқ»; Қораб., қоз. *бойлы* «бўйдор»; Қораб., қоз. *болымсыз* «бўлимсиз, кучсиз, қўлидан иш келмайдиган»; Қораб., *букыр*, қоз. *бүкір* «букри»; Қораб. *дұрыс*, қоз. *дұрыс* «дуруст»; Қораб. *әркә*, қоз. *ерке* «эрка»; Қораб., қоз. *жылдам* «илдам», Қораб. *көсә*, қоз. *көсе* «кўса»; Қораб., қоз. *маймақ* «моймоқ»; Қораб., қоз. *оңай* «ўнғай»; Қораб., қоз. *пақыр* «фақир». Қораб., қоз. *теріс* «тескари, терс»; Қораб., қоз. *қашқын* «қочоқ» ва ш.к.

6. Масофа, вақт, томон маъноларидаги сўзлар: Қораб., қоз. *алыс* «олис»; Қораб. *бүгүн*, қоз. *бүгін* «бугун», Қораб., қоз. *тарап* «тараф» ва ш.к.

7. Уй-рўзғор ва кийим кечак номлари: Қораб., қоз. *аспан* «асбоб»; Қораб., қоз. *балта* «болта»; Қораб., қоз. *балға* «болға»; Қораб., қоз. *дорба* «тўрва»; Қораб., қоз. *домбыра* «дўмбира», Қораб., қоз. *оймақ* «ангишвана». Қораб., қоз. *орақ* «ўроқ»; Қораб., қоз. *табақ* «товоқ»; Қораб., қоз. *тандыр* «тандир»; Қораб., қоз. *тарақ* «тароқ»; Қораб. *тәлпәк*, қоз. *телпек* «телпак»; Қораб., қоз. *тәтүн* «тўн»; Қораб., қоз. *қалтақ* «қалпоқ» ва ш.к.

8. Инсон фаолияти билан боғлиқ сўзлар: Қораб., қоз. *айлық* «ойлик, маош»; Қораб., қоз. *айып* «айб»; Қораб., қоз. *ауру* «огриқ»; Қораб., қоз. *ақыл* «ақл»; Қораб., қоз. *байлық* «бойлик»; Қораб. *балғы*, қоз. *белгі* «белги», Қораб., қоз. *бой* «бўй»; Қораб. *бузық*, қоз. *бұзық*, «бузуқ»; Қораб. *эмизув*, қоз. *емізу* «эмизиш»; Қораб. *ийс*, қоз. *іс* «ис»; Қораб., қоз. *баж* «бож»; Қораб., қоз. *сабақ* «сабоқ, дарс»; Қораб. *авлақ*, қоз. *аулақ* «овлоқ»; Қораб. *арыз*//*арза*, қоз. *арыз* «арз, ариза» ва ш.к.

9. Шахс маъноларидаги сўзлар: Қораб. бул, қоз. бўл «бу»; Қораб, сыз, қоз. сиз «сиз»; Қораб, быз, қоз. биз «биз» ва ш.к.

10. Қариндош-уруғчилик ва унга ёндош ҳамда алоқадор лексик бирликлар: Қораб., қоз. ашна «ошно»; Қораб., қоз. ана «она»; Қораб., қоз. аға «оға»; Қораб., қоз. ағай «амаки», Қораб., қоз. ағайын, «қариндош»; Қораб., қоз. бала «бала»; Қораб., қоз. бике «бека», «қайнисингил»; Қораб., қоз. бозбала «бўзбола», «йигит», «ёш-яланг»; Қораб. эгыз, қоз. егиз «эгизак»; Қораб. эркәк, қоз. еркек «эркак»; Қораб. жыйён, қоз. жиен «жиян»; Қораб. кельн, қоз. келін «келин»; Қораб. кәмпыр, қоз. кемпір «кемпир»; Қораб., қоз. отағасы «ўтоғаси» (ёши улуг) ва ш.к.

11. Дори-дармон, касаллик семасини атовчи сўзлар: Қораб. дэры, қоз. дэри «дори»; Қораб. тамырәткы, қоз. темиретке «темиратки»; Қораб., қоз. қылтамақ «қизилўнғач раки» (қилтомоқ)

12. Сўроқ маъносидаги лексик бирликлар: Қораб., қоз. не? «нима?» Қораб., қоз. қайда «қаерда»; Қораб., қоз. қай «қачон», Қораб., қоз. қайдан «қаердан»; Қораб., қоз. қалай «қандай?» ва ш.к.

13. Қурилиш ва инсон манзили номлари: Қораб. авыл, қоз. ауыл «овул, қишлоқ»; Қораб., қоз. ағаш «ёғоч, дарахт»; Қораб., қоз. бор «бўр» (мел); Қораб., қоз. босаға «бўсаға, остона»; Қораб, бөлмә, қоз. бөлме «бўлма, хона»; Қораб. бөлым, қоз. бөлим «бўлим» ва ш.к.

14. Ранг-тус маъноларини ифода этувчи лексик бирликлар: Қораб., қоз. ақ «оқ»; Қораб., қоз. көк «кўк»; Қораб., қоз. сарғыш «сарғич»; Қораб., қоз. қара «қора», Қораб., қоз. қызыл «қизил» ва ш.к.

15. Метрология маъноларини билдирувчи лексик бирликлар: Қораб., қоз. айаз «аёз»; Қораб. булыт, қоз. бўлт «булут»; Қораб., қоз. күз «куз»; Қораб., қоз. саратан «саратон»; Қораб., қоз. таң, «тонг»; Қораб., қоз. тун «тун» ва ш.к

16. Касб-хунар маъноларини ифода этувчи лексик бирликлар: Қораб., қоз. ақын «оқин»; Қораб., қоз. сабыншы «совунгар» ва ш.к.

Бу хил лексик бирликлар рўйхатини яна ҳам давом эттириш мумкин.

3. Қўшимча маънога эга бўлган лексик бирликлар.

Қорабулоқлик ўзбеклар нутқида ишлатиладиган айрим лексик бирликлар ўз маъноларига кўра ўзбек адабий тилидан худди шундай лексик бирликлар маъноларидан фарқ қилиши кузат иди. Бу маънолар қозоқ тилининг таъсири билан юзага келган маълумолардир. Бу хил сўзларга мисол қилиб қуйидагиларни келтириш мумкин. *Әмал* — Қорабулоқ шеvasида бу сўзнинг ўзбек тилидаги 1. кундалик иш, фаолият; 2. мансаб, мартаба, лавозим. 3. чора, илож. 4. математик ҳисобнинг ҳар бир тури. Тўрт амал (Ўтил, 1, 43) каби маънолар билан ётра

«айёрлик» каби маъноси ҳам бор *амал ташқиш* айёр, топқир (Казрсл, 32). Бу маъно Қорабулоқ шеvasига қозоқ тили орқали ўтган.

овқат — бу лексик бирлик Қорабулоқ шеvasида ўзбек адабий тилидаги маънолар (1. емиш, таом, емак; 2. тирикчилик учун даркор нарсалар) дан ташқари (Ўтил, 1, 519) «қол-аҳвол, турмуш даражаси» каби маъноларни ҳам билдиради. Бу маъно қозоқ тили орқали шевага ўтган. қоз. ауқат «қол-аҳвол»; «таом» (Казрсл, 53).

авул — шевада «қишлоқ, кўчманчи чорвадорлар ўрнашган жой» маъносини англатади. Бу маъно ўзбек адабий тилида ҳам мавжуд. Қорабулоқ шеvasида *авул* лексик бирлиги *шарвашылык* сўзи билан бирикма ҳосил қилади ва «қишлоқ хўжалиги» маъносини англатади. Бу маъно ҳам қозоқ тилидан ўтган (Қиёс: Қораб. *авул шарвашылыкы*, қоз. *ауыл шаруашылыгы*).

бармак — Қорабулоқ шеvasида бу сўз ўзбек адабий тилидаги «олам, мавжудот», «кишининг бутун вужуди, туриш-турмуши», «барча, ҳамма, бутун» (Ўтил, 1, 131) маънолар билан биргаликда «мол-дунё, мол-мулк» маъносини ҳам англатади. Бу маъно қозоқ тили орқали (Казрсл, 70) шевага ўтган.

бастырма — мазкур лексик бирлик ўзбек адабий тилидаги каби «тўрт томони ёки икки ёни ва олди очиқ қурилма (навес)» (Ўтил, 1, 134) дан ташқари 1. Камарни маҳкам тутиб турадиган мослама. 2. тугма маъноларини ҳам билдиради. Бу маънолар (Казрсл, 73) қозоқ тили орқали шевага ўтган.

байағы — шевада адабий тилдаги каби «боя, ҳали содир бўлган, сўз бораётган пайтдан бирмунча вақт олдин» маънолари (Ўтил, 1, 140) билан бирга, «ўтган вақтда», «узоқ ўтган замонда» ни ҳам англатади. Бу маъно қозоқ тилининг таъсири орқали (Казрсл, 80) пайдо бўлган.

далбаса — адабий тилдаги *талвасанинг* фонетик кўриниши бўлиб, «қаттиқ безовталиқ, изтироб, ҳаяжон» маъноларидан ташқари (Ўтил, 2, 111) Қорабулоқ шеvasида «таклиф, тавсия», «баҳона» (Казрсл, 123) маъноларини ҳам англатади. Бу маънолар қозоқ тилидан ўтган.

ер — адабий тилдаги «эркак жинсига мансуб киши, эркак», «мард, олижаноб, жасур киши» (Ўтил, 2, 449) маъноларидан ташқари «Қаҳрамон, баҳодир» (Еңбэк ерлэры «Меҳнат Қаҳрамонлари — Казрсл, 142) ни ҳам шевада англатади. Бу маъно ҳам шевага қозоқ тилидан ўтган.

жайдары — шевада ўзбек адабий тилидаги «маҳаллий», «қўлбола», «оддий, содда» (Ўтил, 1, 270) маънолар билан бирга «қувноқ, шўх-шодон» (Казрсл, 152) ни ҳам англатади. Бу маъно қозоқ тилининг таъсири билан юзага келган.

зат — Ўзбек адабий тилидаги «Бир бобокалондан, аждоддан тарқалган насл, авлод», «бирор фазилати билан ажралиб турувчи киши, шахс», «жинс, нав» (Ўтил, 1, 309) маънолар билан бирга «нарса, буюм; предмет» (Казрсл, 192)ни ҳам англатади. Бу маъно шевада қозоқ тилининг таъсири билан пайдо бўлган.

мырза — Ўзбек адабий тилидаги 1. котиб. 2. саводли йигит. 3. жаноб. 4. эркаклар исми маънолари билан бирга (Ўтил, 1, 466) «қўли очиқ, сахий» (Казрсл, 244) *Ул хасымас, мырза адам*. «У хасис эмас, сахий одам» маъносини ҳам англатади. Бу маъно ҳам қозоқ тилининг таъсири остида пайдо бўлган.

осал — адабий тилдаги «тузалишига умид қолмаган оғир касал», «ярамас, ёмон, бемаъни» (Ўтил, 2, 515) маънолари билан бирга шевада «кучсиз, қувватсиз, мустақкам эмас»; *осал адам* «куч-қувватсиз одам», *осал жып/йып* «мустақкам бўлмаган ип» (Казрсл, 264) маънолари ҳам бор. Бу маънолар ҳам қозоқ тилининг таъсири остида шевада пайдо бўлган.

тамақ — Ўзбек адабий тилидаги «бўйиннинг энгак ёки тумшук ости қисми» (Ўтил, 2, 201) маъносини ва «таом, овқат» (Казрсл, 330) ни англатади. Бу сўз *дамақ* шаклида ўғуз лаҳжасида, озарбайжон, туркман, турк тилларида ҳам ишлатилади ва юқоридаги маъноларни англатади.

ёзен — адабий тилдаги «сув оқиб ўтаётган узун чуқурлик; сув йўли» ни ва «дарё» маъноларини англатади (Казрсл, 493). *ёзен/ёзен* кўри-нишларида бу лексик бирлик Қорамурт, Қорноқ қишлоқларида *сой* (Ўзил, 203) маъносини ҳам билдиради. Қорабулоқ шевасида *ёзеннинг* дарё маъноси қозоқ тилидан ўтган. Қозоқ тилида ўзбек тилидаги «сув йўли» маъноси *ёзен арнасы* (Казрсл, 493) бирикмаси орқали ифодаланади. *арна* Хоразм шеваларида «катта ариқ» (Ўзхпл, 21), қозоқ тилида арна 1. русло реки. 2. перен: направление (Казрсл, 38).

қылтанақ — ўзбек адабий тилидаги «балиқнинг игнасимон игичка узун суюги», «арна, шולי, бугдойларнинг қобири учидagi игнасимон узун қилча» маъноларини (Ўтил, 2, 578) ва «қилча», «ўтболдоғи» (Казрсл, 461) каби маъноларни ҳам англатади. Кейинги маънолар қозоқ тилининг таъсири асосида пайдо бўлган.

Бундай лексик бирликлар рўйхатини яна-да давом эттириш мумкин.

Қорабулоқ шевасига қозоқ тилининг муносабати, таъсири масаласи келгусида махсус лингвистик тадқиқотларни талаб қиладиган долзарб масалалардан биридир.

Қайд қилинган лисоний далиллар асосида тубандагича умумлашмалар қилиш мумкин:

1. Қорабулоқ шеvasи ўзбек тилининг ўзига хос лаҳжаси ҳисобланиб, қорабулоқлик ўзбеклар бугунги кунда Мустақил Қозоғистон Республикасининг Жанубий Қозоғистон вилоятида қардош қозоқ халқи билан қўлни қўлга бериб, улар билан дўстона қўшничиликда истиқомат қилишмоқда.

2. Қорабулоқлик ўзбеклар нутқидаги қозоқча лексик маъноларнинг пайдо бўлиши мазкур ҳудудда яшовчи миллатларнинг ўзаро муносабатлари асосида пайдо бўлган лисоний ҳосилалар ҳисобланади.

3. Қорабулоқлик ўзбекларнинг бугунги турмуш тарзи ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий-маънавий йўналишда қардош қозоқ халқининг турмуш тарзи билан чамбарчас боғлиқ. Бу ҳудуддаги ўзбек ва қозоқлар ўртасида турли йўналишдаги хилма-хил муносабатлар тиллар ўртасида ўзаро муштаракликларнинг кўпайишига ва ривожланишига олиб келаверади. Бу жараён миллий республикаларнинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлларини белгилаб олишган бугунги кунда яна ҳам кучаймоқда.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Ўзбек тилининг Қорабулоқ шеvasи лексикасини илмий тадқиқ қилиш қўйидаги умумий хулосаларга келишга имкон беради:

1. Қорабулоқ ҳудудида туркий қабила ва уруғларнинг аجدодлари қадимдан яшаб келишган бўлиб, уларнинг тили, асосан, ўғуз ва қисман қипчоқ шевалари гуруҳига мансубдир.

2. Қорабулоқ шеvasи лексикасини қадимий туркий тил лексикасига қиёслаган ҳолда таҳлил қилиш бу шевада анчагина қадимий туркий лексемаларнинг сақланиб қолгани, бу жиҳатдан ушбу шева ўзбек тилининг бошқа шеваларидан луғавий жиҳатдан фарқли томонларга эгаллигини кўрсатди.

3. Тадқиқ қилинган шевада сақланиб турган ва функционал жиҳатдан фаол бўлган туркий луғавий фонднинг мавжудлиги бу шевани, бир томондан, бошқа ўзбек шевалари билан, иккинчи томондан эса, ўзбек адабий тили билан умумийликка эга қилади. Аммо бундай лексемалар фонетик жиҳатдан Қорабулоқ шеvasининг фонетик қонуниятларига мослангандир.

4. Қорабулоқ шеvasи лексикасида ўғуз шеваларига хос лексемалар асосий ўрин эгаллайди. Бу жиҳатдан ушбу шева, бир томондан, ўзбек тилининг Хоразм шеваларига, иккинчи томондан эса, Жанубий Қозоғистондаги ўғуз шевалари билан маълум луғавий муштаракликка эга.

5. Қорабулоқ шеvasи лексикаси таркибида қадимий луғавий унсуруларнинг яхши сақланишига сабаб унинг адабий марказдан ҳудудий жиҳатдан анча йироқдалиги, ўзбек адабий тили таъсири-нинг сустигидир.

6. Қорабулоқ шеvasи луғавий таркибини мавзуий гуруҳларга таснифланган ҳолда ўрганиш бу шевада кундалик турмуш билан боғлиқ лексемалар гуруҳининг анча бой ва характерли эканини кўрсатди.

7. Қорабулоқ шеvasи, барча ўзбек шевалари каби, ўз тарихий ривожидавомида бир қатор тилларнинг таъсирини бошидан кечирди. Буни ушбу шева луғат таркибида сақланиб турган арабча, форс-тожикча ўзлашма сўзларнинг мавзуий гуруҳлари ва лисоний хусусиятларида равшан кўриш мумкин.

8. Қорабулоқ шеvasи луғавий таркибининг асосини умумтуркий ҳамда ўзбекча лексемалар ташкил қилади. Ўз қатламга мансуб бўлган ушбу лексемалар мазкур шеванинг миллий-лисоний руҳини, миллий ўзига хослигини таъминловчи асосий омилдир.

9. Арабча ўзлашма қатламга мансуб лексемаларнинг аксарияти мавҳум тушунчалар, диний эътиқод ва тасаввурни ифодалайди.

Аксинча, форс-тожик тилларидан ўзлашган сўзлар конкрет маъноли сўзларни англатади.

10. Қорабулоқ ҳудуди Қозоғистон Республикаси таркибида экани, қозоқлар билан кўп асрлар давомида иқтисодий, сиёсий, маданий ҳамда миллий муносабатда бўлиб келгани туфайли қорабулоқ шеvasига қозоқ тили ўзининг маълум таъсирини ўтказган. Бу жараён кундалик турмуш алоқасидан ташқари қозоқ тилида нашр қилинадиган матбуот, бадиий адабиёт ҳамда радио ва телевидениенинг қозоқча эшиттиришлари таъсирида юз берган. Қозоқ тилининг таъсири бу тилдан ўзлашган баъзи сўзларнинг мавжудлигида (*атқарув*-бажариш, *балдыз* — қайинсингил, *дөкәй* — раҳбар, *жагдай* — шароит, *заң* — қонун) ёки баъзи лексемаларнинг қозоқ тили таъсирида ўзга маъно касб этганида (*азамат* фуқаро маъносида), *муча* (аъзолик) кўринади.

11. Сўзлардаги бир маънолилик ва кўпмаънолилик, синонимия, антонимия, омонимия каби луғавий-маъновий категориялар Қорабулоқ шеvasи лексикаси учун ҳам хосдир: Аммо шевадаги ушбу ҳодисалар ўзбек адабий тилидаги ана шундай семантик категориялардан тадқиқ қилинаётган шевадагина учрайдиган баъзи луғавий маънолар, синонимик қаторлар ёки омонимлик шакллар мавжудлиги билан фарқланади.

12. Биз олиб борган таҳлиллар Қорабулоқ шеvasи ўзбек шевалари тизимининг таркибий қисми, ўзбек миллий тилининг қадимий лисоний манбаларидан бири эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Қаримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлон ва тараққиёт йўли // Ўзбекистонлик буюк келажак сари. — Т.: 1999. — Б. 5—66.
2. Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари. — Т.: Фан, 1961. — 346 б.
3. Абдуллаев Ф. Фонетика хорезмских говоров. — Т.: Фан, 1967. — 246 с.
4. Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг ўғуз лажжаси лексикаси. — Т.: Фан, 1978. — 144 б.
5. Аминов О. Тилшуносликка кириш. — Т.: Ўқитувчи, 1996. 175 б.
6. Аминов П. Туркмен динининг маселасери. — Ашгабат: Ўлым, 1969. 262 б.
7. Айдаров Т. Қазақ тілінің лексикалық ерекшеліктері. — Алматы: Мектеп, 1975 184 б.
8. Баскаков Н. А. Состав лексики каракалпакского языка и структура слова // Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. Том IV. Лексика. М., 1962. — Т. IV. — С. 69—101.
9. Бафосов Б. Навоий асарлари лексикаси. — Т.: Фан, 1983 — 160 б.
10. Бегматов Э. А. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. — Т.: Фан, 1985. — 200 б.
11. Боровков А. К. Вопросы классификации узбекских говоров // Известия АН УзССР, серия общ. наук. — 1953. — № 5. — С. 58—73.
12. Древнетюркский словарь. — Л.: Наука, 1969. — 676 с.
13. Жумагазаров Ю. Ўзбек адабий тили ва Жанубий Хоразм диалекти. — Т.: Фан, 1971. — 76 б.
14. Зуфаров С. Сайрам шеvasи // Тил проблемалари. — Т.: — Самарқанд: Ўздавнашр, 1935. — Б. 80—112.
15. Зуфаров С. Сайрам шеvasининг лексик хусусиятларидан // Тилшунослик ва адабиётшуносликка оид тадқиқотлар. — Т.: Фан, 1965. — Б. 195—205.
16. Ишмаев А. Лаҳаблар ҳақида // Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. — Т.: 1961. — Китоб 2. — Б. 229—235.
17. Ишмаев А. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари (Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларининг қилчоқ гуруҳидаги туркий тилларга муносабати. Лугат). — Т.: Фан, 1977. — 176 б.
18. Йўлдошев А. Манкент шеvasида феълларнинг замон формалари // Ўзбек филологияси масалалари тўплами. — Т.: 1968. — Б. 16—25.
19. Ковалов А. Н. Семантика цветообозначений в тюркских языках // Тюркологический сборник 1975. — М., — 1978. — С. 159—179.
20. Кошгарий М. Девону луготи турк. I—III том. — Т.: Фан, 1960—1963, Т. 1. — 1960. — 500 б.; Т. 2. — 1962. — 428; Т. 3. — 1963. — 464 б.

21. Мадраҳимов О. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси лексикаси. — Т.: Фан, 1973. — 192 б.
22. Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. — Т.: Ўқитувчи, 1978. — 256 б.
23. Мирзаев М. Диалектал сўзлар // Ўзбек шевалари лексикаси. — Т.: 1966. — Б. 314—325.
24. Мусабоев Г. Г. Современный казахский язык. Ч.1. Лексика. — Алма-Ата: Ғылым, 1959. — 141 с.
25. Муҳаммаджонов Қ. Жанубий Қозоғистондаги ўзбек шевалари (карлук ва қипчоқ тип шева материаллари асосида). — Т.: Фан, 1981. — 180 б.
26. Навоий ва адабий таъсир масалалари. — Т.: Фан, 1968. — 354 б.
27. Нейматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. — Т.: Ўқитувчи, 1995. — 128 б.
28. Поллианов Е. Д. Узбекская диалектология и узбекский литературный язык. — Т.: Узгосиздат, 1933. — 46 с.
29. Решетов В. В. Изучение узбекских народных говоров // Ўзбек диалектологиясида материаллар. — Т., 1957. — Т. 1. — С. 5—30.
30. Решетов В. В., Шоабдурахмонов Ш. Ш. Ўзбек диалектологияси. — Т.: Ўқитувчи, 1978. — 232 б.
31. Сапаров М. Хоразм воҳисидаги туркий тилларнинг ўзаро муносабатлари. — Т.: Фан, 1988. — 120 б.
32. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. — Т.: Фан, 1962. — 372 б.
33. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек шеваларида лексик мослик ва уларнинг адабий тилга муносабати // Ўзбек шевалари лексикаси. — Т.: 1966. — Б. 5—17.
34. Щербак А. М. Основные особенности южно-Хорезмского говора в сравнительном освещении // Ўзбек диалектологиясида материаллар. — Т.: 1961, — Б. 72—95.
35. Юдахин К. К. Некоторые особенности Карабулакского говора // Ўзбек диалек. матер. — Т., 1957. — Т. 1. — Б. 31—57.
36. Юдахин К. К. Тексты. Карабулакский говор // Ўзбек диалек. матер. — Т., 1961. — Т. II. — Б. 14—22.
37. Юдахин К. К. Қорабулоқ ва Манкент шеваларидан текст намуналари // Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти илмий ишлари. — Т., 1963. — Чик. VII. — Б. 17—25.
38. Ўзбек диалектологиясида материаллар. I том. — Т.: Фан, 1957. 352-б.
39. Ўзбек диалектологиясида материаллар. II том. — Т.: Фан, 1961, 468 бет.
40. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I-II том. — М.: Рус тили, 1981. Т. 1. 1981. — 631 б. Т. 2. — 1981. — 715 б.
41. Ўзбек тили лексикологияси. — Т.: Фан, 1981. — 314 б.
42. Ўзбек шевалари лексикаси. — Т.: Фан, 1966. — 454 б.
43. Ўзбек шевалари лексикаси. — Т.: Фан, 1991. — 230 б.
44. Ўзбек халқ шевалари морфологияси. — Т.: Фан, 1984. — 280 б.
45. Ўзбек халқ шевалари луғати. — Т.: Фан, 1971. — 408 б.
46. Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. — Т.: Ўқитувчи, 1974. — 304 б.

ҚОРАБУЛОҚ ШЕВАСИ ЛЕКСИКАСИДАН НАМУНАЛАР

Қорабулоқ шевасида у ёки бу соҳаларга оид лексик бирликларнинг мавжуд ёки мавжуд бўлмаслиги мазкур ҳудудда яшовчи маҳаллий миллат вакиллариининг дунёқараши, қизиқиш доираси, турмуш тарзи ва бошқа ҳаётий эҳтиёжлари билан чамбарчас боғлиқдир. Бу хил лексик бирликлар ҳажмини қорабулоқлик ўзбеклар яшаб турган табиий муҳит, иқтисодий-ижтимоий шароит, маданий-маънавий талаблар белгилайди. Хусусан ўзбеклар яшайдиган диёрда деҳқончилик, чорвачилик, уй-жой қурилиши, дуррадгорлик сингари касб-ҳунар соҳалари билан боғлиқ лексик бирликлар, атамалар кўп. «Узоқ шимолда яшовчи халқлар тилида эса қор ва совуқ билан боғлиқ, буғучилик ва балиқчилик хўжалиги билан алоқадор сўз ва терминлар кўп. Демак, тилларнинг луғат таркиби унга кирувчи сўзларнинг таркибига кўра ҳам фарқланади. Мана шу фарқни аниқлаш мақсадида сўзлар маълум гуруҳларга ажратилади. Тилшуносликда сўзларнинг мавзуий гуруҳлари деб юритилувчи тасниф усули мана шу мақсадни назарда тутди»¹. Лексик бирликларни мавзуий гуруҳларга ажратиш, уларни вазифа ва маъносига кўра маълум ўхшаш қаторларга жамлашни ифода этади.

Қорабулоқ шеваси лексик бойлигини мавзуий гуруҳларга ажратиб ўрганиш ўзбек тилшунослиги учунгина эмас, балки ўзбек халқи тарихи, этнографияси учун ҳам қимматли ва долзарб вазифадир.

Чунки мавзуий гуруҳларни ўрганиш орқали Қорабулоқ қишлоғида яшовчи маҳаллий ўзбекларнинг халқ хўжалиги, ижтимоий-тарихий хусусиятлари: қорабулоқлик ўзбекларнинг этник келиб

¹ Гольдин В. Е. Об одном аспекте изучения тематической группы//. Язык и общество. М., 1970. Вып. 2. — С. 164; Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. — Т., 1985. — Б. 33.

чиқиши, бошқа қардош халқлар билан алоқаси, урф-одатлари, маданий-маънавий қарашлари ҳақида атрофлича маълумотлар олиш мумкин ва улар тадқиқотчиларда бу ҳақда аниқ тасавурлар уйғотиши ҳам табиийдир. Ана шуларни эътиборга олиб, Қорабулоқ шеваси лексик бойлигини луғат тарзида эмас, балки мавзуий гуруҳларда илова тарзида бериш лозим топилди.

1. Уй-жой қурилишига оид сўзлар:

босага — остона
 кан//көн — ўчоқ ёки печканинг мўриси
 кәсәк — хом гишт
 қорасувақ — биринчи сувоқ
 қачав//қашав — искана
 қыпық//ыпық — пайраха
 кулшыкәлыт — девор тиклашда гишт чокини териш усули
 мурләт — иморатнинг девори устига қўйиладиган ёроч
 нар — сўри
 парваз — тўсин
 там — уй
 тырәк — тиргак, тиргович
 тўндүк — туйнук
 хәнәк//хә : нәк — обрез, пойгак, остона
 хәйбан — айвон
 кәләнкә — соя
 тохмар — ёрочнинг қаттиқ кўзлик қисми
 күкүн — ахлат, супуринди
 қовуш//қовиш — тарнов
 қаңылтыр — тунука
 ку : р — қувур
 монча//морча — ҳаммом
 нуг — тарнов
 түнәк — қазноқ (бу лексик бирлик «болохонадаги жой» маъносини ҳам билдиради).

хамба — дон сақлайдиган махсус жой, қурилма
 чағыр — майда тош, шағал
 чәкә — ёроч миҳ
 чоқалақ — чуқур, чуқурча
 шаты — нарвон
 бугат — томнинг девор билан оралиридаги қисми
 тек — тоқча¹
 үйтәк — қапа, чайла
 дәлиз — даҳлиз, коридор
 гәваләк — гувала
 пийтә — болохонадаги жой устидаги хона
 йатур — ўчоқ ва мўри ораси
 кан боғыз — ўчоқ ичидаги тешик
 кәнтйққуш — ўчоқ ичидаги тешикка тикиладиган латта²
 ығаш — тараша
 аткана — от боқиладиган жой
 малхана — мол боқиладиган жой
 саманхана — сомон сақланадиган жой
 тырәскә//терәскә — терасса
 гакыне — кичкина коридор
 хәйбан — айвон
 тәрс хәйбан — кунгай томонга тесқари айвон
 ме : махана — меҳмонхона
 исқалат — омбор (склад)

¹ тек(тоқча)нинг пәртек (ўрин-тўшак тоқчаси), тахман тек (хўрпа-хўрпача тоқчаси), бәләнгтек (икки қаватли тоқча), орын тек (ўринга тўшаладиган буюмлар тоқчаси) каби турлари мавжуд.

² Кәнтйққушига синоним сифатида собалақ лексик бирлиги ҳам шевада мавжуд.

отынхона — ўтинхона
тезакхона — тезакхона
чепхона — ўт-хашак турадиган хона
сарай — сарой; хашак, ўт-ўлан сақ-
ланадиган жой;
2. Инсон тана аъзолари ва уларга
алоқадор сўзлар:
авуч — ҳовуч
бавур//бағыр — жигар
барамурак//бармалгақ — кўрсаткич
бармоқ
башмалгақ — бош бармоқ
буғанайылык — қўлнинг елкадан
тирсақчача бўлган қисми
езыв — лабларнинг бирлашган жойи
ийёк — энгак
ыйық — елка//ийин — елка//йағ-
рын — елка
йүлүн — ҳароммағиз
йүлүн — умуртқа илиги
көвдә — гавда
көпырчәк — бурун катаклари
көмәкөй — қизил ўнгач
қайазғақ — қазғоқ
омрав — кўкрақ, гавда кўриниши
өкчә//өхчә — пошна
пүт — оёқнинг оралиғи
ҳавут — лунж, жағ
чанақ — бурун катаклари
додақ — лаб
дордақ — лаби қалин
йағ — жағ
қарасан — болдир
о : д — ўт
суйал — сўтал
термә — қошнинг ортиқча туки
